**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

УЎТ 581.1:633.51+633.51

Норбоева У.Т., Холлиев А.Э. (Бухоро давлат университети)

# ҒЎЗА НАВЛАРИ ФИЗИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ШЎРЛАНИШ ВА НАМЛИК ДАРАЖАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

**Аннотация.** *Мақолада ғўза навлари баргларидаги умумий, метаболитик ва боғланган сув миқдори, кундузги ҳамда қолдиқ сув танқислигига тупроқ шўрланиши ва намлик даражаларининг таъсири натижасида олинган маълумотлар келтирилган. Навлар кесимида ўрганилган кўрсаткичлар қийматининг ўзгариши тупроқ шўрланиши ва намлик даражаларига боғлиқлиги аниқланган.*

**Калит сўзлар:** *шўрланиш, физиологик қурғоқчилик, тупроқ қурғоқчилиги, боғланган сув, метаболитик сув, кундузги ва қолдиқ сув танқислиги.*

**Аннотация.** *В статье приводятся результаты влияния почвенного засоления и уровня водообеспеченности на общее содержание метаболической и связанной воды, дневного и остаточного водного дефицита в листях сортов хлопчатника. Определено изменение величины изученных показателей в пределах сортов в зависимости от засоления и степени влажности почвы.*

**Ключевые слова:** *засоление, физиологическая засуха, почвенная засуха, связанная вода, метаболическая вода, дневной и остаточный водный дефицит*.

**Abstract.** *The article covers the results of the influence of soil salinity and moisture level on total and metabolic bound water amount of the leaves of cotton varieties, as well as, daily and residual water shortage in them. Changes of the value of the studied indices among the sorts depending on the soil salinity and moisture level were analyzed.*

**Key words:** *salinity, physiological drought, soil drought, bound water, metabolic water, daily and residual water shortage.*

**Кириш.** Кўпгина қишлоқ хўжалиги ўсимликлари, жумладан ғўза ҳам кўпинча тупроқда сув етишмаслиги (тупроқ қурғоқчилиги), ҳаво ҳароратининг айниқса, ёз ойларида юқори (40-45$^0$С) ва нисбий намликнинг паст бўлиши (атмосфера қурғоқчилиги), тупроғи шўрланган ҳудудларда (физиологик қурғоқчилик) ва бошқа омилларнинг салбий таъсирига дуч келади. Айниқса, бундай омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасида ғўза ўсимлигида кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнлар, жумладан, ўсимликларнинг сув ва озиқ моддаларни қабул қилиши, унинг ўсимлик танаси бўйлаб ҳаракатланиши ва тақсимланиши ҳамда сув сарфи (транспирация) ўртасидаги мутаносиблик бузилади.

Шўрланган тупроқларда ўсадиган ўсимликларнинг сув алмашинуви ва сув таъминоти масалалари ҳозирги вақтгача етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу муаммони ўрганишнинг ўзига хос қийин томони шундан иборатки, бунда ўсимликларга тузлар қўшалоқ таъсир қилади. Биринчидан, тупроқда тўпланган тузлар тупроқ эритмасининг осмотик босимини ошириб, илдиз орқали сувнинг киришини қийинлаштирса, иккинчидан, баъзи бир тузлар ўсимликларга заҳарли таъсир қилиб, физиологик ва биокимёвий жараёнларни ўзгартиради.

Баъзан тупроқда тузларнинг тўпланиши физиологик қурғоқчиликнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади. Натижада тупроқда сув етарли бўлишига қарамасдан ўсимликларнинг сув балансида жиддий ўзгаришлар юзага келиб, сўлиш аломатлари кузатилади [1:113,114].

**Тадқиқот объектлари ва услублари.** Тажрибаларнинг объекти сифатида ўрта толали ғўза навлари гуруҳига мансуб бўлган "Бухоро-6", "Оқдарё-6", "Бухоро-102" ҳамда "С-6524" навларидан фойдаланилди. Бу навлар ҳозирги вақтда ҳам республикамизнинг қатор вилоятларида катта майдонларга экилмоқда. Тажрибалар учун ўтлоқи аллювиал тупроқлардан фойдаланилди. Бундай тупроқлар Бухоро вилоятининг асосий майдонларини

ташкил қилади. Тажрибалар учун олинган тупроқнинг намлиги ва нам сиғими аниқланди. Шу иккала кўрсаткич асосида тупроқнинг намлиги тўлиқ нам сиғими(ТНС)га нисбатан 70 фоиз, қурғоқчил вариантлардаги идишларда тупроқ намлиги 30 фоиз даражасида сақланди. Вегетацион тажрибаларда идишлардаги тупроқни сунъий равишда шўрлантириш учун ош тузидан фойдаланилди. Идишларда тупроқнинг ҳавода қуритилган массасига қараб хлор иони бўйича кучсиз, ўрта ва кучли даражадаги тупроқ шўрланишлари ҳосил қилинди.

Тадқиқотлар давомида сув алмашинувини белгилайдиган қуйидаги физиологик кўрсаткичлар аниқланди: баргларидаги умумий, метаболитик ва боғланган сув миқдори [2] ҳамда баргларидаги кундузги ва қолдиқ сув танқислиги [3].

**Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси.** Илмий маълумотларга қараганда, тупроқнинг шўрланган муҳитида намликнинг ошиши ғўзанинг сув билан таъминланишига ижобий таъсир қилади. Суғориш натижасида тупроқдаги тузлар концентрацияси пасаяди ва бу ҳолат шўрланган тупроқлар шароитида ўсимликларнинг етарли даражада сув билан таъминлашида катта аҳамиятга эга. Тупроқнинг устки қатламида намликнинг камайиши тупроқ эритмаси билан тузларни чуқур қаватлардан капилляр ҳолда юқорига кўтаради ва натижада ўсимликлар танасига тузларнинг кириши янада фаоллашади.

Ўсимликлар таркибидаги умумий сув миқдорини аниқлаш уларнинг сув билан таъминлашида катта аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич сув алмашинувини характерлайдиган бошқа жараёнлар билан параллел равишда ўрганилса, кенгроқ маълумот олиш мумкин.

Ўсимликларда кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг жадаллик даражаси ҳужайра ва тўқималар таркибидаги сув миқдори ва унинг ҳолатига бевосита боғлиқ [4].

Ғўза навларининг ўрганилган назорат вариантларида ўстирилган ўсимлик баргларида вегетациянинг шоналаш босқичидан кўсаклаш босқичига умумий сув миқдорининг камайиб бориши қайд этилди. Ушбу боғлиқликни ҳар хил даражада шўрланган вариантларда ҳам кузатиш мумкин. Тупроқ шўрланиш даражасига боғлиқ ҳолда барча вариантларда метаболитик сув миқдорининг камайиши, айни пайтда эса боғланган сув миқдорининг ошиб бориши кузатилди. Тупроғи шўрланган шароитда ўстирилган барча тажриба вариантидаги ўсимликлар баргида умумий ва метаболитик сув миқдорининг кескин камайиши, боғланган сув миқдорининг эса ошиши қайд этилди.

Ғўза навларининг гуллаш босқичида барглар таркибидаги умумий, метаболитик ва боғланган сув миқдори тупроқнинг шўрланиш даражаси ҳамда қурғоқчилик ва шўрланишнинг биргаликдаги таъсири натижасида ҳар хил бўлди. Тупроқ шўрланиш даражасининг ошиши билан ҳар иккала намлик шароитида барча навларда умумий сув миқдорининг ошиши аниқланди. Метаболитик сув миқдорининг камайиши ва боғланган сув миқдорининг ошиши кузатилди. Айниқса, тупроқ қурғоқчилиги ва шўрланишнинг қўшалоқ таъсири остида барча навларда боғланган сув миқдори 70 фоизли намликдаги ўсимликлардагига қараганда анча юқорилиги аниқланди.

Шўрланган муҳитда ўстирилган навлар кесимида боғланган сув миқдори ўзгариб, айниқса тупроқ шўрланиш даражаси юқори бўлган вариантдаги навларда унинг миқдори энг юқори бўлиши қайд этилди.

Ғўза навларининг ўрганилган назорат вариантларида ҳам 70, ҳам 30 фоиз намликда ўстирилган ўсимлик баргларида вегетациянинг шоналаш босқичидан кўсаклаш босқичига умумий сув миқдори камайиб борди. Ушбу боғлиқликни ҳар хил даражада шўрланган вариантларда ҳам кузатиш мумкин. Тупроғи шўрланган ва қурғоқчил (30 фоиз намлик) шароитда ўстирилган барча назорат ва тажриба вариантларидаги ўсимликлар баргида мўътадил намликдаги вариантларга қараганда умумий ва метаболитик сув миқдорининг кескин камайиши аниқланди. Айни пайтда боғланган сув миқдорининг эса ошиши кузатилди. Иккала намлик шароитида ҳам барглар таркибида боғланган сув миқдорининг шоналашдан кўсаклаш босқичигача ошиб бориши қайд этилди.

Ўсимликлар таркибидаги умумий сув, айниқса метаболитик сув миқдорининг мўътадил миқдорда бўлиши ўсимликлар танасида кечадиган барча физиологик ва

биокимёвий жараёнларни фаоллаштиришга ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилди. Боғланган сув миқдорининг ошиши ғўза навларининг шўрликка нисбатан чидамлилигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бунда умумий, метаболитик ва айниқса боғланган сув миқдори бўйича юқори кўрсаткичлар Бухоро-6 навида аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича “Бухоро-102” ва “С-6524” навлар оралиқ, “Оқдарё-6” нави эса охирги ўринни эгаллаши қайд этилди.

Маълумки, ҳаво ҳарорати юқори ва унинг нисбий намлиги паст бўлганда, айниқса тушки соатларда ўсимликлар баргида сув танқислиги кузатилади. Бу эса ўсимликларда кечадиган сув балансига салбий таъсир кўрсатади.

Ўсимликлар узоқ вақт тупроқ ва атмосфера қурғоқчилиги ҳамда тупроқ шўрланиши шароитида ўстирилса, кундузги сув танқислиги ошиб, кечқурунги соатларда ҳам барг ҳужайралари тургор ҳолатига қайтмайди. Натижада эрталабки соатларда барг ҳужайраларида қолдиқ сув танқислиги кузатилади. Қолдиқ сув танқислигининг кузатилиши ўсимликларнинг сув алмашинув жараёнларига жиддий таъсир кўрсатади [5].

Ғўза навлари баргларида кундузги ва қолдиқ сув танқислиги бўйича олинган маълумотларга қараганда, барглардаги кундузги ва қолдиқ сув танқислиги барча вариантларда шоналашдан кўсаклаш босқичигача ошиб боради. Тупроқда шўрланиш даражасининг ошиши билан мос равишда кундузги ва қолдиқ сув танқислиги қийматининг ҳам ошиши аниқланди.

Тупроқ намлик даражаси (мўътадил, қурғоқчилик) ҳамда тупроқ шўрланиши (кучсиз, ўрта, кучли) муҳитида ўстирилган барча ғўза навларида кундузги ва қолдиқ сув танқислиги қиймати тупроқ шўрланиши ва намлик даражаси ҳамда ўсимликларнинг биологик ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлиши қайд этилди.

Олинган маълумотларга қараганда, барглардаги кундузги ва қолдиқ сув танқислиги бўйича “Оқдарё-6” нави, “Бухоро-6” нави охирги ўринни, қолган иккала нав эса оралиқ ҳолатни эгаллади.

Барча тажриба вариантлари навлари баргларида сув танқислиги қиймати назорат вариантларига қараганда анча юқори бўлди. Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича ўрганилган навлар ўртасида ҳам анча фарқлар кузатилди. Энг юқори кундузги ва қолдиқ сув танқислигининг қиймати кучли даражада шўрлантирилган вариантларда аниқланди. Шўрланиш даражасининг пасайиши билан ушбу кўрсаткичлар қийматининг пасайиши, айниқса энг паст кўрсаткич назорат вариантларда кузатилди. Кундузги ва қолдиқ сув танқислиги қиймати кучли шўрланган вариантларда энг юқори бўлди.

**Хулоса.** Бухоро вилоятининг тупроғи шўрланган ҳудудларида ғўза навларининг тупроқ шўрланиши ва намлик даражаларига бўлган реакция нормаси физиологик кўрсаткичларни ўрганиш асосида аниқланиб, бунда “Бухоро-6” ва “Бухоро-102” ғўза навларининг тупроқ шўрланишига нисбатан чидамлилик даражаси юқори эканлиги илмий асосланди. Бухоро вилоятининг шўрланган ўтлоқи аллювиал тупроқ ва қурғоқчил иқлим шароитида ғўзанинг “Бухоро-6” ва “Бухоро-102” навларида биологик ва агрономик шўрга чидамлилик хусусиятларининг бошқа навларга нисбатан юқорилиги тажрибаларда олинган маълумотлар асосида қайд этилди.

### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Удовенко Г.В. Механизмы адаптации растений к засолению почвы: физиологические и генетические аспекты солеустойчивости // Проблемы солеустойчивости растений. Ташкент: “Фан”. 1989. С.113-141.
2. Третьяков Н.Н., Карнаухова Т.В., Паничкин Л.А. Практикум по физиологии растений .Москва: Агропромиздат. 1990. 271 с.
3. Кушниренко М.Д., Гончарова Э.Л., Курчатова Г.П. Методы сравнительного определения засухоустойчивости плодовых растений // Методы оценки устойчивости растений к неблагоприятным условиям среды. Тр. ВАСХНИЛ. Москва: “Колос”. 1986. С. 87-101.

4. Косаковская И.В. Физиолого-биохимические основы адаптации растений на стрессы. Киев: "Сталь". 2003. 192 с.
5. Ashraf M., Harris P.J. Potential Biochemical Indicator of Salinity Tolerance in Plants // Plant Sci. 2004. V.166. P. 3-16.

УДК 575.1

И.И.Абдуллаев (Хоразм Маъмун академияси), А.И.Искандаров (УрДУ)

## *ANACANTHOTERMES* АВЛОДИ ТЕРМИТЛАРИНИНГ ОЗИҚЛАНИШИДАГИ МУҲИМ ФИЗИОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

**Аннотация.** *Ушбу мақолада Anacanthotermes авлоди термитларининг сўлак ва ичак безларидаги ферментлар фаоллиги, турли табақа ва ёшдаги термитларда углеводлар миқдорининг мавсумий динамикаси ва термитларнинг симбиотик хивчинлилари тўғрисида сўз юритилади.*

**Калит сўзлар:** *Anacanthotermes, экскремент, популяция, симбиотик, личинка, ишчилар, навкарлар, нимфа.*

**Аннотация.** *В данной статье рассматриваются проблемы активности ферментов слюнных и кишечных желез термитов рода Anacanthotermes, сезонная динамика содержания углеводов у различных каст и возрастов термитов и симбиотических жгутиконосцев термитов.*

**Ключевые слова:** *Anacanthotermes, экскремент, популяция, симбиотик, личинки, рабочие, солдаты, нимфа.*

**Abstract.** *The article is about determination of the activity of the enzymes in the salivary and intestinal glands of termites of the genus Anacanthotermes, and seasonal dynamics of the carbon contents in different castes and age groups and of symbiotic flagellates of termites.*

**Key words:** *Anacanthotermes, excrement, population, symbiotic, larvae, workers, soldiers, nymph.*

**Кириш.** Термитлар тарихий-маданий обидалар, стратегик аҳамиятга эга объектлар, гидротехник иншоотлар, аҳоли турар жойлари ва маъмурий бинолардаги ёғоч конструкция қурилмаларига жиддий зарар келтиради [1]. Биргина 100 $см^3$ ҳажмдаги 25 минг дона термитдан иборат бўлган битта оила бир йил давомида ўртача 50 минг $см^3$ ҳажмли турли кўринишдаги целлюлозани истъемол қилади [2]. Шунингдек, углероднинг глобал айланиши ҳамда атмосферада иссиқхона гази – углерод диоксиди концентрациясининг ошишига имкон яратади. Бу бевосита термитларнинг ҳазм безлари, симбионт ферментлари ҳамда улардаги биокимёвий жараёнларнинг фаоллиги ҳисобига амалга ошади [3].

**Тадқиқот материаллари ва услублари.** *A.ahngerianus* ва *A.turkestanicus* термитларининг физиологик-биокимёвий тадқиқотларида Уголев, Иезуитова [4], Kodrik [5] услубларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаси ва уларнинг муҳокамаси.** Термитлар асосан қуруқ ёғоч билан озиқланади. Бундай мураккаб целлюлозани парчалашда ҳазм безларидаги ферментлар ҳамда термитлар ичагида симбиоз ҳолда яшовчи микроорганизмлар муҳим рол ўйнайди. Лекин бундай микроорганизмлар ёки ферментлар фаоллиги термит табақаларида тенг тақсимланмаган. Бу эса ўз навбатида термит табақаларини трофик озиқланишида муҳим аҳамият касб этади. Термитларнинг озиқланишида ферментларнинг фаоллиги билан боғлиқ тадқиқотлар барча термит табақаларида (личинка, ишчи, навкар, қанотлилари ва бошқ.) амалга оширилди. Олинган тадқиқот натижаларига кўра ёғочлар билан асосан, катта ёшдаги термит личинкалари, ишчилар ва кичик ёшдаги нимфалар озиқланиши ўрганилди. Кичик ёшдаги личинкалар, навкарлар ва жинсий табақалар мустақил озиқлана олмаслиги туфайли ишчи термитлар томонидан дастлабки ҳазм қилинган озуқани қабул қилиши аниқланди.

Бунда мустақил озиқланадиган термит табақаларининг сўлак ва ичак безларидаги ферментлар фаоллиги муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотларимизда ўрганилган ҳашаротларнинг овқат ҳазм қилишида қатнашувчи ферментлар фақат гидролитик типга кириши ва уларнинг фаоллиги термит табақаларига боғлиқлиги қайд этилди (1-жадвалга қаранг).

*1-жадвал*

**Термитлар сўлак безидаги карбогидразалар фаоллиги (M±m, n=5)**

| Карбогидразалар фаоллиги, | Йирик ишчилар | Майда ишчилар | Нимфа | Навкар |
|---|---|---|---|---|
| Экзоцеллюлаза | 0,09±0,01 | 0,06±0,004 | 0,03±0,01 | 0,01±0,05 |
| Амилаза | 9,15±0,5 | 6,30±0,03 | 4,32±0,07 | 3,71±0,06 |
| Карбоксиметилцеллюлаза | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Целлобиаза | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Мальтаза | 1,16±0,02 | 1,07±0,02 | 1,00±0,02 | 1,06±0,02 |
| Сахараза | 1,05± 0,03 | 0,95± 0,08 | 1,00± 0,06 | 1,05±0,05 |
| Лактаза | 2,1±0,03 | 2,2±0,16 | 1,7±0,14 | 1,9±0,09 |

Тадқиқот натижаларига кўра экзоцеллюлаза ферменти фаоллиги катта ёшдаги термитларда кичик ёшдагиларга нисбатан 1,5 марта, нимфага нисбатан эса уч марта юқори эканлиги аниқланган бўлса, навкарларда экзоцеллюлаза ферменти фаоллиги кузатилмади.

Худди шундай амилаза фаоллиги катта ёшдаги ишчи термитларда юқори эканлиги билан изоҳланади. Шунингдек, карбоксиметилцеллюлаза, целлобиаза фаоллиги ҳеч бир табақада аниқланмади. Мальтаза, сахараза, лактаза фаоллиги термитларнинг барча табақаларида деярли бир хиллиги аниқланди. Биринчи марта *Anacanthotermes* авлоди турли табақа термитларининг сўлак безларидаги лактаза фаоллиги аниқланди. Маълумки юқорида қайд этилган экзоцеллюлаза, мальтаза, сахараза ферментлар фаоллиги целлюлоза парчаланиши билан боғлиқ бўлса, айнан нима учун сўлак безларидаги лактаза мавжудлиги бугунги кунда тадқиқотларимиз учун номаълумлигича қолмоқда.

Демак, термитларда олигомерларни ҳазм қилиш учун етарлича самарали экзо ва эндоцеллюлазалар тизими мавжуд, деган хулосага келиш мумкин.

Тадқиқотлар натижаларига кўра *Anacanthotermes* авлоди термитларида углеводлар миқдори йил фаслига мос равишда ўзгариб туради. Бундан ташқари турли табақа ва ҳар хил ёшдаги термитлар танасида углеводлар миқдорининг ўзгариши йилнинг турли мавсумларида бир хил тенденцияда бўлади (2-жадвалга қаранг).

*2-жадвал*

***Anacanthotermes* авлоди термитлари танасида углеводлар миқдорининг мавсумий ўзгариши (M±m; n=5)**

| № | Термит табақалари | Куз | Қиш | Баҳор | Ёз |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Кичик ёшдаги ишчилар | 39,3±1,9 | 32,5±0,9 | 47,6±0,9 | 33,2±1,5 |
| 2. | Ўрта ёшдаги ишчилар | 58,0±2,7 | 49,1±0,3 | 62,4±1,8 | 44,7±2,4 |
| 3. | Катта ёшдаги ишчилар | 56,5±0,9 | 46,8±2,0 | 58,9±3,0 | 42,9±2,1 |
| 4. | Навкарлар | 63,0±1,4 | 49,0±2,7 | 67,4±33,1 | 56,3±0,7 |
| 5. | Қанотлилар табақалар | 76,9±2,0 | 68,9±1,4 | 86,8±2,4 | – |

Углеводлар муҳим органик бирикмалар бўлиб, улар организмда муҳим ҳаётий функцияларни бажаради ва турли ҳаётий жараёнларда бирламчи энергия манбаси ҳисобланади. 2-жадвал натижаларига кўра баҳор ва кузда термитлар танасида углеводлар миқдори ошганда уларнинг ҳаракат фаоллиги юқори, аксинча, углеводлар миқдори камайганда суст бўлиши ўрганилди.

Демак, термитларнинг механик фаоллигини таъминловчи асосий омиллардан бири метаболик циклга энергия манбаси сифатида осон кирадиган углеводлар ҳисобланади.

*Anacanthotermes* авлоди термитлари ичагида ва озиғида кўп сонли микроорганизмлар – хивчинлилар, бактериялар ва замбуруғлар яшайди. Булар ўз навбатида целлюлозани парчалашда муҳим рол ўйнайди. Тадқиқотларда *Anacanthotermes* авлоди термитлари хуш кўриб ейдиган озуқа кунгабоқар (*Heliantus annuus* L.) поясидан 18 турдаги замбуруғлар ажратиб олинди. Булар орасида *Alternaria altrnata, Cladosporium, Helminthosporium sp., Stachybotrys lobulata, Stemphilium botryosum* турлари озуқанинг дастлабки парчаланишига, озуқанинг ҳазм бўлишига қулайлик яратиши аниқланган. Замбуруғлар оқсил, углевод ва витаминларга бой бўлиб, термит учун қўшимча озуқа бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, тажрибалар давомида *Anacanthotermes* авлоди термитларининг ичагида ва экскрементларидан *Trichomonadidae, Pyrsonymphidae, Oxymonadidae, Trichonymphidae, Spirotrichonymphidae, Holomastigotidae* оиласига мансуб 12 турдаги симбионт хивчинлилар аниқланди.

Анаэроб соддалилар ва бактериялар биргаликда бўлиши термитларнинг орқа ичагида сўриладиган целлюлозанинг кўп қисми парчаланишини таъминлайди. Ушбу организмлар иштирокисиз термитлар ёғочни ҳазм қила олмайди. Соддалилар ва бактериялар ҳаёти термит организми билан чамбарчас боғлиқ.

Барча тирик организмлар каби термитлар ҳам моддалар алмашинувида қатнашади, улар озуқани организм талаблари учун зарур бўлган энергетик ва пластик материалгача қайта ишлайди, шунингдек, атроф-муҳитга метаболизм маҳсулотлари ва энергия ажратади. Катта биомассада ва юқори фаолликда озуқани, яъни целлюлозани қайта ишлаши, атмосфера азотини ўзлаштириши термитларнинг метаболизмдаги ролини глобал даражага чиқаради. Термитларнинг асосий газсимон маҳсулотлари карбонат ангидрид ва метан бўлади.

**Хулоса.** Шундай қилиб, катта ёшдаги термит личинкалари, ишчилар ва кичик ёшдаги нимфаларнинг сўлак ва ичак безларидаги ферментлар фаоллиги туфайли ёғочлар билан мустақил озиқланиши, кичик ёшдаги личинкалар, навкарлар ва жинсий табақалар эса мустақил озиқлана олмаслиги туфайли ишчи термитлар томонидан озиқланиши аниқланди.

Термитларнинг олигомерларни ҳазм қилиши жараёнида уларда экзо ва эндоцеллюлазалар тизими мавжудлиги, ёғоч материалларини зарарлашда улардаги сўлак, ичак бези карбогидразалари ва симбионт ферментлар фаоллигининг юқори эканлиги ўрганилди. Термитлар танасидаги углеводлар миқдори, уларнинг мавсумий ҳаракатида муҳим рол ўйнайди. Шунингдек кўрилаётган ҳайвонлар гуруҳлари популяциялари орасидаги чамбарчас трофик ва метаболик муносабатлар уларнинг динамик мувозанати биргаликдаги эволюцияси жараёнида ҳосил бўлганлигини кўрсатади. Бундай хулосага келишга термитларнинг юз йиллаб кўп миллионли авлодлари ичагида микроорганизмларнинг ўзгармас таркибини сақлаб қолиниши сабаб бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. Жужиков Д.П. Термиты СССР. Москва. 1979. С. 179-186.
2. Баева В.Г. и др. Термиты (*Isoptera*) Таджикистана и меры борьбы с ними. Душанбе. 1993. С. 3-5.
3. Сапунов В.Б. Динамика популяции термитов на земле, их роль в глобальном метаболизме парниковых газов // Ученые записки Российского государственного гидрометеорологического университета. Научно-теоретический журнал. Санкт-Петербург. 2008. № 8. С. 149-158.
4. Уголев А.М., Иезуитова Н.Н. Определение активности инвертазы и других дисахаридоз // Исследование пищеварительного аппарата у человека. Ленинград: “Наука”. 1969. С. 192-196.
5. Kodrik D. Adipokinetic hormone functions that are not associated wich insect flight // Physiological Entomology. 2008. V. 33. Issue 3. P. 171-180.

УДК. 626.86:575.1

Артикова Ҳ.Т., Каримов Э., Назарова С.М., Салимова Ҳ.Ҳ. (Бухоро давлат университети)

**БУХОРО ВОҲАСИ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ (Жондор тумани мисолида)**

**Аннотация.** *Республикамизнинг 4304,32 минг гектар суғориладиган ерларининг асосий қисми (50 % га яқин) турли даражада шўрланган тупроқларни ташкил этиб, бу ҳолат суғориладиган ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинларининг умумий ҳосилдорлигини пасайтиради. Тупроқнинг шўрланиш хусусиятига қараб, маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, бажариладиган мелиоратив ишлар режалаштирилади ва тақсимланади.*

**Калит сўзлар:** *мелиорация, тупроқ унумдорлиги, суғориш меъёрлари, шўрланиш, она жинс, пролювиал, аллювиал, лёссимон қумоқлар, грунт сувлари, минерализация.*

**Аннотация.** *4304,32 тысяч гектаров орошаемых земель республики, большинство из которых (50 %) составляют засоленные почвы различного уровня, что снижает продуктивность сельскохозяйственных культур в орошаемых районах. В зависимости от засоленности почвы, с учетом местных условий, мелиоративные работы планируются и распределяются.*

**Ключевые слова:** *мелиорация, плодородность почвы, засоленность, пролювиал, аллювиал, грунтовые воды, минерализация.*

**Abstract.** *There are 4304.32 hectares of irrigated land in the country of which most parts (about 50 %) are under saline soil in different level that reduces overall crop productivity in irrigated lands. Depending on the salinity of soil, taking into consideration the local conditions, land reclamation activities will be planned and distributed.*

**Key words:** *land reclamation, soil fertility, salinization, irrigation, alluvial, ground water, mineralization.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сонли "2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги 39-сонли "2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, Бухоро вилояти туманларида шўрланган ерлар майдонини ҳамда шўрланиш сабабларини аниқлаш, тупроқ шўрланишини олдини олиш, экинлар агротехникаси ва мелиорациясини яхшилаш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ва изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг 50 % дан ошиқроғи шўрланган. Шўрланишни аниқлашдан мақсад, суғориладиган ерларда шўрланган ерларнинг контурларини ва майдонларини аниқлашдир, чунки бу районларда шўр ювиш ишларини бажариш лозим бўлади.

Бухоро воҳаси ер ости сувлари турлича минераллашган. Суғориладиган ҳудудда ер ости сувлари хлорид-сулфат ва сульфат-хлоридли типда минераллашгандир. Шўрланиш бўйича асосан, кучсиз ва ўрта, баъзида кучли шўрланган. Бу тупроқларда гипс миқдори 0,12-0,25 % ва у шўртобланиш жараёнини ривожланишига тўсиқ бўла олмайди. Шу сабабли, илдиз тарқалган қатламнинг қуйи қисмига, айрим ҳолларда сингдириш сиғими таркибига натрий ва магний ионининг кириши ҳисобига шўртобланиш содир бўлади. Шўртобланиш тупроқни сув ўтказиш кўрсаткичларини пасайишига олиб келади, тупроқни суғоришлардан сўнг зичланиш ва бошқа салбий хусусиятларини вужудга келтиради. Карбонатлилик тупроқ кесими бўйича текис 8,8-9,3 % ни ташкил этади. Умуман,

суғориладиган ўтлоқи тупроқлар бирмунча юқори ишлаб чиқариш қобилиятига эга ва Бухоро вилоятининг ер фондини қимматли қисмини ташкил этади [1:216-218].

Шўрланишни аниқлаш ишлари натижасида аниқланган туз миқдорининг картограммаси асосида шўр ювиш муддати ва меъёри белгиланади.

Тупроқларнинг туз режимини белгиловчи барча омиллар (сизот сувларининг сатҳи, минераллашганлик ва кимёвий таркиби, тупроқ эритмасининг шўрланганлик даражаси, суғориш режими, шўр ювиш ва суғориш сувлари сифати, тупроқ грунтларнинг хосса-хусусиятлари гидромелиоратив тизимлар ҳолати, жойнинг табиий ва сунъий зовурлашганлиги, литологик-геоморфологик ва иқлим шароитлари ва бошқалар) ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг бирини ўзгариши бир вақтнинг ўзида бошқаларининг сезиларли ўзгаришига олиб келади.

Бухоро вилояти Жондор тумани тупроқлари дашт тупроқлари минтақасида тарқалган. Туманнинг тупроқлари асосан суғориладиган тақир-ўтлоқи, суғориладиган ўтлоқи-чўл, суғориладиган ўтлоқи, суғориладиган ўтлоқи аллювиал ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлардан иборат.

Бу тупроқлар чўл зонасининг бошка тупроқларига солиштирилганда гумус миқдори 1,0-1,2 % ва азотга (0,08-0,12 %) бирмунча бой. Гумуснинг агро-ирригацион оқизма лойқаларга чуқур кириб бориши тупроқ кесимида унинг заҳирасининг юқори бўлишини таъминлайди. Қадимги аллювиал ва делювиал-пролювиал юзаларда таркиб топган суғориладиган ўтлоқи тупроқларда гумус оз (0,5-0,7 %), чунки уларнинг ўтмишдоши сур-қўнғир ёки тақирли тупроқларда органик модда микдори кам бўлган. Бу тупроқларда гипс оз микдорда (0,12-0,25 %), шўртобланиш жараёнининг ривожланишига тўсиқ бўла олмайди. Шу сабабли илдиз тарқалган қатламнинг қуйи қисмида, айрим ҳолларда сингдириш сиғими таркибига натрий ва магний ионининг кириши ҳисобига шўртобланиш содир бўлади. Шўртобланиш тупроқни сув ўтказиш кўрсатгичларини пасайишига олиб келади, тупроқни суғоришлардан сўнг зичлаштиради ва бошқа салбий хусусиятларни вужудга келтиради. Карбонатлилик тупроқ кесими бўйича текис 8,8-9,3 % $CO_2$. Умуман суғориладиган ўтлоқи тупроқлар бирмунча юқори ишлаб чиқариш қобилиятига эга ва Жондор туманининг ер фондини қимматли қисмини ташкил қилади.

Тупроқнинг шўрланиши унинг шўрланиш даражаси, тузлар химизми, тузли горизонтнинг жойлашиш чуқурлиги ва ер ости сувининг чуқурлиги билан фарқланади. Маданий ўсимликларни нормал ўсиш ва ривожланиши учун нафақат тупроқдаги тузларнинг умумий миқдори, балки тузларнинг кимёвий таркиби муҳим роль ўйнайди. Шу боис шўрланганлик даражаларини тузларнинг химиявий тартибига қараб аниқлаш жуда муҳим.

Тупроқнинг таркибидаги тузнинг миқдори ва сифати ҳамда маданий экинлар ўртасидаги алоқа жуда мураккабдир. Бундай ҳолатнинг сабабларидан бири ўсимликнинг ўсиш фазасида шўрга чидамлилигининг ҳар хиллигидир. Ғўзага тузнинг кучли таъсири у ривожланишининг бошланғич фазасида, яъни 3-4 барг пайдо қилиш даврида бўлади.

Вегетациянинг охирида ғўзага тупроқдаги тузнинг юқори концентрацияси ҳам жуда кам таъсир кўрсатади. Ғўзанинг кўпгина районлаштирилган навлари учун тупроқдаги тузларнинг чекланган концентрацияси 2,5-3,0 % га тенгдир, ундан ошгандан сўнг ўсимликларни нобуд бўлишига олиб келади.

Тузларнинг заҳарли бўлиши кўпинча унинг таркибидаги ионларга боғлиқ бўлади. Ўрта Осиёнинг суғориладиган деҳқончилигида маданий ўсимликлар учун кўпинча заҳарли бўлиб хлоридлар тан олинган, чунки уларнинг тупроқдаги 0,01 фоиз миқдордагиси ҳам пахтага салбий таъсир кўрсатади. Тупроқдаги сульфатларни заҳарли таъсири, уларнинг миқдори 0,2-0,3 % бўлганда кузатилади.

Тупроқларнинг шўрланиш картограммаларини тузишнинг асосий моҳияти тупроқларнинг шўрланиш сабабларини аниқлаш, тупроқ шўрланишини олдини олиш ва экинлар агротехникаси мелиорациясига доир тавсиялар беришдан иборат.

Тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига ва унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлувчи шўрланиш жараёнлари Жондор туманида 28017,54 гектар ерни ташкил этади. Бу туман суғориладиган ерларининг 99,8 фоизини ташкил этади. Мелиорация нуқтаи назаридан туман ерлари тупроқларининг ҳолати қониқарли эмас [2:625-629].

Шўрланмаган тупроқлар туман суғориладиган ерларининг 53,46 гектарини ташкил этади. Бу туман суғориладиган ерларининг 0,2 фоизини ташкил этади. (1- диаграмма)

**1-диаграмма**




Жуда кучли шўрланган тупроқлар туман майдонининг 1442,5 гектарни ташкил этади. Бу туман суғориладиган ерларининг 5,1 фоизини ташкил этади. Бу тупроқларнинг шўрланиш типи хлорид-сульфатли.

Тупроқлардаги хлор ионининг миқдори 0,293-0,365 %; Сульфат иони 0,642-0,829 %; қуруқ қолдиқ миқдори 1,936-2,962 % (тупроқ массасига нисбатан 0-100 см қатламдаги миқдорий кўрсаткич). Жуда кучли шўрланган тупроқларнинг механик таркиби оғир ва ўрта қумоқли. Кучли шўрланган тупроқлар туманнинг "Т.Хотамов", "Н.Ражабов", "Варахшо", "Т.Салимов", "Гулистон", "Бухоро", "А.Темур", "Зарафшон", "Навоий", "М.Таробий" ва "Мустақиллик" номли массивларида тарқалган [3:45-46].

Шўрланган ерларнинг мелиорацияси бўйича қилинадиган мажбурий тадбирлар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир хўжаликни табиий ва ирригацион-хўжалик шароитига боғлиқ ҳолда сувдан фойдаланишини режалаштириш. (Гидромодул районлар ва экин турлари бўйича).

2. Суғориш техникасини яхшилаш. Бунда экинлар калта эгатлар орқали яъни узунлиги 50-70 *см*дан ошмаган эгатлар орқали суғориш, бу тупроқнинг бир меъёрда намланишини таъминланиб, кам сув сарфланиб, суғориладиган участкалардан сув исрофгарчилигига йўл қўйилмайди. Суғориш пушталари майдонларнинг оптимал нишаблигини ҳисобга олиб, тортилиши зарур, чунки тупроқ ювилиб кетмайди ва ортиқча сув пушта охирида тўпланиб қолинишини олди олинади.

3. Тупроқнинг ғовакли-кесакча ҳолатини тикловчи ва унда намликни ушлаб қолишни таъминлаш учун далаларни ўз вақтида ва яхшилаб қайта ишлаш зарур.

4. Суғориладиган майдонларнинг юзасини текислаш.

Шўрланган тупроқларни чуқур кузги шудгорлаш тупроқнинг даврий шўрсизланишига олиб келади.

Тупроқни суғоргандан сўнг чуқур культивация қилиш тупроқ юзасидан буғланишни 20-30 фоизга камайтириб ва суғорилгандан сўнг туз тўпланишини олди олинади.

Шўрланган тупроқларда июл ва август ойларида яъни буғланиши ва туз тўпланиши максимал даражага етганда суғоришлар ўртасидаги вақт 10-12 кундан ошмаслиги зарур. Илдиз озиқланадиган қатламда осон эрувчи тузларнинг ишқорсизланиши учун қиш ойларида ювиш амалга оширилади [4:21-24].

Бухоро шароитида бундай суғоришлар кузги-қишки атмосфера ёғинлари билан табиий шўрсизланишини тезлаштиради. Қишки профилактик суғориш натижасида ҳайдов қатлами ва ҳайдов ости қатламида қониқарли даражада шўр миқдорининг камайишига эришиш мумкин. Қишки профилактик суғоришлар нормаси 1500-3000 $м^3$/га бўлганда яхши самара беради.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. Жабборов О., Шарипов О., Маҳкамова Д. Бухоро вилояти Бухоро тумани тупроқларининг умумий таснифи // "Атроф муҳит ўзгариши шароитида ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари" мавзусидаги илмий-амалий семинар. Тошкент. 2016.
2. Ғафурова Л.А., Абдуллаев С.А., Намозов Ҳ.Қ. Мелиоратив тупроқшунослик Тошкент. 625-629 Б.
3. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография, ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва "Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институти томонидан ишлаб чиқилган: "Шўрланган ерларни хариталаштириш, ҳисобга олиш ва шўр ювиш меъёрларини аниқлаш бўйича услубий кўрсатма". Тошкент. 2014.
4. Норқулов У. "Қишлоқ хўжалик мелиорацияси". Тошкент. 2003.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

УЎТ:631.4

Парпиев Ғ.Т. (Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти)

# БЎЗ-ВОҲА ТУПРОҚЛАРИНИНГ РЕГИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация.** *Мақолада Ўзбекистоннинг турли регионларида тарқалган бўз-воҳа тупроқларининг морфогенетик, физик-механик, умумфизикавий, физик-кимёвий, кимёвий ва агрокимёвий хусусиятларининг қисқача қиёсий тавсифи баён қилинган. Суғоришлар даврийлигига мос ҳолда турли регионда турлича қалинликдаги агроирригацион қатламларнинг шаклланганлиги мушоҳада қилинган.*

**Калит сўзлар:** *Бўз-воҳа тупроқлар, морфологик тузилиш, механик таркиб, агрегатлик, солиштирма ва ҳажм оғирлик, гумус ва озиқа моддалар, сингдирилган асослар, гипс, шўрланиш, агроирригацион қатлам.*

**Аннотация.** *В статье излагается краткая сравнительная характеристика морфогенетических, физико-механических, общефизических, физико-химических, химических и агрохимических особенностей сероземно-оазисных почв, распространённых на разных регионах Узбекистана. Рассмотрены особенности формирования агроирригационных горизонтов различной мощности в связи с давностью орошения разных регионов.*

**Ключевые слова:** *Сероземно-оазисные почвы, морфологическое строение, механический состав, агрегатность, объёмный и удельный вес, гумус и питательные вещества, поглощенные основания, гипс, засоление, агроирригационный горизонт.*

**Abstract.** *In the article short characteristics of morphogenetic, physic-mechanical, general physical, physic-chemical, chemical and agrochemical properties of serozem-oasis soils, which spread in different regions of Uzbekistan, are given. Characteristics of forming agroirrigation horizons with various depths in relation with period of irrigation in different regions are studied.*

**Key words:** *Serozem-oasis soils, morphological structure, mechanical composition, aggregative, volumetric and relative weight, humus and nutrient elements, absorbed bases, gypsum, salinity, agro irrigation horizon.*

**Кириш.** Бўз тупроқлар минтақасидаги суғориладиган тупроқлар ўзларининг сифати ва ишлаб чиқариш қобилиятига кўра республикамизнинг энг яхши ерлари ҳисобланади [9]. Икки хил тупроқ-иқлим шароитида ривожланган айнан бир хил типга мансуб бўлган тупроқларда қишлоқ хўжалик экинларидан етиштириладиган ҳосилнинг маҳсулдорлиги ҳар хил даражада бўлиши кўп жиҳатдан табиий шароитлар, инсон-хўжалик омиллари ва тупроқларнинг унумдорлик даражасига боғлиқ.

Бу борада бўз тупроқлар минтақасида ривожланган "Бўз-воҳа тупроқларининг регионал хусусиятлари ва уларнинг тупроқ унумдорлиги шаклланишидаги роли"ни ўрганиш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Қуйида олинган маълумотларнинг қисқача қиёсий таҳлили баён қилинади.

**Тадқиқот объектлари ва услублари.** Тадқиқот объектлари сифатида маъмурий жиҳатдан Сурхондарё вилояти Денов, Самарқанд вилояти Пастдарғом, Жиззах вилояти Ш.Рашидов (собиқ Жиззах тумани) ҳамда Тошкент вилояти Бўка туманлари ҳудудларидаги турли ётқизиқларда ривожланган бўз-воҳа тупроқлари танланди.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилди, физик-механик, умумфизикавий, кимёвий ва физик-кимёвий таҳлиллар тупроқшуносликда умумқабул қилинган услубий қўлланмалар [3,4,6,7,8] асосида бажарилди, шунингдек илмий манбалардан [1,2,5,9,10,11,12] фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари.** Бўз тупроқлар минтақасидаги воҳа тупроқлари асосан дарёлар юқори террасалари, тоғолди пасттекисликлари, тоғлар орасидаги аккумулятив текисликларда ривожланган, улар географик нуқтаи назардан, шимолий кенглик ва шарқий

узоқликлари бўйича, шунингдек, тоғлар тизимидаги жойлашиш ўрнига кўра денгиз сатҳидан турлича баландликда жойлашганлиги билан кескин фарқланади.

Ўрганилган объектлар алоҳида регионларга ажратилди, уларда қўйилган тупроқ кесмалари маълумотлари асосида қуйидагича тавсиф берилди:

***Жанубий регион – Сурхондарё вилояти Денов тумани С.Рахимов номли массивда*** тарқалган бўз-воҳа тупроқлари геоморфологик тузилишига кўра, дарёларни юқори террасалари ва конус ёйилмаларига туташган, тоғ олди қия текислигидаги лёссимон ётқизиқлардан иборат [10]. Тадқиқотлар учун қўйилган тупроқ кесмаларининг географик ўрни денгиз сатҳидан ўртача 610-625 метр баландликда жойлашган.

***Марказий регион – Самарқанд вилояти Пастдаргом тумани Охунбобоев номли массивда*** тарқалган бўз-воҳа тупроқлари геоморфологик тузилишига кўра, аллювиал-пролювиал ётқизиқлардан ташкил топган Зарафшон дарёсининг III-қайир усти террасасида шаклланган [9, 10]. Денгиз сатҳидан баландлиги ўртача 697 м.

***Марказий регион – Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани Ҳ.Олимжон номли массивда*** тарқалган бўз-воҳа тупроқлари геоморфологик тузилишига кўра, лёссимон ётқизиқлардан ташкил топган Сангзор дарёси ёйилмасининг юқори қисмида шаклланган [10]. Денгиз сатҳидан баландлиги ўртача 350 метрни ташкил этади.

***Шимолий-шарқий регион – Тошкент вилояти Бўка тумани Ғ.Азаматов номли массивда*** тарқалган бўз-воҳа тупроқлари эса геоморфологик тузилишига кўра, лёссимон ётқизиқлардан ташкил топган Гежиген дарёсининг III-қайир усти террасасида шаклланган [9, 10]. Денгиз сатҳидан баландлиги ўртача 382 метрни ташкил этади.

Ушбу тупроқларнинг ўтмишдоши типик бўз тупроқлар ҳисобланади.

Бўз-воҳа тупроқлари ўзига хос морфогенетик тузилишни намоён этади.

Ўрганилган барча бўз-воҳа тупроқларнинг морфогенетик тузилиши таҳилили шуни кўрсатадики, суғоришлар даврийлиги ва сувларнинг лойқалилик даражасига боғлиқ ҳолда, турли қалинликдаги агроирригацион қатламлар шаклланган. Хусусан, марказий регионга мансуб бўлган Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Охунбобоев номли массив, шунингдек, жанубий регион – Сурхондарё вилояти Денов тумани С.Рахимов номли массив ҳудудларида 1,5-2,0 метр, хаттоки 3 метргача бўлган агроирригацион қатламли воҳа тупроқлари шаклланганлиги аниқланди. Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани Ҳ.Олимжон номли ҳамда шимолий-шарқий регионга мансуб бўлган Тошкент вилояти Бўка тумани Ғ.Азаматов номли массивлар ҳудудида ривожланган бўз-воҳа тупроқлари агроирригацион қатламларининг қалинлиги ҳозирда 40-50 *см*гача, айрим қадимдан суғориладиган майдонларида эса 70 см, хаттоки 1 метргача етади.

Қадимдан суғориладиган бўз-воҳа тупроқлар профили кескин табақалашмаганлиги билан ажралиб туради, генетик горизонтларининг ранги ва механик таркиби гумусли қатлам қалинлиги билан кўпинча ўхшашдир. Шу жумладан, ўрганилган регионларда ҳосил бўлган бўз-воҳа тупроқлари, айнан шу регионлар учун хос бўлган дарё суви ётқизиқлари рангини ўзида акс эттиради. Масалан, Зарафшон ётқизиқлари кўкимтир кулранг ва кулранг тусни намоён этса, Жиззахдаги Туятортар канали суви ётқизиқлари эса сарғиш, малла-оч жигарранг тусга эга.

Узоқ давр суғоришлар таъсирида тупроқ профилининг тез-тез намланиб туриши натижасида тупроқлар минерал қисми ички нураш жараёнига учраган бўлиб, профилнинг юқори ва ўрта горизонтларида кремнезём, кальций ва натрий силикатларни нисбатан камайишига, ва аксинча, магнийли ва калийли оксидларнинг тўпланишига замин яратган.

Марказий (Ш.Рашидов тумани Ҳ.Олимжон номли массив) ҳамда шимолий-шарқий регион (Бўка тумани Ғ.Азаматов номли массив) бўз-воҳа тупроқлари агроирригацион қатламининг қисқалиги билан ажралиб туради, қуйи қатламларида (С - генетик горизонти) яққол кўзга ташланадиган занг-қўнғир тусли янги яралмалар учрайди. Бундай янги яралмаларни лёссимон она жинсдан мерос бўлиб ўтган деб тушунтириш мумкин.

Р.Қ.Қўзиев [9] томонидан Зарафшон ва Ангрен дарёларининг юқори террасаларида ҳосил бўлган бўз-воҳа тупроқларининг тадрижий ривожланиши қонуниятлари очиб

берилган ва уларнинг унумдорлиги баҳоланган. Муаллиф, бўз-воҳа тупроқларининг тадрижий ривожланишини қуйидаги даврларга ажратган:

I-давр. Қўриқ ерларнинг ҳайдалиши ва табиий тупроқ субстратида янги суғориладиган тупроқнинг ҳосил бўлиши;

II-давр. Тузлар миграцияси жараёнининг ўзгариши, янги микрофлора ва протофаунанинг ривожланиши, ўсимлик қолдиқларининг минерализацияланиши ва чиринди ҳосил бўлиши жараёнининг характери ўзгариши;

III-давр. Агроирригацион келтирилмалар ҳисобига ҳайдалма қатлами янги текстурасининг вужудга келиши, тупроқнинг табиий бўз тупроқларга хос бўлган қатор белгиларини (янги ҳосил бўлган карбонатларнинг) йўқолиши;

IV-давр. Агроирригацион келтирилмаларининг янада қалинлашиб бориши (“табиий тупроқ-грунтни сиқиб чиқариши”) ва янги биота мажмуи, физик ва кимёвий хусусиятларига эга бўлган агроирригацион келтирилмалар асосида юзага келадиган қалин тупроқ профилининг ҳосил бўлиши кузатилади.

Р.Қ.Кўзиев [9] бу жараённи, айрим регионларнинг муайян биоиқлим, литологик, геоморфологик шароитлари билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам даврлар суръати ва давомийлиги ҳар хил бўлишини эътироф этиб, бунга мисол сифатида Тошкент регионидаги бўз-воҳа тупроқлари лойқасиз сувлар билан суғорилганлиги ва илгариги даврда деҳқончиликда кам ишлатилганлиги учун агроирригацион келтирилмалар тўпланиш жараёни суст бўлган ва улар ҳозирги давргача ривожланишнинг тўла даврларини ўтамаган деб изоҳлайди. Шунингдек, муаллиф, Самарқанд вилоятидаги бўз-воҳа тупроқлари 2-2,5 минг йил давомида юқорида келтирилган даврлар босқичини тўла ўтгани боис уларни тўла профилли воҳа тупроқларининг “классик” мисоли сифатида кўрсатади.

Юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб қиёсий таққослайдиган бўлсак, Марказий регионга мансуб Жиззах вилоятининг айрим тоғости ва тоғолди ҳудудларида шаклланган бўз-воҳа тупроқлари ҳам воҳа тупроқлар ривожланишининг I, II, III-даврларини тўла ўтаб бўлган, бироқ ҳозирда IV-даврни тўла ўташ босқичида деб айтиш мумкин, у ҳам бўлса бирмунча лойқали сувлар (Сангзор ва Зоминсув дарёлари, Туятортар канали сувлари) билан қадимдан суғорма деҳқончиликка тортилган майдонларида кузатилиб, агроирригацион келтирилмали қатламлари янада қалинлашган (70 *см*дан 1 метргача). Лекин, Жиззах вилоятининг текислик қисмидаги воҳа тупроқлари XX-асрнинг ўрталаридан бошлаб асосан Сирдарё сувлари билан суғоришларга тортилган майдонларида агроирригацион қатламларининг қисқалиги билан (30 дан 50 *см*гача) яққол ажралиб туради.

Сурхондарё вилояти ҳудудидаги бўз-воҳа тупроқларидаги агроирригацион қатламлар қалинлиги эса 1,5-2,0 метр, хаттоки 3 метргача учраши, тадрижий ривожланиш даврлар босқичини тўла ўтаганлигидан далолат беради.

Агроирригацион келтирилмалар – дарёлар оқизиқлари ҳисобланиб, улар сув билан оқиб, маълум бир жойларда чўкиб, ўзан ва қайирлардаги ёткизиқларни ҳосил қиладиган майда ва қаттиқ жинслардан иборат бўлади. Улар асосан қиялиги тик бўлган тоғлардан шиддат билан катта тезликда оқиб тушадиган сувнинг тупроқ ва тоғ жинсларининг ювилишидан ҳосил бўлади.

В.Л.Шульц [11], Р.Машраповнинг [12] маълумотига кўра, Ўрта Осиё дарёлари суви нисбатан лойқали ҳисобланиб, йирик ва майда дисперс моддалар (заррачалар) миқдори 1 $м^3$ сувда 200-300 граммдан 1-5 *кг*гача бўлади [2].

Ўрганилган объектларни сув билан таъминловчи дарёлар (Чирчиқ, Зарафшон, Сирдарё, Сурхондарё) сувининг лойқалилиги турлича. Масалан: Чирчиқ дарёси қор ва музларнинг эришидан тўйиниб, унинг ўртача лойқалиги тоғли қисмида ҳар бир кубометр сувда 260 грамм бўлса, қуйи қисмида 520 граммгача етади. Музлик-қорларнинг эришидан тўйинадиган Зарафшон дарёси сувининг ўртача лойқалиги эса ҳар $м^3$ сувда мос равишда 880 граммдан 1390 граммгача қайд қилинади [11,12,1].

Қор ва музлик сувларидан тўйинадиган Сирдарёнинг ҳар бир $м^3$ сувида ўртача 2,17 *кг*гача лойқа мавжуд. Сурхон дарёси эса жуда лойқали дарёлардан бири ҳисобланади, унинг

бошланиш қисмида ҳар 1 $м^3$ сувида ўртача ҳисобда 0,9 кг лойқа оқизиқ бўлади. Дарё ўзани тез емирилганидан сувнинг лойқалиги дарёнинг этаги томон кескин орта боради ва Мангузар қишлоғи ёнида 1 $м^3$ сувдаги лойқа оқизиқ 2,9 *кг*гача етади. Лойқа оқизиқларнинг ўртача йиллик миқдори Қоровултепа қишлоғи ёнида йилига қарийиб 1980 минг тонна, Мангузар қишлоғи ёнида эса 6030 минг тоннага тенг [11, 12, 1].

М.А.Орлов [5] томонидан ирригацион келтирилмаларнинг тупроқ ҳосил бўлишидаги ролини илмий асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда ирригацион келтирилмали ётқизиқлар жуда кам 0,1 кг/$м^3$ миқдорий кўрсаткичларда тўпланиши қайд этилиб, суғоришлар натижасида ҳайдалма қатлам қалинлиги 100 йилда 1 *см*га ортишига олиб келади деган хулосага келган.

Демак, юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, Самарқанд ва Сурхондарё вилояти ҳудудларидаги бўз-воҳа тупроқлари агроирригацион қатламлари 2-2,5 ва 3 минг йиллар мобайнида шаклланган. Бироқ, Жиззахдаги қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинадиган Сангзор, Зоминсув каби дарёлар ҳамда Туятортар канали орқали қадимги суғорма деҳқончилик ривожланган майдонларда агроирригацион қатламларининг ёши қарийиб 700-1000 йилга тенг эканлигини кўрсатади.

Ўрганилган бўз-воҳа тупроқлари турли механик таркибдан иборат бўлиб, уларнинг тупроқ профилидаги литологик тузилиши характерига кўра, асосий ҳолатларда бир хилдаги, айрим шароитларда тупроқларнинг кўп қатламлилиги сабабли турлича механик таркиблиги билан ажралиб туради. Масалан:

Сурхондарёда тарқалган бўз-воҳа тупроқларида (1-Ғ-кесма) ил заррачалари (<0,001 мм) кенг оралиқда тебраниб 7,5-13,8 % атрофида кузатилади. Физик лой (<0,01 мм) миқдори устки енгил қумоқли қатламларида – 23,8-29,3 % ни, пастки ўрта қумоқли қатламларда – 38,8-40,7 % ни ташкил этади (Жадвал).

Самарқандда тарқалган бўз-воҳа тупроқларида (51-Ғ-кесма) ил заррачалари кенг оралиқда тебраниб 5,1-10,3 % атрофида кузатилади. Физик лой миқдори 31,6-40,2 %ни ташкил этиб (Жадвал), барча қатламлари ўрта қумоқли механик таркибдан иборат.

Мирзачўл воҳасида тарқалган бўз-воҳа тупроқларида (120-Ғ-кесма) ил заррачалари кенг оралиқда тебраниб 4,8-12,8 % атрофида кузатилади. Физик лой миқдори кесманинг барча ўрта қумоқли механик таркибли қатламларида 30,0-36,7 % ни, пастки оғир қумоқли қатламида эса (120-175 *см*да) – 48,9 % ни ташкил этади (Жадвал).

Тошкент воҳасида тарқалган бўз-воҳа тупроқларида (109-Ғ-кесма) ил заррачалари кенг оралиқда тебраниб 1,9-14,2 % атрофида кузатилади. Физик лой миқдори барча устки қумлоқли қатламларида 18,5 % ни, енгил қумоқли қатламларида – 27,5-28,1, ўрта қумоқли қатламида – 39,3 % ни, пастки оғир қумоқли қатламида эса (143-200 *см*да) – 49,6 % ни ташкил этади (Жадвал).

Тупроқнинг ҳажм оғирлиги тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг минерологик ва механик таркиби, органик ва органоминерал моддалар миқдори, маданийлашганлик даражаси, структура тузилиши, сув тартиботи ва агротехник тадбирларга боғлиқ ҳолда, ўрганилган барча регионлар бўз-воҳа тупроқлари устки ҳайдалма қатламларида – 1,30-1,38, ҳайдалма ости қатламларида – 1,40-1,49, пастки қатламларида ўртача 1,32-1,42 г/$см^3$ ни ташкил этади. Тупроқлар солиштирма оғирлиги 2,54-2,64 г/$см^3$ кўрсаткичларида қайд қилиниб, унинг энг кичик миқдори устки гумуслашган горизонтларга, энг юқори кўрсаткичлари эса чуқур қатламларига тўғри келади. Умумий ғоваклик кўрсаткичлари ҳайдалма қатламларида 47-51 % оралиғида қайд қилинади. Ерни сурункасига бир хил чуқурликда ҳайдаш натижасида ўрганилган барча тупроқларда бирмунча зичлашган "плуг товони" қатлами шаклланганлиги аниқ сезилади.

Тупроқлар умумфизикавий хоссаларини баҳолаш классификациясига кўра [3,4,6,7,8], ўрганилган барча бўз-воҳа тупроқлари ҳайдалма қатлами зичлиги бўйича – "ўртача зичлашган" (1,30-1,39 г/$см^3$) тупроқлар гуруҳини ташкил этади, қишлоқ хўжалик экинлари яхши ривожланиши учун мақбул зичликга эга бўлган маданийлашган тупроқлар ҳисобланади.

Тупроқ қаттиқ қисмининг солиштирма оғирлиги – "паст" (2,50-2,60 г/см$^3$) ва "ўртачадан паст" (2,60-2,65 г/см$^3$), умумий ғоваклигига кўра эса "ўртача" (50-45 %) деб баҳоланиб, қишлоқ хўжалик экинлари ўсиб ривожланиши учун қулай, аэрация даражаси 20 % га тенг, бу эса тупроқдаги агрегатлараро ғовакликларига узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Агрономик жиҳатдан қимматли бўлган агрегатларнинг миқдори бўйича (структура диаметри 0,25 *мм*дан 10 *мм*гача) тупроқларни баҳолаш даражасига кўра, ўрганилган барча бўз-воҳа тупроқлардаги сувга чидамли макроагрегатлар 46,69-70,50 % атрофида кузатилиб, агроирригацион қатламлар шаклланиши жараёнида "жуда юқори" (>30 %) структурали тупроқлар ҳосил бўлганлиги аниқланди. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу тупроқлар қуйи қатламларининг ҳам ер жониворлари (чувалчанглар, турли ҳашаротлар) томонидан қайта ишланганлиги кузатилади. Бу ҳолатни ер жониворларининг излари ва инларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг экскриментлари исботлайди.

Бўз-воҳа тупроқларига хос бўлган умумий морфологик белгилардан яна бири, агроирригацион келтирилмалар ҳисобига ҳосил бўлган қатламдан ташқари, чириндили қатламнинг қалинлигидир. Хусусан, бўз-воҳа тупроқларида бу қатламнинг қалинлиги агроирригацион келтирилмалар қалинлигига тўғри келади. Суғориладиган бўз тупроқларда эса 40-50 *см*гача етади. Кейинги йилларда минерал ўғитлар, ҳар хил кимёвий моддаларни қўллаш натижасида тупроқ чириндисининг ҳаракатчанлиги ошиб бормоқда, шу туфайли ҳам чиринди миқдори кўп бўлмасада, унинг ранги тупроқнинг пастки қатламларигача етиб боради.

Мазкур тупроқлар гумус миқдорига кўра нисбатан бой, унинг миқдори ҳайдалма қатламларда 0,928-1,650 % ни ташкил этгани ҳолда, ҳайдалма ости қатламларида ҳам юқори кўрсаткичларда (0,748-0,926 %) кузатилади.

Ялпи азот миқдори 0,070-0,146 % атрофида, углероднинг азотга бўлган нисбати ҳайдалма қатламларда 6,5-9,5 га тенг. Алмашинувчи калий миқдорига кўра – "кам" (100-200 мг/кг) ва "ўртача" (200-300 мг/кг) таъминланган гуруҳларини ташкил этади. Бироқ, бу тупроқларда ҳаракатчан фосфор миқдори ҳайдалма қатламларда атиги 13,0-18,0 мг/кг ни ташкил этиб "жуда кам" (<15 мг/кг – 51-Ғ-кесма), 16-20 мг/кг "кам" (15-30 мг/кг – 1-Ғ ва 120-Ғ-кесмаларда) таъминланган. Бироқ, Тошкент воҳасидаги (Бўка тумани Ғ.Азаматов номли массив – 109-Ғ-кесма) бўз-воҳа тупроқлари ҳайдалма қатламида ҳаракатчан фосфорнинг миқдори 78 мг/кг атрофида қайд қилиниб, "юқори" (>60 мг/кг) таъминланганлиги билан ажралиб туради.

Ушбу тупроқлар учун характерли хусусият – сингдирилган катионлар таркибидаги кальций миқдорининг магнийга нисбатан устун эканлигидир. Масалан:

***Жанубий регион*** бўз-воҳа тупроқларида (1-Ғ-кесма) – сингдирилган асослар йиғиндиси 100 *г*. тупроқда 11,86-16,86 мг-экв. миқдорни ташкил этади. Шундан магнийнинг улуши сингдирилган асослар йиғиндисига нисбатан – 28,86-34,83 % ва кальций – 58,04-64,94 % атрофида кузатилади. Натрийнинг улуши атиги 1,90-2,70 % атрофида қайд қилиниб, амалдаги классификацияга [6] кўра, шўртоблашмаган (Na – <5 %) тупроқлар гуруҳига мансуб эканлиги аниқланди.

***Марказий регион*** бўз-воҳа тупроқларининг сингдириш сиғими (51-Ғ-кесма) – 100 *г*. тупроқда 7,76-11,56 мг-экв. миқдорни ташкил этиб, шундан магнийнинг улуши сингдирилган асослар йиғиндисига нисбатан – 23,58-43,05, кальцийнинг улуши эса 50,88-70,75 % атрофида кузатилади, натрийнинг улуши 3,54-4,69 % ни ташкил этади, тупроқлар амалда шўртоблашмаган.

***Марказий регион*** бўз-воҳа тупроқларидаги сингдириш сиғими (120-Ғ-кесма) – 100 *г*. тупроқда 9,64-11,24 мг-экв. кўрсаткичларида қайд қилиниб, магний – 41,16-45,87, кальций – 47,71-52,39, натрий – 4,00-4,77 % ни ташкил этади. Амалда шўртоблашмаган. Бироқ, ушбу регион бўз-воҳа тупроқлари кучсиз шўртобланишга (Na – 5-10 %) мойиллиги билан ажралиб туради.

***Шимолий-шарқий регион*** бўз-воҳа тупроқларида (109-Ғ-кесма) – сингдирилган асослар йиғиндиси 100 *г*. тупроқда 14,07-20,52 мг-экв. миқдорни ташкил этади. Сингдирилган

асослар йиғиндисига нисбатан магний улуши – 29,85-42,89, кальций – 51,47-61,12 % кўрсаткичларида қайд қилинади. Натрий 2,63-4,16 % миқдорида кузатилиб, тупроқлар шўртоблашмаган.

Ўрганилган барча бўз-воҳа тупроқлари амалдаги классификацияга [6] кўра, гипслашмаган тупроқлар (Гипс $CaSO_4$ x $2H_2O$ – <10 %) гуруҳини ташкил этади (Жадвал).

Илмий манбалардан маълумки, табиий бўз тупроқларда карбонатлар миқдори анча юқори бўлиб, 10-12 % ни ташкил этади, даврий суғоришлар натижасида бу ҳолат сақланиб қолсада, бўз-воҳа тупроқларининг шаклланишида уларнинг миқдори камайиб боради. Ушбу назарий хулосалар ўтказилган тадқиқотларда ҳам ўз исботини топди, яъни ўрганилган барча бўз-воҳа тупроқларида карбонатлар 4,0-8,4 % гача бўлган оралиқда тебраниб, тупроқ профили бўйлаб деярли бир хил миқдорий кўрсаткичларда тақсимланган (жадвал).

*1-жадвал*

**Бўз-воҳа тупроқларининг механик таркиби, умумий физик хоссалари, сувда осон эрувчи тузлар, гипс ва карбонатлар миқдори**

| Кесма № | Қатлам чуқурлиги, см. | Тузлар миқдори, % | | | Шўрланиш | | Гипс ($CaSO_4 \cdot 2H_2O$), % | $CO_2$ карбонат-лар, % | Механик элементлар | | | Ҳажм оғирлиги, г/см$^3$ | Солиштирма оғирлик, г/см$^3$ | Умумий ғоваклик, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Қуруқ қолдиқ | Cl | $SO_4$ | типи | даражаси | | | ил <0,001 мм | физик лой <0,01 мм | физик қум >0,01 мм | | | |
| Жанубий регион – Сурхондарё вилояти Денов тумани С.Рахимов номли массив | | | | | | | | | | | | | | |
| 1-F | 0-44 | 0,275 | 0,010 | 0,145 | С | шўрланмаган | 0,21 | 4,012 | 10,5 | 29,3 | 70,7 | 1,38 | 2,61 | 47 |
| | 44-70 | 0,260 | 0,017 | 0,123 | С | шўрланмаган | 0,40 | 6,020 | 7,5 | 27,2 | 72,8 | 1,49 | 2,54 | 41 |
| | 70-110 | 0,275 | 0,014 | 0,134 | С | шўрланмаган | 0,50 | 6,112 | 8,7 | 23,8 | 76,2 | 1,49 | 2,55 | 42 |
| | 110-152 | 0,265 | 0,014 | 0,125 | С | шўрланмаган | 1,33 | 6,323 | 8,7 | 27,4 | 72,6 | 1,43 | 2,56 | 44 |
| | 152-180 | 0,275 | 0,010 | 0,140 | С | шўрланмаган | 1,49 | 7,233 | 11,0 | 38,8 | 61,2 | 1,42 | 2,59 | 45 |
| | 180-250 | 0,260 | 0,014 | 0,127 | С | шўрланмаган | 2,00 | 7,339 | 13,8 | 40,7 | 59,3 | 1,33 | 2,60 | 49 |
| Марказий регион – Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Охунбобоев номли массив | | | | | | | | | | | | | | |
| 51-F | 0-35 | 0,225 | 0,010 | 0,111 | С | шўрланмаган | 1,22 | 6,072 | 10,3 | 40,2 | 59,8 | 1,40 | 2,64 | 47 |
| | 35-52 | 0,260 | 0,007 | 0,136 | С | шўрланмаган | 0,34 | 6,282 | 5,1 | 37,6 | 62,4 | 1,44 | 2,63 | 45 |
| | 52-85 | 0,320 | 0,014 | 0,165 | С | кучсиз | 0,25 | 6,547 | 8,1 | 31,6 | 68,4 | 1,33 | 2,62 | 49 |
| | 85-125 | 0,145 | 0,007 | 0,058 | С | шўрланмаган | 0,51 | 6,600 | 9,0 | 38,0 | 62,0 | 1,32 | 2,63 | 50 |
| | 125-180 | 0,145 | 0,010 | 0,051 | Х-С | кучсиз | 0,29 | 6,705 | 9,5 | 39,2 | 60,8 | 1,40 | 2,64 | 47 |
| Марказий регион – Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани Ҳ.Олимжон номли массив | | | | | | | | | | | | | | |
| 120-F | 0-30 | 0,170 | 0,017 | 0,074 | Х-С | кучсиз | 0,48 | 7,710 | 6,9 | 30,0 | 70,0 | 1,30 | 2,63 | 51 |
| | 30-48 | 0,165 | 0,007 | 0,066 | С | шўрланмаган | 0,28 | 7,440 | 6,1 | 36,7 | 73,3 | 1,49 | 2,60 | 45 |
| | 48-80 | 0,170 | 0,010 | 0,062 | Х-С | кучсиз | 0,35 | 6,120 | 10,9 | 36,4 | 63,6 | 1,35 | 2,62 | 48 |
| | 80-120 | 0,150 | 0,010 | 0,058 | Х-С | кучсиз | 0,31 | 7,810 | 4,8 | 32,5 | 67,5 | 1,32 | 2,63 | 50 |
| | 120-175 | 0,195 | 0,010 | 0,086 | С | шўрланмаган | 0,79 | 8,400 | 12,8 | 48,9 | 51,1 | 1,34 | 2,64 | 49 |
| Шимолий-шарқий регион – Тошкент вилояти Бўка тумани Ғ.Азаматов номли массив | | | | | | | | | | | | | | |
| 109-F | 0-31 | 0,195 | 0,010 | 0,082 | С | шўрланмаган | 0,05 | 5,069 | 7,9 | 18,5 | 81,5 | 1,30 | 2,59 | 50 |
| | 31-50 | 0,170 | 0,010 | 0,068 | С | шўрланмаган | 0,05 | 6,652 | 1,9 | 27,5 | 72,5 | 1,40 | 2,56 | 45 |
| | 50-80 | 0,170 | 0,010 | 0,072 | С | шўрланмаган | 0,10 | 7,022 | 7,0 | 28,1 | 71,9 | 1,39 | 2,65 | 48 |
| | 80-143 | 0,145 | 0,007 | 0,051 | С | шўрланмаган | 0,33 | 8,289 | 5,6 | 39,3 | 60,7 | 1,33 | 2,56 | 48 |
| | 143-200 | 0,150 | 0,007 | 0,058 | С | шўрланмаган | 0,41 | 4,752 | 14,2 | 49,6 | 50,4 | 1,35 | 2,54 | 47 |

Ўрганилган барча регионлар бўз-воҳа тупроқларида грунт сувларининг сатҳи амалда 5-10 метр, айрим гипсометрик юқори рельефли майдонларда 20 метр ва ундан ортиқ чуқурда (Сурхондарё ва Самарқандда) жойлашган бўлиб, амалда тупроқ ҳосил бўлиши жараёнига таъсир кўрсатмайди. Шу сабабли, бўз-воҳа тупроқлари асосий ҳолатларда шўрланмаганлиги билан ажралиб туради. Бироқ, марказий регионлардаги (Ш.Рашидов тумани Ҳ.Олимжон номли ҳамда Пастдарғом тумани Охунбобоев номли массивлардаги) бўз-воҳа тупроқларида намоён бўлган кучсиз шўрланганлик даражасини ушбу ҳудудда минераллашган суғориш сувлари таъсирида ҳосил бўлган деб тушунтириш мумкин.

**Хулосалар.** Ўрганилган регионлар бўз-воҳа тупроқлари ётқизиқлар харатерига кўра, лёссимон жинслардан ташкил топган, денгиз сатҳидан турлича гипсометрик баландликда жойлашганлиги (350 метрдан 700 метргача) билан ажралиб туради. Суғоришлар таъсирида ўзига хос такрорланмас воҳа тупроқлари шаклланган, гумус ва озиқа элементлари билан турли даражада таъминланган.

1. Ушбу регионлар бўз-воҳа тупроқларидаги агрономик жиҳатдан қимматли бўлган агрегатлар (0,25-10 мм) миқдори “жуда юқори” (>30 %) структураликни яққол намоён этади, ҳайдалма қатламлари “ўртача зичлашган” (1,30-1,39 г/см$^3$), қишлоқ хўжалик экинлари яхши ривожланадиган, мақбул зичликка эга, умумий ғоваклигига кўра – “ўртача” (50-45 %) кўрсаткичларда қайд қилиниб, мос равишда аэрация даражаси 20 % деб баҳоланди.

2. Ҳозирда жанубий регион (Денов тумани С.Рахимов номли массив) ва шимолий-шарқий регион (Бўка тумани Ғ.Азаматов номли массив) бўз-воҳа тупроқлари амалда шўрланмаган, марказий регион (Пастдарғом тумани Охунбобоев ва Ш.Рашидов тумани Ҳ.Олимжон номли массивлар) бўз-воҳа тупроқлари хлорид-сульфатли типга мансуб бўлган кучсиз шўрланишга мойил.

3. Ўрганилган регионлар бўз-воҳа тупроқлари умумий ва хусусий белгилари бўйича агрономик жиҳатдан турлича унумдор тупроқлар ҳисобланиб, табиий ва антропоген омиллар таъсиридаги тадрижий ривожланиши бевосита биогеокимёвий жараёнларга боғлиқ равишда кечаётганлиги, агроирригацион унумдор қатламларнинг ўртача қалинлиги 40-50 *см*дан 1,5-2,0, хаттоки, қадимдан суғорилиб деҳқончилик қилинадиган майдонларда 3 метргача етганлиги, турли ёшдаги воҳа тупроқлари шаклланганлигидан далолат беради.

**Таклиф ва тавсиялар.** Тупроқларнинг озиқа моддалари ҳаракатчан шакллари билан таъминланганлик даражасига қараб агрохимкартограммаларини тузиш ва улар асосида калийли ва фосфорли ўғитларни илмий асосланган ҳолда қўлланилиши келгусида ижобий самаралар беради.

Ушбу тупроқлар ҳайдалма ости қатламида ҳосил бўлган “плуг товони” – зичлашган қатламини ҳар 3-4 йилда, ўсимликларнинг вегетация даври тугаган даврда – куз ойларида бир маротаба чуқур юмшатиш ишларини ўтказиб туриш, тупроқнинг нафақат умумфизикавий, сув-физикавий ва физик-механик хоссаларини яхшиланишига, балки ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига янада ижобий таъсир кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси: Педогогика институтларининг география-биология бўлими талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти. 1996. 264 б.
2. Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси. Тошкент. 2002.
3. Качинский Н.А. Физика почв. ч. I. Москва: Изд-во АН СССР. 1965. 318с.
4. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. Ташкент. 1973. 439 с.
5. Орлов М.А. Изменение почвообразовательных процессов пустынь Средней Азии под влиянием орошения // Сб.: Хозяйственное освоение пустынь Средней Азии и Южного Казахстана. Ташкент. 1934. 247 с.
6. Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель. Ташкент: ГосНИИПА. 2004. 260с.
7. Турсунов Л. Тупроқ физикаси. Тошкент: “Меҳнат”. 1988. 224 б.
8. Қурвантаев Р., Мусурмонов А. Тупроқ физикаси фанидан ўқув-услубий мажмуа (I-қисм). Гулистон. 2011. 120 б.
9. Қўзиев Р.Қ. Бўз-воҳа тупроқлари, уларнинг тадрижий ривожланиши ва унумдорлиги. Тошкент. 1991. 38 б.
10. Қўзиев Р.Қ., Сектименко В.Е., Исмонов А.Ж. Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламалари Атласи. Тошкент: “Ергеодезкадастр” ДҚ. 2010. 44 б.
11. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. ч. 1 и 2. Л.: “Гидрометеоиздат”. 1965. 691 с.
12. Шульц В.Л., Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти. 1969.

УДК 633.111.1:006

Кадиров Ш.Ю., Хамраев Н.У., Нурметова Ф.Р. (Хоразм Маъмун академияси)

# КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ДОН ШАФФОФЛИГИ

**Аннотация.** *Мақолада Хоразм вилоятида етиштирилаётган 15 та маҳаллий ва четдан келтирилган кузги буғдой навларининг дон шаффофлик даражаси ўрганилган. Таҳлилларни олишда фойдаланилган донлар вилоятда умумий қабул қилинган агротехник шарт-шароитларни қўллаган ҳолда етиштирилишига қарамасдан уларда шаффофлик даражаси турлича эканлиги кузатилди. Бу эса навнинг шаффофлик даражаси нафақат агротехник тадбирларга боғлиқ ҳолда ўзгаришини, балки биологик хусусиятларга ҳам боғлиқлигини англатади.*

**Калит сўзлар**: *эндосперм, крахмал, дон, шаффофлик, диафаноскоп, кузги буғдой навлари.*

**Аннотация.** *В статье изучены параметры стекловидности зерна 15 местных и зарубежных сортов озимой пшеницы, возделываемых в Хорезмской области. Результаты полученных анализов показывают, что несмотря на проведение общепринятых агротехнических мероприятий при возделывании озимой пшеницы в Хорезмской области параметры стекловидности зерна у изучаемых сортов были разными. Это доказывает, что параметры стекловидности сортов изменчивы не только по причине проведения агротехничиских мероприятий, но и по биологическим свойством сорта.*

**Ключевые слова:** *эндосперм, крахмал, зерно, стекловидность, диафаноскоп, сорта озимой пшеницы.*

**Abstract.** *The parameters of vitreousness of 15 local and foreign varieties of winter wheat cultivated in the Khorezm region are studied in the article. The results of the analysis show that, despite the generally accepted agrotechnical activities for the cultivation of winter wheat in Khorezm region, the vitreousness parameters of the varieties under the research were different. This confirms that, the vitreousness parameters of the varieties are changeable not only in the conduction of agrotechnical activities, but also in the biological properties of the variety.*

**Key words:** *endosperm, starch, grain, vitreousity, diaphanoscope, varieties of winter wheat.*

**Мавзунинг долзарблиги.** Дон сифати жуда кўп кўрсаткичлар маҳсулидир. У буғдой навига, иқлим ва қўлланилаётган агротехник тадбирларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Буғдой донидан олинган ун ва ундан тайёрланган маҳсулотларнинг муҳим сифат кўрсаткичларини оқсил, крахмал ва углеводлар белгилаб беради. Буғдой донининг шаффофлигини крахмал доначалари беради. Улар икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ майда крахмал доначалари *хондриосомалардан* ташкил топган бўлиб улар дон ранги тиниқлигини пасайтиради. Иккинчи гуруҳ йирик *пластидли* крахмал доначаларидан тузилган бўлиб шаффофликни юқори бўлишини таъминлайди [3]. Крахмал дон таркибида 61,5–83,0 % оралиқда бўлиши тадқиқотларда аниқланган. Маълумки ўсимлик ўз вақтида ва етарли даражада озиқлантирилса нафақат ҳосилдорлик ошади, балки доннинг сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шаффофлик намлик ортиқча бўлган, азот етишмаган шароитда пасаяди [2].

Тупроқда намлик кўп бўлиб, азот тахчил, тупроқ эритмасининг қуюқлиги (контсентратсияси) қанчалик паст бўлса, буғдой донинг шаффофлик даражаси ҳам шу қадар паст бўлади ва аксинча тупроқ эритмалари нечоғлик қуюқ (тўйинган) бўлса, доннинг шаффофлиги шу қадар ортади [1].

Буғдой дон мағзи ички тузилиш ҳолати (консистенцияси) катта аҳамиятга эга, чунки бу қайта ишлаш жараёнида доннинг характерини, шунингдек маҳсулотнинг истеъмолпоблик хоссаларини намоён қилади. Буғдой дони эндосперми унсимон, тўла шишасимон ва енгил қорайган шишасимонли (шишасимон қисми кесилган доннинг 3\4

қисмини ташкил қилади). Булар ярим шишасимонли деб айтилади. Донларнинг шаффофлиги: доннинг структураси, яъни тузилиши шишасимон ёки унли бўлиши мумкин. Доннинг шишасимонлиги ёки унсимонлиги ундаги крахмал заррачаларнинг катта кичиклиги, хоссалари ва оқсилларнинг тақсимланиши ва оқсил моддалар билан крахмалнинг боғланишига боғлиқдир. Шишасимон дондан заррача ҳолида ун олинади, уннинг чиқиши унсимон донга нисбатан кўп, аммо шишасимонли донни майдалаш учун кўп энергия сарф қилинади. Унсимон мағзли дондан юмшоқ ун олинади, лекин таркибида оқсил моддалари шишасимонли дондан олинган унга нисбатан кам.

Шаффоф дондан ун тортилганда мағзи осон ажралади, ун эса юқори нонбоплик хоссаларга эга бўлади. Ун тортиш амалиётида буғдой дони учун шаффофликнинг учта гуруҳи ўрнатилган: 40 % гача, 40 дан 60 % гача ва 60 % дан юқори. Ун тортиш туркумларини шакллантиришда шаффофликни 50-60 % даражаси ушлаб турилади. Дон рангига қараб ҳам буғдой дони товар сифатида бир неча турларга таснифланади (доннинг туркум ва туркумчаларга бўлиниши). Буғдой донининг ранги уруғ пўстининг пигментлар қатламидаги пигментларга, мева пўсти қалинлигига ва мағиз таркибига боғлиқ бўлади. Қизил донли буғдой навининг ранги тўқ қизилдан сариқ ранггача бўлади. Доннинг мағзи шишасимон бўлганда, одатда дон тўқ рангда бўлади. Буғдойдаги оқ рангли навлар пўстида пигментлар бўлмайди, шунингдек уларнинг ранги мағиз таркибига боғлиқ бўлади. Дон навида одатдаги рангнинг ўзгариши доннинг ноқулай шароитларда ўстирилган, сақланган, ёки ҳосил йиғиб олиш қоидаси бузилганлигидан далолат беради. Бу ҳолат уннинг технологик қийматига таъсир этади. Шунинг учун дон сифати текширилганда ушбу кўрсатгич алоҳида ҳисобга олинади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек мағизнинг таркиби буғдой дони рангига муайян даражада таъсир кўрсатиб, доннинг технологик қиймати билан узвий боғлиқ бўлади. Буғдой дони мағзининг консистенцияси (таркибий тузилиши), ташқи кўринишининг қирқимига қараб шишасимон, яримшишасимон, ёки унсимон бўлиши мумкин. Буғдой дони мағзининг консистенцияси дондаги оқсил моддалар билан крахмал доначаларининг боғланиш шаклига боғлиқ бўлади. Шишасимон буғдой донида умумий оқсил миқдори унсимон буғдой донига нисбатан юқори даражада бўлади [4]. Буғдой дони мағзининг консистенцияси буғдойни қайта ишлаш жараёнидаги хусусиятларини белгилаб беради. Яъни, шишасимон мағизли дон янчилганда олинадиган ёрма миқдори кўпаяди, бу эса ўз навбатида навли ун тортишда юқори самарадорликка эришишни таъминлайди.

**Тадқиқот усуллари.** Доннинг шишасимонлигини аниқлаш учун доннинг ифлослигини аниқлагандан сўнг қолган донидан 100 дона санаб олинади ва 2 хил усулда текширилади, диафанаскопда йўналтирилган ёруғлик ёрдамида ёки донни кўндаланг кесиб қараб аниқланади.

Диафанаскоп орқали шаффофликни аниқлаш қуйидагича бажарилади: диафанаскоп кассетасига буғдой силкитиш орқали кассетанинг 100 та хоначаси тўлдирилади. Сўнгра диафанаскоп оккуляри орқали донларнинг биринчи қатори бўйича бутунлай шаффоф ва унсимон донлар ҳисобланади. Ярим ёруғ ўтказувчи донлар ҳисобга олинмайди. Ўнта қаторни ҳам кўриб чиққандан сўнг ҳисоблагичнинг қуйи таблосида шаффофликнинг умумий фоиз, юқориги таблосида эса – бутунлай шаффоф донларнинг миқдори кўрсатилади. Умумий шаффофликни, шунингдек 100 та доннинг ўртасидан кўндаланг кесиш орқали ҳам аниқлаш мумкин. Кесилган ҳар бир доннинг шаффофлиги, унсимонлиги ва қисман шаффофлиги аниқланади. Умумий шаффофлик фоиз ҳисобида қуйидаги формула орқали ҳисобланади: $У = Т + \frac{Я}{2}$ . Бу ерда: У-умумий шаффофликлик, %; Т- тўла шаффоф мағизлар миқдори, дона; Я- ярим шаффофли мағизлар миқдори, дона. Аниқланган натижалар бутун сонлар орқали ифодаланади.

Буғдой донининг умумий шаффофлигини аниқлашда шаффоф ва қисман шишасимон донлар йиғиндиси асос қилиб олинади. Мағзи: а) тўлиқ шаффоф бўлган ёки б) озроқ унсимонликка эга бўлган; шунингдек в) кўндаланг кесимда доннинг 1/4 дан ортиқ бўлмаган

қисми унсимон бўлса бундай донлар шаффоф дон ҳисобланади. Мағзи: а) тўлиқ шаффоф бўлган ёки б) доннинг кўндаланг кесимида дондаги шаффоф қисм 1/4 дан ортиқ бўлмаганда бундай донлар унсимон дон деб ҳисобланади. Қисман шаффоф донлар юқорида кўрсатилган дон гуруҳларига хос бўлмаган донлар бўлиб уларнинг мағзи шаффоф, аммо унсимон доғлари мавжуд бўлади. Маълумки, шаффоф донлар шишасимон бўлиб, унсимон донлар ёруғликни ўтказмайди ва қоронғу бўлади.

**Тадқиқот натижалари.** Хоразм вилоятида етиштирилаётган кузги буғдой навларининг шаффофлик даражаси 1-жадвалда келтирилган.

*1-жадвал*

**Кузги буғдой навларининг шаффофлик даражаси**

| № | Нав номи | Шаффоф | Ярим шаффоф | Шаффоф эмас | Шаффофлик даражаси, % |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Краснодарская-99 | 86 | 10 | 4 | 91 |
| 2 | Андижон-2 | 66 | 24 | 10 | 78 |
| 3 | Аср | 84 | 12 | 4 | 90 |
| 4 | Восторг | 75 | 14 | 11 | 82 |
| 5 | Гром | 78 | 10 | 12 | 83 |
| 6 | Дурдона | 85 | 12 | 3 | 91 |
| 7 | Дўстлик | 90 | 8 | 2 | 94 |
| 8 | Ёнбош | 87 | 10 | 3 | 92 |
| 9 | Звезда | 80 | 18 | 2 | 89 |
| 10 | Зимница | 79 | 6 | 15 | 82 |
| 11 | Крошка | 82 | 10 | 8 | 87 |
| 12 | Сила | 80 | 12 | 8 | 86 |
| 13 | Таня | 76 | 18 | 6 | 85 |
| 14 | Яксарт | 88 | 8 | 4 | 92 |
| 15 | Чиллаки | 76 | 18 | 6 | 85 |

**Таҳлилларни олишда фойдаланилган донлар вилоятда умумий қабул қилинган агротехник шарт-шароитларни қўллаган ҳолда етиштирилган.*

Жадвалда келтирилган 15 та кузги буғдой навларининг тўла шаффофлиги ва умумий шаффофлиги қиёсий ўрганилди. Унга кўра тўла шаффоф донлар бўйича назорат нави("Краснодарская-99")га нисбатан юқори натижани "Дўстлик", "Яксарт" ва "Ёнбош" навлари кўрсатган бўлса, умумий шаффофлик бўйича эса "Дўстлик", "Яксарт", "Ёнбош" ва "Дурдона" навлари энг юқори кўрсаткичга эга бўлди.

**Хулоса.** Юқори шаффофликка эга донлар анча юқори технологик хоссалари билан фарқ қилади. Бироқ шаффофлик беқарор хосса бўлиб, намлик ва зах шароит шаффофликка салбий таъсир қилади. Унга хаттоки, шудринг ҳам тез таъсир кўрсатади. Буғдой донини баҳолашда доннинг умумий шаффофлигини эмас, балки фақат тўлиқ шаффоф донлар миқдорини эътиборга олиш тавсия этилган. Бу кўрсаткич доннинг технологик хоссасига катта таъсир қилади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак бир хил шароитда ўстирилган буғдой навларида ҳам шаффофликнинг турлича бўлишини кузатишимиз мумкин экан.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Белтьтюков Л.П. Сорт, технология, урожай. Ростов-на-Дону. ЗАО "Книга". 2002. С.76-166.
2. Казаков Е.Д. Методы оценки качества зерна , Москва: "Агропромиздат". 1987.
3. Мясникова А.В., Ралль Ю.С., Трисвятский Л.А., Шатилов И.С. Товароведение зерна и продуктов его переработки. Москва. Изд. "Колос". 1965.
4. Ёрматова Д., Убайдуллаев Ш. Донли экинлар. Тошкент: "Меҳнат". 2001.

УДК 631.527:633.11

Абдурахимов У.К., Мадаминов Р.Р., Курбанбаева М.У. (Хорезмская академия Маъмуна)

# ВЛИЯНИЕ СРОКОВ СЕВА НА ПРОДУКТИВНОСТЬ, УРОЖАЙНОСТЬ И КАЧЕСТВО ЗЕРНА МЕСТНЫХ СОРТОВ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ

**Аннотация.** *В данной статье приведены сведения о влиянии сроков сева на продуктивность, урожайность и качество зерна импортозамещающих, местных сортов озимой пшеницы "Яксарт" и "Дустлик". По данным фенологических наблюдений, местные сорта пшеницы "Яксарт" и "Дустлик" в почвенно-климатических условиях Хорезмской области проявили более высокие показатели по росту, развития и урожайности.*

**Ключевые слова:** *продуктивность, урожайность, импортозамещающие сорта, фенологические наблюдения, почвенно-климатические условия.*

**Аннотация.** *Ушбу мақолада маҳаллий "Яксарт" ва "Дўстлик" навларининг ҳосилдорлигига ва импорт ўрнини босувчи дон сифатига экиш муддатининг таъсири ҳақида маълумот берилади.*

*Фенологик кузатишлар натижасига кўра буғдойнинг маҳаллий "Яксарт" ва "Дўстлик" навлари Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида ҳосилдорлик ва ривожланиш бўйича нисбатан юксак кўрсаткичларга эга бўлди.*

**Калит сўзлар:** *унумдорлик, ҳосилдорлик, импорт ўрнини босувчи навлар, фенологик кузатувлар, тупроқ-иқлим шароити.*

**Abstract.** *This article provides information on the impact of sowing date on productivity, crop yield and quality of grain of import-substituting, local winter wheat varieties "Yaksart" and "Dustlik". According to the phenological observations, local varieties of wheat "Yaksart" and "Dustlik" showed higher performance on growth, development and crop yield in the soil and climatic conditions of Khorezm region.*

**Key words:** *productivity, crop yield, import substituting sorts, phenological observations, soil-climatic conditions*

**Актуальность проблемы.** Проблема экологической устойчивости растений к одному из важнейших климатических факторов – низким температурам, является основополагающей при разработке адаптивной технологии возделывания озимой пшеницы.

Высокоинтенсивные сорта отзывчивы на оптимальные сроки посева и отклонение от них в ту или другую сторону снижает урожай.

При ранних сроках посева пшеница часто перерастает, больше поражается болезнями и вредителями, хуже зимует. При поздних посевах растения осенью слабо или совсем не кустятся, весной многие отстают в росте и становятся малопродуктивными [2].

Для озимых хлебов зима является источником основных стрессов. Доказана корреляционная зависимость между урожайностью озимой пшеницы и зимостойкостью. Поэтому в условиях меняющегося климата, потепления зим важно находить новые подходы к известным агроприёмам: сроки сева, послепосевное прикатывание, весеннее боронование, которые бы обеспечили лучшую перезимовку и в конечном итоге привели к повышению урожайности и улучшению качества зерна озимой пшеницы. [3:60].

В Хорезмском регионе отклонение от оптимальных сроков посева пшеницы как в сторону ранних, так и поздних приводит к снижению урожая ввиду изреживания или гибели посевов (в суровые зимы). В Хорезмской области зимы бывают неустойчивыми и во время интенсивных длительных оттепелей также возможно продолжение кущения растений. Степень влияния оттепелей на растения зависит от состояния развития растений и условий зимы.

Решение этих задач в Республике Узбекистан во многом способствует совершенствованию агротехники, в частности, оптимизации таких важнейших

агроприёмов, как сроки сева и нормы высева, которые оказывают существенное влияние на рост, развитие, продуктивность и урожайность растений [1].

Исходя из этого, целью нашего исследования является подбор районированных в местных условиях новых перспективных сортов озимой пшеницы к условиям Хорезмской области, а также, научное и практическое обоснование оптимального срока сева и схем размещения сортов, обеспечивающих высокий и качественный урожай.

**Методы исследования.** Проведенные нами исследования по изучению влияния сроков сева на хозяйственно-ценные признаки новых перспективных сортов озимой пшеницы “Дустлик”, “Яксарт”, созданные в местных условиях, проводились на экспериментальной базе Хорезмской академии Маъмуна Хивинского района Хорезмской области.

Почвы Хорезмской области, на которых ставились опыты, аллювиально-луговые. Они составляют 14,2 % всех посевных площадей области, занимают земли в низовьях Амударьи. Они формировались в условиях современной дельты. Грунтовые воды минерализованы, залегают на глубине 1–3 м. По агрохимическим свойствам почвы характеризуются повсеместной карбонатностью, слабой оструктуренностью, малым содержанием гумуса и сильной склонностью к засолению. Почвы в основном среднезасоленные, хлоридно-сульфатного типа.

В исследованиях использованы полевые и лабораторные методы, разработанные Узбекским НИИ хлопководства (2007). Фенологические наблюдения по “Методике Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” (1964). Статистическая обработка данных по Б.А. Доспехову (1985).

В 2015-2017 годах на полях экспериментальной базы Хорезмской академии Маъмуна были посеяны сорта озимой пшеницы “Дустлик” и “Яксарт”, созданные в местных условиях в 2-х сроках (1 октября и 10 октября), по норме 5 млн. штук семян на гектар. Контрольным сортом озимой пшеницы был сорт “Краснодарская-99”, а также сорт озимой пшеницы “Гром”, созданный в Российской Федерации, который в последние время высевается в Хорезмской области. Все варианты расположены в 3-х повторностях, методом делянки и в смешанном порядке. Площадь делянки составляет 25 м$^2$ (10х2,5 м). Все агротехнические приёмы проведены согласно правилам, принятым в Хорезмской области. Перед посевом было внесено минеральное удобрение (аммофос) в норме 90 кг на гектар.

Хорошее развитие колоса является предпосылкой высокого урожая. Число зёрен в колосе – чрезвычайно важный фактор, от которого на 25 % зависит величина урожая зерна. Во все годы исследований данные параметров колоса у сортов “Дустлик” и “Яксарт” превышали контрольный сорт “Краснодарская-99”. У обоих сортов наилучшие показатели наблюдались при севе 1 октября.

**Результаты и обсуждения.** На опытных участках, где посев производился 1 октября, количества зёрен на каждом колосе составили в среднем 38-42 шт. Количества продуктивных стеблей 1 м$^2$ в среднем составили на промежутке 685-830 шт. При этом самыми продуктивными оказались сорта “Яксарт” – 830 шт. и “Дустлик” – 715 шт., а самые низкие показатели продуктивности стеблей у сортов “Краснодарская-99” – 696 шт. и “Гром” – 685 шт. Вес 1000 семян составил в среднем 39,7-42,8 г., при этом самый высокий показатель у сортов “Яксарт” (42,8 г.) и “Дустлик” (42,1 г). Урожайность зерна в среднем составила 73,0 – 84,6 ц/га. Самыми урожайными оказались сорта “Яксарт” – 84,6 ц/га и “Дустлик” – 84,4 ц/га. Самая низкая урожайность зерна наблюдалась у сорта пшеницы “Гром” – 73,0 ц/га (диаграммы 1-4).

При сроке посева 10 октября количества зерен на каждом колосе составили в среднем 37-41 шт. Количества продуктивных стеблей 1 м$^2$ в среднем составили на промежутке 646-735 шт. При этом самыми продуктивными оказались сорта “Яксарт” – 735 шт. и “Дустлик” – 693 шт., а самые низкие показатели продуктивности стеблей у сортов “Краснодарская-99” – 650 шт. и “Гром” – 646 шт. Вес 1000 семян составил в среднем 38,9-42,1 г., при этом самый высокий показатель у сортов “Яксарт” (42,1 г.) и “Дустлик” (41,7 г).

Урожайность зерна в среднем составила 71,7-77,9 ц/га. Самыми урожайными оказались сорта “Яксарт” – 77,9 ц/га и “Дустлик” – 76,0 ц/га. Самая низкая урожайность зерна наблюдалась у сорта пшеницы “Гром” – 71,7 ц/га (диаграммы 1-4).

**диаграмма-1**




**диаграмма-2**




**диаграмма-3**



**диаграмма-4**




Показатели зерновых качеств новых и перспективных сортов озимой пшеницы, выведенные в местных условиях, сравнительно изучены в лаборатории "Анализ зерна и зерновых продуктов" Хорезмской академии Маъмуна. Анализы по определению измерителя деформации клейковины и количество клейковины в зерне показали, что при посеве 1 октября были получены следующие результаты: у сорта "Яксарт" – 28,7 %, показатель ИДК – 75; у сорта "Дустлик" – 29,0 %, показатель ИДК – 87; у сорта "Краснодарская–99" – 28,3 %; показатель ИДК – 93 и у сорта "Гром" – 27,8 %, показатель ИДК – 101. Также, при посеве 10 октября: у сорта "Яксарт" – 28,2 % показатель ИДК – 78; у сорта "Дустлик" – 28,6 %, показатель ИДК – 95; у сорта "Краснодарская–99" – 27,9 %; показатель ИДК – 97 и у сорта "Гром" – 27,3 %, показатель ИДК – 104 (диаграмма-5).

**диаграмма-5**




В заключении можно сделать выводы, что по данным фенологических наблюдений местные сорта пшеницы Яксарт и Дустлик в почвенно-климатических условиях Хорезмской области проявили более высокие показатели по росту, развития и урожайности.

**Использованная литература.**

1. Есболова М.Б. "Влияние сроков сева и норм высева на посевные качества и продуктивность семян озимой пшеницы" Автореф. на соискание ученой степени кандидата сельхоз. наук. Ташкент. 2009.
2. Зеленский Н.А., Зеленская Г.М., Авдеенко А.П. Сроки посева озимой пшеницы // Успехи современного естествознания. 2006. № 4. С. 47-48.
3. Зезюкова Т.П. и др. Селекция пшеницы на зимостойкость в условиях лесостепи ЦЧР // Биологические основы и методы селекции и семеноводства сельскохозяйственных культур // Сборник научных трудов. Воронеж. 2006.

## ИҚТИСОД ФАНЛАРИ

Матякубов У.Р., Аминова М.С. (Урганч давлат университети)

# МИНТАҚАДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** *Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг туризм салоҳияти, хусусан, туристик ресурслари ва улардан фойдаланиш имкониятлари, туризмни ўсиш тенденцияси очиб берилган. Шунингдек, вилоятда туризм соҳасини ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича тавсиялар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *туризм, туристик ресурслар, туристик салоҳият, туристик маҳсулот, экологик туризм.*

**Аннотация.** *Данная статья раскрывает туристический потенциал Хорезмской области, в частности, туристические ресурсы и способы их использования, а также тенденцию развития туризма. Кроме того, приведены проблемы, которые препятствуют развитию туризма в регионе и даны рекомендации по их решению.*

**Ключевые слова:** *туризм, туристические ресурсы, туристический потенциал, туристическая продукция, экологический туризм.*

**Abstract.** *This article reveals the tourist potential of Khorezm region, in particular, tourist resources and the ways of using them, as well as the progress trend of tourism. In addition, some problems are cited, that hinder the development of tourism in the region and recommendations for their solution.*

**Key words:** *tourism, tourist resources, tourist potential, tourist product, ecotourism.*

Туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади, туризмнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10 фоиздан кўпроқни ташкил этади, тармоқда жаҳондаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг 8 фоизга яқини иш билан банд, туризм хизматлари жаҳон экспортининг 7 фоиздан кўпроғини ташкил этади.

Ўзбекистон ноёб бир мамлакат бўлиб, унинг ҳудудида энг қадимги тамаддун ва маданиятлар юзага келган, ривожланган, ўз жозибадорлиги жиҳатидан дунёдаги дам олиш ва саёҳатлар учун энг яхши масканлардан қолишмайдиган улкан туризм салоҳиятига эгадир. Бугунги кунда мамлакатимизда 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар ва улуғвор ҳамда бетакрор архитектура намуналари мавжуд. Мамлакатда миллий маданият, санъат ва ҳунармандчиликнинг кўп асрлик анъаналари авайлаб асраб келинди ва ривожлантирилмоқда. Жаҳонга машҳур миллий таомларимиз ва пазандачилик соҳасидаги анъаналаримиз Шарқ меҳмондўстлигининг рамзи ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев "...туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта захираларини тўлдириш бўйича аниқ чора тадбирлар билан кучайтирилиши зарур" деб алоҳида таъкидлаганлар [1:3]. Бугунги кунда туризм соҳасини ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, бу борада жуда кўп амалий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2016 йил 2 декабрда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлашга, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини беришга, уни мамлакат иқтисодиётини барқарор ўстиришнинг, минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда туризм ролини кучайтиришнинг қудратли воситасига айлантиришга қаратилгандир.

Хоразм воҳасида неолит давридан то XIX асргача бўлган даврни қамраб олган 255 дан ортиқ маданий мерос ёдгорликлари мавжуд. Улардан 18 таси археология, 132 таси меъморчилик, 67 таси ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, 6 таси диққатга сазовор жойлар ва 32 таси муқаддас қадамжолардир. Бу ноёб туристик ресурслар, асосан, Хива ва Урганч шаҳарларида жойлашган. Аммо бундай ёдгорликлар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам кўп учрайди (1-жадвал).

*1-жадвал*

**Хоразм вилоятидаги мавжуд тарихий-маданий мерос объектлари***

| № | Ҳудуд | Архео-логия ёдгорлик-лари | Меъмор-чилик ёдгорлик-лари | Ҳайкал-тарошлик ёдгорлик-лари | Диққатга сазовор жойлари | Муқаддас жойлари | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Урганч шаҳар | - | 8 | 8 | 5 | 3 | 24 |
| 2 | Урганч тумани | 1 | 4 | 14 | - | 4 | 23 |
| 3 | Хива шаҳар | 4 | 88 | 8 | 1 | 1 | 102 |
| 4 | Хива тумани | - | 10 | 9 | - | 1 | 20 |
| 5 | Хазорасп тумани | 7 | 11 | 4 | - | 3 | 24 |
| 6 | Шовот тумани | 3 | 2 | 3 | - | 1 | 9 |
| 7 | Боғот тумани | 1 | 2 | 4 | - | 7 | 14 |
| 8 | Янгиарик тумани | 2 | 1 | 3 | - | 2 | 8 |
| 9 | Гурлан тумани | - | 1 | 5 | - | 1 | 7 |
| 10 | Янгибозор тумани | - | - | 4 | - | 1 | 5 |
| 11 | Қўшкупир тумани | - | 1 | 1 | - | 7 | 9 |
| 12 | Хонқа тумани | - | 5 | 4 | - | 1 | 10 |
| | **ЖАМИ:** | **18** | **132** | **67** | **6** | **32** | **255** |

* *Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг маълумотлари.*

Хоразм вилояти ўзининг бой тарихи, қадимий ва маданий обидаларга эга эканлиги, унинг Буюк ипак йўлида жойлашганлиги жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига сазовордир. Биргина Хива шаҳрида кўплаб архитектура ёдгорликлари жойлашган бўлиб, улардан бири − Ичан-қалъа эса қадимий шарқ руҳини сақлаб қолган мажмуадир. Халқимизнинг фахри ва ғururига айланган бу шаҳар “очиқ осмон ости”даги музей ҳисобланади.

Мана шундай беқиёс маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган ноёб обидалардан дунё аҳлини хабардор қилиш ва бу ерга имкон қадар кўпроқ хорижий сайёҳларни жалб этиш ушбу соҳани яқин келажакда ривожлантиришнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Республикамиз ҳукумати томонидан ҳудудларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар қабул қилинмоқда. Жумладан, 2017-йил 4-май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2953 сонли “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури” тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан 63 та лойиҳани амалга ошириш натижасида Хоразм вилоятида мавжуд туристик йўналишдаги йўллар ҳолатини яхшилаш, ҳудуддаги маданий мерос объектларида таъмирлаш ва тиклаш ишларини олиб бориш, янги экотуризм йўналишларида лойиҳалар амалга ошириш кўзда тутилган. Сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида туристик синфга мансуб автобуслар, электромобиллар харид қилиш, сайёҳлар кўп ташриф

буюрувчи ҳудудларда велосипедлар, роликлар ва сигвейлар ижараси йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, туризмни ривожлантиришда ҳамда Хивани халқаро туризм марказларидан бирига айлантириш мақсадида Хива шаҳрига шаҳарлараро замонавий тезюрар поезд қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Хива шаҳрида сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида сувенир маҳсулотлари, Хоразм туризм брендларини акс эттириб трикотаж махсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мавжудлари фаолиятини кенгайтириш кўзда тутилган.

"Ота дарвоза" олд қисмида туризм инфраструктура объектлари, 500 ўринли амфитеатр ташкил қилиш, Хива ва Урганч шаҳарларининг ичимлик суви ҳолатини яхшилаш, "Ғовук кўл" атрофида туристик инфратузилма объектларини жойлаштириш ҳамда "Нуруллабой" мажмуасини сайёҳлар ташриф объектига айлантириш режалаштирилган.

Хоразм вилоятида хорижий сайёҳларни жалб қилишда вилоятнинг туристик ресурслари муҳим аҳамият касб этади. Вилоятга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар оқимини оширишда нафақат биз юқорида қайд қилиб ўтган тарихий-меъморий обидалар, балки минтақанинг табиий ресурслар ҳамда биологик хилма-хиллиги, диний зиёратгоҳлар ва туризмнинг махсус турлари ресурслари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу туристик ресурслар вилоятнинг деярли барча ҳудудларида мавжуд бўлиб, ички ва ҳалқаро туризм учун янгидан-янги туристик маҳсулотлар яратиш имкониятини беради (2-жадвал).

*2-жадвал*

**Хоразм вилоятининг туристик ресурслари***

| Туристик ресурслар | Таркиби | Географик тарқалиши |
|---|---|---|
| Табиий ресурслар ҳамда биологик хилма-хиллик | Чўлларнинг табиати, ер усти рельефи, флора ва фаунаси | Бутун вилоят ҳудудида |
| Амударё ва унинг хавзаси | Дарё, унинг соҳилидаги рекреация ресурслари, дарё ўзанидаги тўқайзор ва ўрмонлар, ўсимликлар дунёси | Боғот, Хонқа, Урганч, Хазорасп туманлари |
| Археологик туризм ресурслари | Қадимий Хоразм пойтахтлари олтин халқаси, қадимий қальалар, археологик топилмалар | Хива, Урганч, Шовот, Хазорасп, Қўшкўпир туманлари |
| Тарихий обидалар билан боғлик, ресурслар | Тарихий обидалар | Хива, Урганч шаҳарлари ва Шовот, Боғот, Хазорасп, Янгиарик туманлари |
| Диний зиёратгоҳлар | Султон Увайс, Юсуф Хамадоний, Паҳлавон Маҳмуд, Шайхмухтовали, Норимжон бобо зиёратгоҳлари ва вилоят туманларидаги бошқа муқаддас қадамжолар | Хива, Урганч, Боғот, Янгиарик туманлари |
| Туризмнинг махсус турлари ресурслари | Ҳунармандчилик, урф-одатлар, миллий санъат ва ўйинлар | Бутун вилоят ҳудудида |

**"Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси" Тошкент. 2014.*

Бундан ташқари вилоятда экологик туризмни ривожлантириш учун ҳам улкан салоҳият мавжуд. Боғот, Хонқа, Урганч туманларида Амударё соҳилида экологик туризм ва меҳмонхона хўжалиги хизматларини ривожлантириш имкониятлари катта. Минтақадаги "Қизилқум" давлат қўриқхонаси зонасида ҳам экологик туризмни йўлга қўйиш мумкин. Ушбу қўриқхона Амударёнинг ўрта оқими қисмида, асосан Хоразм вилоятининг Хазорасп ва қисман Бухоро вилоятининг Ромитон туманларида жойлашган.

Қўриқхонанинг умумий майдони 10 минг 311 гектарни ташкил этади. Унинг 86 фоиз ҳудуди Хазорасп туманига тўғри келади. Қўриқхона асосан тўқайзорлардан ва қисман чўлдан иборат бўлиб, қўриқхонада 150 дан ортиқ флора, 86 хил ҳайвон ва 267 хил қушлар бор. Шулардан 8 хил балиқ, 1 та судралиб юрувчи, 18 хил қуш ва 2 хил ҳайвон “Қизил китоб”га киритилган. Бу ернинг ўзига хос табиати ва ландшафти сайёҳларнинг қўриқхона билан яқиндан танишиш иштиёқини оширади.

Шу қўриқхона негизида Амударё соҳилида экологик туризм ва меҳмонхона хўжалиги хизматларини ривожлантириш ва сайёҳларга туя ва отда экскурсияга чиқишини ташкил этиш имкониятлари мавжуд.

Минтақа муайян рекреацион ресурсларга ҳам эга. Масалан, Хива туманидаги “Ғовуккўл” ва “Эшонравот” кўллари бўйида сайёҳлик мажмуи яратиш ва балиқчиликни ривожлантириш, чодирлар, сузиш воситалари ижараси хизматлари ҳамда чўмилиш ҳавзалари инфратузилмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу дам олиш зонасини ташкил этиш нафақат минтақанинг, балки Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятлари аҳолисида ҳам ҳордиқ чиқаришга бўлган қизиқишни кучайтиради. Келажакда эса хизмат кўрсатиш ва сервис сифатини ошириш эвазига бу ерга бошқа вилоятлар ва чет эллик туристларни ҳам жалб этиш мумкин.

Охирги йилларда ҳукуматимиз томонидан туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, қабул қиланаётган қарор ва фармонлар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича манзилли дастурларнинг амалга оширилиши натижасида Хоразм вилоятига ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони ортмоқда. Масалан, вилоятга 2012 йилда ташриф буюрган жами (хорижий ва маҳаллий) сайёҳлар сони 63,6 мингдан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 75,7 мингдан ортиқни ташкил қилиб, 20 фоизга ошган. Биргина, 2015 йилнинг ўзида дунёнинг 80 дан ортиқ давлатидан 40,6 мингга яқин хорижий сайёҳлар вилоятимизга ташриф буюрган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 46,6 мингдан ортиқни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 фоизга ошган. 2012 йилда хорижий ва маҳаллий сайёҳларга кўрсатилган жами хизматлар ҳажми 5562,1 млн сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йил якуни билан 11386868,7 млн сўмни ташкил қилди ва жами кўрсатилган хизматлар ҳажми 2012 йилга нисбатан икки баробарга ошди. Келгусида бу кўрсаткич янада яхшиланиши кутилмоқда (3-жадвал).

*3-жадвал*

**Хоразм вилояти туризм салоҳиятининг ўсиш тенденцияси***

| № | Йиллар | Тошкилотлар Сони | | | Кўрсатилган хизматлар хажми | Келган сайёҳлар сони(минг) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Шундан | |
| | | Жами | Мехмон хона | Сайёхлик фирмалари | Сўм (минг) | жами | хорижий | маҳаллий |
| 1 | 2012 | 30 | 23 | 7 | 5562147,1 | 63,6 | 47,4 | 16,2 |
| 2 | 2013 | 36 | 26 | 10 | 8673658,8 | 73,3 | 53,3 | 20,0 |
| 3 | 2014 | 51 | 35 | 16 | 8314590,0 | 67,7 | 46,2 | 21,5 |
| 4 | 2015 | 59 | 42 | 17 | 8757247,0 | 63,4 | 40,6 | 22,8 |
| 5 | 2016 | 72 | 52 | 20 | 11386868,7 | 75,7 | 46,6 | 29,1 |

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари.*

Хоразм вилоятига ҳам маҳаллий, ҳам хорижий сайёҳларни кенг кўламда жалб этиш, асрлар давомида тўпланган бой тарихий-маданий меросни жаҳон миқёсида тарғиб қилиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чет эллик сайёҳлар сонининг ўсиши вилоятга хорижий

валюта тушумини кўпайтиришда, экспорт диверсификациясини амалга оширишда, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, ички туризмнинг ривожланиши вилоятни жаҳон туризм бозоридаги турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, ёшларда ватанпарварлик, ўзлигини англаш туйғуларининг кучайишини таъминлайди.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун Хоразм вилоятида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

- биринчидан, вилоят туристик фирмалари томонидан тақдим қилинаётган турмаҳсулотлар ва уларнинг диверсификацияси муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Туризмни ривожлантирищда энг асосий вазифалардан бири туристик маҳсулотни такомиллаштириш, унинг сифатини ошириш асосида туристик мавсумни узайтириш ҳисобланади. Шунингдек, сайёҳларнинг якка тартибда қулай ва мароқли саёҳат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, айниқса сайёҳлар учун тушунарли бўлган туристик харитани ишлаб чиқиш, улар кўп йиғиладиган жойларда туристик офис ёки марказлар ташкил қилиш, кўчаларда ва транспортда хорижий тилларда ҳам белгилар ўрнатилишига эътибор қаратиш керак бўлади;
- иккинчидан, вилоятнинг деярли барча ҳудудларида маданий ҳордиқ чиқариш ва кўнгилочар томошаларни ташкил қилиш зарур. Замонавий истироҳат боғларидан ташқари қизиқарли тематик боғлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Масалан, кўплаб туристлар Хоразмни "эртаклар макони" сифатида билишини ҳисобга олиб, Шарқ эртаклари мавзуида эксклюзив боғ барпо этиш шулар жумласига киради. Унда "Минг бир кеча", "Аловиддин ва сеҳрли кўза" каби эртаклар қаҳрамонларини акс эттириш, турли викториналар уюштириш ва сайёҳларга эсдалик совғалари улашишни йўлга қўйиш мумкин. Хоразм тарихидаги афсонавий қаҳрамонлар жонланадиган томошаларни намойиш этиш мумкин. Хусусан, ҳозирги давр туризмининг барча шаклларида сайёҳнинг турли жараёнларда нарсаларни ўз кўзлари билан ушлаб кўриш, ясаш, уларни тайёрлашда бевосита қатнашиш каби фаол иштироки кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам, ҳар бир туристик маршрутни тузишда, сайёҳларнинг камида битта фаолият турида иштирок этишини ҳисобга олиш лозим. Масалан, ҳунармандчилик ярмаркалари доирасида мастер-класслар ўтказиш ва сайёҳларни уларда иштирок этишга таклиф қилиш мумкин. Бундан ташқари, ҳозир Европа шаҳарларида кўча намойишлари кенг тус олган бўлиб, туристик шаҳарларнинг марказий кўчаларида жонли ҳайкаллар туриши, қизиқарли намойишлар ташкил этилиши яхши анъанага айланмоқда. Ушбу йўналишда вилоятда ҳам полвонлар иштирокида кураш, карнайчилар гуруҳларининг чиқиши каби миллий анъаналар намойишини йўлга қўйиш мумкин.
- учинчидан, сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш вилоятда энг устувор вазифалардан биридир. Фан ва технологияларнинг шиддат билан ривожланиб бораётгани туризм соҳасида ҳам юқори сифатли, ҳеч қандай камчиликларсиз хизмат кўрсатиш имконини беради. Қолаверса, бу – ҳозирги кун талабидир. Хизматлар сифатини яхшилаш учун бу борадаги халқаро стандартларни ўрганиш ва уларни соҳа вакилларига етказиш керак. Масалан, хизматлар сифатини ошириш учун Туркияда профессионал малакани сертификатлаш тизими жорий этилган. Унинг доирасида туризм, овқатланиш ва бошқа хизмат соҳаларида "Истеъмолчига йўналтирилган хизмат кўрсатиш" концепцияси кенг тарғиб этилади, ходимларда муомала маданияти, ҳар бир мижозга ҳурмат ва хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш кўникмаси тарбияланади.
- тўртинчидан, Урганч давлат университети "Туризм" кафедраси қошида жаҳон, республика ва вилоят туризм бозорида кузатилаётган турли тенденциялар, талаблар, янги маҳсулотлар, истеъмолчилар талаблари ва бошқа ҳолатларни ўрганувчи илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш зарур. Бу марказ, шунингдек, вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича масъул шахслар ва хусусий бизнес вакиллари учун зарур тавсиялар ишлаб чиқиш, Хоразм вилояти туристик маҳсулоти сифатини мунтазам ошириб бориш, уни инновацион ғоялар билан янгилаб боришга эришишда амалий ёрдам беради.

Юқорида қайд қилиб ўтилган чора тадбирларни амалга оширишилиши Хоразм вилоятига сайёҳлар оқимининг ошишига, янги туристик йўналишлар яратилишига ҳамда вилоятда туризм соҳаси кўрсаткичларининг кўтарилишига шунингдек туризм инфратузилма объектлари сонининг ортишига, бунинг натижасида сайёҳларнинг вилоятимизда бўлиш кунлари ошишига олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир фаолиятнинг кундалик қоидаси бўлиши керак". Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунларини ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2017 йил 16 январь. "Халқ сўзи".
2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг маълумотлари.
3. "Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси" Тошкент. 2014.
4. www.xorazm.uz сайти.


Нуримбетов Р.И. (ТАҚИ), Салаев С.К. (УрДУ)

## МИНТАҚАДА ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИНИ СОЦИОЛОГИК СЎРОВНОМА АСОСИДА ЎРГАНИШ

**Аннотация.** *Ушбу мақолада минтақаларда, хусусан, Қуйи Амударё минтақасида қурилиш индустриясини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш борасида ўтказилган анкета-социологик сўровнома натижалари ва бу борада экспертлар томонидан тармоқда бошқариш стратегиясини такомиллаштириш борасида баён этилган таклифлар ва амалий тавсиялар берилган.*

**Калит сўзлар:** *социологик сўровнома, эксперт сўровнома, қурилиш индустрияси, бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми, бошқариш стратегияси, стратегик режалаштириш, инвестицияларни жалб этиш.*

**Аннотация.** *В этой статье даны предложения и практические советы по вопросам разработки стратегии развития организационно-экономического механизма управления строительной индустрии в регионах, в частности, в низовьях Амударьи, по результатам анкетно-социологического опроса.*

**Ключевые слова:** *социологический опросник, экспертный опросник, строительная индустрия, организационно-экономический механизм управления, управленческая стратегия, стратегическое планирование, привлечение инвестиций.*

**Abstract.** *In this article, suggestions and practical advices were given on the issues of devising strategies of development of the organizational and economic mechanism of managing the construction industry in the regions, in particular, in the Lower Amudarya region, based on the results of a questionnaire-sociological survey.*

**Key words:** *sociological questionnaire, expert questionnaire, construction industry, organizational and economic mechanism of management, management strategy, strategic planning, investment attraction.*

Жамият ҳаёти шунчалик мураккабки, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг ўзаро алоқадорликларини ва табиатларини математик моделлар орқали тўлалигича акс эттириш жуда қийин. Соф миқдорий таҳлил олиб бориш учун жуда мураккаб бўлган вазиятларда эксперт усулларга, яъни турли хилдаги муаммоли вазиятларни ечишда мутахассислар тажрибасига мурожаат қилиш зарурияти пайдо бўлади [3].

Эксперт сўровлар усулининг кенг қўлланила бошлаши ўтган асрнинг 70 йилларига тўғри келади, сабаби айнан ўша даврларда экстраполяциялаш ва моделлаштириш усулларининг чегараланганлиги маълум бўлди. Фақатгина биргина математик моделлар ўз-ўзидан прогнозлаштиришнинг талаб этиладиган, асосан узоқ муддатли ишончлилигини таъминлай олмайди. Мураккаб ижтимоий жараёнлардаги моделлаштиришлар имкониятлари бир мунча чегараланганлиги маълум бўлди. Натижада турли усуллар бирикиши, шу жумладан экспертлар сўровномалари йўли орқали комплекс ижтимоий башоратлашнинг зарурлиги аниқланди.

Социологик тадқиқотларда эксперт баҳолаш усуллари "алоҳида категорияларни операциялаштириш, муаммоларни, мақсадларни, объектларни, процедуралар ва техникаларини, тадқиқотлар мезонларини, социологик ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаш воситаси сифатида аниқлаш учун" қўлланилиши мумкин [4:179-180]. Баъзи бир муаллифлар "ижтимоий ҳодисларни ўрганишда эксперт баҳолашлар миқдорийдан сифатий таҳлилга ўтишга имкон беради" деб ҳисоблашади [6].

Эксперт усули маълум бир даражада объективликни, кўп қирраликни, комплекслилик ва қабул қилинаётган қарорларнинг мақбуллигини таъминлаши мумкин. Бугунги кунда ушбу усул етарли даражада ишлаб чиқилган ҳолда ўзимизда ва хорижда илмий ва бошқарув муаммоларини ҳал этиш ишончлилигини ошириш воситаси сифатида қўлланилмоқда. Эксперт баҳолаш усуллари мутахассисларнинг умумий амалий хулосаларга келишишида зарурий ва етарли даражадаги фикрларини тўплашга йўналтирилган қатор жараёнларни ўз ичига олади [2].

Амалий социологик тадқиқотларда қандайдир бир ҳодисани баҳолашда муаммони келтириб чиқарувчи объектни ажратиш ва уни ахборот манбаси сифатида фойдаланиш мураккаб бўлган ёки умуман иложи йўқ вазият келиб чиқиши мумкин. Бундай вазиятлар кўпинча у ёки бошқа ижтимоий ҳодисалар, вазиятлардаги ўзгаришларни прогнозлаштиришга уриниш билан боғлиқ.

Социологияда эксперт баҳолаш усули деганда "экспертлардан сўраш йўли орқали социологик ахборотларни олиш усули"ни тушуниш қабул қилинган [4:420]. Эксперт баҳолаш ўзида "социологик ахборотни эксперт сўровнома ўтказиш йўли ва эксперт баҳолаш натижаси орқали олиш усули"ни намоён этиб, тўртта компонентдан иборат [5:357-359]:

-субъект (баъзи бир объектга баҳолашни ифодалаш йўли орқали қадриятни қайд этувчи, алоҳида шахс ёки шахслар гуруҳи (экспертлар));

-предмет (объектлар, таққосланадиган қадриятлар);

-характер (баҳолашлар мутлақ – "ёмон", "яхши", "яхшилик", "ёвузлик" ва ҳ.к.ларга ва нисбий, объектлар ўзаро бир-бири билан таққосланади ёки маълум бир шаклда – "энг зўр", "жуда ёмон", "тенг хилда" ва ҳ.к.лар);

-асос (субъектнинг позицияси ёки маълум бир устуворликка тусланадиган далил-исботлар).

Экспертлардан олинадиган ахборотларнинг аниқлигига ва ишончлилигига таъсир этадиган қатор (ички ва ташқи) омилллар мавжуд

Ахборотларни йиғишнинг мазкур усули ишончли фикрлар асосида назарий ҳолатларни ва тадқиқотнинг амалий тавсияларини асослаш учун бир мунча мақсадга йўналтирилган далилларни жалб қилишга имкон беради.

Эксперт сўровноманинг бошқа сўровнома турлари билан таққослагандаги асосий фарқи, бу сўраладиган (эксперт) тадқиқот объекти эмас, ўз навбатида тадқиқот иштирокчиси ҳисобланади. Социологни биринчи навбатда маълум бир экспертнинг ушбу фикрлар ва баҳолашларнинг шаклланишига таъсир этган омиллар эмас, балки эксперт маълум қиладиган далиллар ва баҳолар қизиқтиради.

Эксперт сўровномани ўтказиш методикаси оммавий сўровнома ўтказишдан сезиларли даражада фарқ этади. Оммавий сўровномалар қоидага кўра аноним ҳисобланади. Эксперт

сўровномада анонимлик бўлмасдан эксперт у муаммони ечиш учун таклиф этилган ҳолда тадқиқотнинг вазифалари тўғрисида тўлалигича хабардор бўлиши лозим.

Шундай қилиб, эксперт сўровнома – бу респондентлар сифатида фаолият юритишнинг маълум бир соҳасидаги мутахассислар иштирок этадиган сўровноманинг туридир.

Ижтимоий ҳаётда махсус билимлар сони ва аҳамияти доимий равишда ортиб бораётган бир вақтда экспертларни сўраш усули янада кўпроқ тарқалиб бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳаётнинг барча ҳолатларига мос келадиган социологик тадқиқотнинг ягона схемаси мавжуд эмас. Тадқиқот турини танлаш қўйилган мақсад ва вазифалар тавсифи билан аниқланади.

Ҳозирги даврда минтақавий сиёсат масалалари глобаллашув муаммолари соҳасида янгича ёритилишга эга бўлиш билан кўплаб мунозараларнинг таркибий қисми бўлиб қолди. Бундан ташқари бугунги кунда республикамиз раҳбарияти томонидан ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Натижада республикамизда "Қисқа давр мобайнида мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида аҳоли учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, шунингдек,ислоҳотларни амалга оширишда фуқароларнинг бунёдкорлик салоҳиятини руёбга чиқаришга қаратилган қатор муҳим давлат ва ҳудудий дастурлар, қонун ҳужжатлари қабул қилинди" [1].

Бугунги кунда минтақавий ва тармоқ иқтисодиёти ва уни бошқариш муаммоси ҳам халқаро, ҳам мамлакат миқёсида муҳокама қилинмоқда. Тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқиб биз иқтисодиётнинг локомотив тармоқларидан бири бўлган қурилиш индустриясини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ривожлантириш муаммоларини Ўзбекистон Республикасининг таркибий қисми бўлган Қуйи Амударё минтақаси (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) мисолида кўриб чиқдик.

Иқтисодийислоҳотларни янада чуқурлаштириш шароитида ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг у ёки бу стратегиясини танлаш, ҳудудни бошқариш лойиҳаларининг у ёки бу дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўп ҳолларда давлатнинг иқтисодий сиёсати ҳолати, унинг мақсадлари ва манфаатларига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ҳудудий устувор йўналишларини белгилаш ва бу масалалар бўйича қарор қабул қилиш инфратузилмаси, унинг бутун давлатнинг иқтисодий устувор йўналишларига ва ҳудуд манфаатлари билан нисбати таъсири остида бўлади.

Иқтисодий ҳудудлар хўжалигини, хусусан қурилиш индустриясини комплекс ривожлантириш ва самарали ишлаб чиқариш ихтисослашувининг муаммоси улар иқтисодий ривожланишининг ҳудудлараро ва ҳудудлар ичидаги иқтисодий алоқаларнинг ўзаро самарали уйғунлашуви билан тенглаштирилишига боғлиқ бўлади. Илмий-назарий хусусиятдаги мунозарага чуқур кирмаслик учун амалий лойиҳада ўрганилаётган муаммонинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Бу мақсадларда далилий ёндашув ва объективлик сифатида, шунингдек, бозор муносабатларида тармоқ иқтисодиётини бошқариш механизмини такомиллаштиришни ўрганиш мақсадида қурилиш индустриясини бошқаришнинг илмий-ташкилий усулларини келгусида такомиллаштиришнинг аниқ йўлларини белгилаш учун социологик эксперт сўрови дастаги ишлаб чиқилди. Анкета (сўровнома) турли соҳаларда фаолият юритувчи, лекин у ёки бу даражада ўрганилаётган муаммонинг илмий ва амалий масалаларини ечиш билан боғлиқ бўлган экспертлар фикрини аниқлашни ҳисобга олувчи 16 та таҳлилий саволлардан тузилиб, улар ўз ичига 96 та альтернатив (муқобил) жавобларни, шунингдек, экспертларнинг ижтимоий-касбий хусусиятлари(жинси, ёши, маълумоти, эгаллаган лавозими)ни олган.

Эксперт сўрови билан Қорақалпоғистон, Хоразм ва Тошкент шаҳри ҳудудларидаги 120 дан респондентлар қамраб олинди. Анкеталар қайта ишланганидан сўнг танланган жамламага статистик ижтимоий ахборот нуқтаи-назаридан энг тўлиқ ва ишончли жавоб деб ҳисобланган 98 та экспертнинг фикрлари киритилди. Бундан ташқари, экспертларга

қурилиш индустриясини бошқаришнинг у ёки бу муаммосига ўз нуқтаи-назарларини бера оладиган очиқ тусдаги бир қатор саволлар ҳам берилди. Шу билан бир қаторда қурилиш индустриясини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини бўш қаторда баён қилиш имкони ҳам берилди. Ушбу маълумотлар сўралганларнинг бутун массиви билан бирга компьютерда қайта ишланди.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон, Хоразм ва Тошкент шаҳрида қурилиш индустриясини бошқаришнинг мавжуд бўлган инфратузилмасини ва тармоқнинг иқтисодий муаммолари бўйича қабул қилинаётган қарорлар самарадорлигининг назоратини баҳолаш учун (2015 августида қисман) 2017 йили август, сентябр ойларида экспертларнинг ижтимоий сўрови ўтказилди. Бутун экспертлар гуруҳида турли давлат ташкилотларининг вакиллари бўлган 98 та киши жамланиб, улардан – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида турлича мулк шакллари бўйича фаолият юритаётган қурилиш индустрияси ташкилотлари(корхоналар, фирмалар, МЧЖ )нинг турли лавозимда ишлаётган ходимлари: иш юритувчи – 1 фоиз, бошқарувчилар – 19 фоиз, бошқарувчи ўринбосарлари – 3 фоиз, менежерлар – 4 фоиз, бош бухгалтерлар – 5 фоиз, бухгалтерлар – 12 фоиз, директорлар – 45 фоиз, бош муҳандис – 1 фоиз, директор ўринбосарлари – 2 фоиз, шунингдек ОЎЮларининг раҳбар-олимлари, қурилиш менежменти ва иқтисодиёти кафедраларининг ходимлари – 9 фоизни ташкил этди.

Эксперт сўровининг натижалари қуйидагилар ҳақида маълумот беради.

Минтақада қурилиш индустриясини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича тадбирларни экспертлар қуйидагича баҳоладилар:

*1-жадвал*

| **Минтақада қурилиш индустриясини ривожлантириш соҳасида амалга ошираётган чора-тадбирларни қандай баҳолайсиз?** | **N=98 жавоб берганлар сонига нисбатан, фоизда** |
|---|---|
| Жуда самарали деб ҳисоблашади | 35 |
| Камроқ самарали деб ҳисоблашади | 34 |
| Самарасиз деб ҳисоблашади | 19 |
| Жавоб беришга қийналишди | 7 |

Сўровноманинг келтирилган маълумотларидан кўринадики, тадбирларни: “самарали” деб – 35 фоиз, “камроқ даражада самарали” деб – 34 фоиз, “самарасиз” деб – 19 фоиз экспертлар ҳисобладилар. Ва экспертларнинг ичидан 7 фоизи жавоб беришга иккиландилар.

Шунингдек, “қандай омиллар қурилиш индустриясида бошқариш стратегиясини такомиллаштиришга кўпроқ таъсир қилади?” деган саволга экспертларнинг кўпчилиги маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги, нарх-наво ва тўлов сиёсатини бошқаришни, тармоқни ривожлантириш борасидаги, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни, қурилиш материалларини ишлаб чиқиш ва улар сифатини оширишнинг самарали механизми ҳамда техника технологияларни олиш манбалари ва қурилишни бошқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш лозим деб ҳисоблашишади (2-жадвалга қаранг).

*2-жадвал*

| **Қандай омиллар қурилиш индустриясида бошқариш стратегиясини такомиллаштиришга кўпроқ таъсир қилади (бир неча вариантларни кўрсатишингиз мумкин)** | **N=98 жавоб берганлар сонига нисбатан, фоизда** |
|---|---|
| тармоқни ривожлантириш борасидаги, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар | 40 |
| тармоқдаги инновация сиёсати | 17 |
| маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги, нарх-наво ва тўлов сиёсатини бошқариш | 43 |
| қурилишни бошқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш | 27 |
| хўжалик юритишнинг ташкилий шакллари | 13 |
| амортизация сиёсати | 9 |
| қурилиш материалларини ишлаб чиқиш ва улар сифатини оширишнинг самарали механизми | 36 |
| ички ва жаҳон бозоридаги коньюнктуранинг ўзгариши, инфляция жараёнлари | 14 |
| давлатнинг иқтисодий сиёсати | 9 |
| табиий, географик ва экологик вазият | 9 |
| инфратузилманинг ривожланиши | 13 |
| техника технологияларни олиш манбалари | 31 |

"Тармоқда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг қайси элементлари бир мунча самаралироқ фаолият кўрсатмоқда?" деган саволга қуйидаги жавоблар олинди (сўралганлар сони N = 98 га нисбатан, фоизда):

- ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этиш-19 фоиз;
- иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашуви, иқтисодий фаолият корперацияси ва хўжалик алоқалари – 19 фоиз;
- иқтисодий рағбатлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва суғурта масалалари – 33 фоиз;
- хўжалик юритишнинг замонавий тамойил, усул ва шакллари асосида ишлаб чиқариш жараёни ва меҳнат жамоасини бошқариш – 31 фоиз;
- маркетинг, башорат қилиш ва назорат – 6 фоиз;
- хўжалик ҳисоб-китобининг ресурс (аввало, моддий-техник ва молиявий ресурслар) таъминоти – 9 фоиз;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш – 8 фоиз;
- диверсификация сиёсатини кучайтириш – 6 фоиз.

Ушбу саволга экспертлар томонидан берилган энг кўп жавобларга иқтисодий рағбатлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва суғурта масалалари ҳамда хўжалик юритишнинг замонавий тамойил, усул ва шакллари асосида ишлаб чиқариш жараёни ва меҳнат жамоасини бошқаришни киритиш мумкин бўлса, энг кам белгиланган жавобларга дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда диверсификация сиёсатини кучайтиришни киритиш мумкин.




**2- расм.** Тармоқни комплекс ривожлантириш борасидаги бошқарув қарорлари қай тарзда ечилмоқда? (*Эксперт социологик сўровнома маълумотлари N = 98 бўйича*)

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ижобий баҳолар билан бирга ишларнинг натижалари бўйича танқидий баҳолар ҳам мавжуд.

Бу ерда экспертларнинг тармоқни комплекс ривожлантириш борасидаги бошқарув қарорларининг ечими тўғрисида 39 фоизи "етарлича самарали" деб ҳисоблашишган бўлишса, 28 фоизи "қабул қилинган қарорлар ечими қоғозларда қолиб кетмоқда", 26 фоизи "натижалар ҳозирча сезилмаяпти" деб ҳисоблашишган ва қолган 7 фоизи эса жавоб беришга қийналишган.




**3-расм.** Сизнингча қурилиш индустрияси корхоналарини инвестициялашнинг қайси манбаларидан фойдаланиш маъқул деб ҳисоблайсиз? (*Эксперт социологик сўровнома маълумотлари N = 98 бўйича*)

3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, “минтақалардаги қурилиш индустрияси корхоналарини инвестициялашнинг қайси манбаларидан фойдаланиш маъқул?” деган саволга экспертлар қуйидагича жавоб беришган: ўз маблағларидан – 10 фоиз; банк қарз маблағларидан – 18 фоиз; лизинг кредитидан – 5 фоиз; давлат бюджети маблағларидан – 35 фоиз; кредит уюшмалари маблағларидан – 25 фоиз; ва ниҳоят хорижий инвестициялардан – 19 фоиз. Бундан кўриниб турибдики, экспертларнинг кўпчилиги корхоналарни давлат бюджети маблағларидан ҳамда кредит уюшмалари маблағлари орқали инвестициялашни маъқул деб ҳисоблашади.

“Минтақада қурилиш индустрияси корхоналари фаолиятига инвестицияларни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланишга нималар тўсқинлик қилади?” деган сўровнома (4-расм) натижаларининг кўрсатишича, кўпгина экспертлар инвесторни жалб этиш учун жозибадор лойиҳаларнинг йўқлигидан ташвишдалар (32 фоиз), шунингдек, инвестиция олиш учун инвесторларнинг кредит фоизи, муддати ва бошқа шартларининг қониқтирилмаслиги – 26 фоиз, “инвестиция киритишда маҳаллий ҳокимият ва бошқа ташкилотлар томонидан тўсиқлар мавжуд” деб 16 фоиз ҳамда “инвесторларга қулай инвестицион муҳит яратилмаган” деб ҳисобловчилар 12 фоизни ташкил этади.

Маълумки, ҳар қандай ташкилотнинг самарали фаолият юритиши ундаги мавжуд асосий фондлар ҳолати ва улардан қай даражада самарали фойдаланишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ушбу нуқтаи назардан “Қурилиш индустрияси корхоналарида асосий фондлар самарадорлигини оширишга таъсир этувчи асосий омиллар” деган саволга экспертлар қуйидагича жавоб беришган (N=98 жавоб берганлар сонига нисбатан, фоизда):




**4-расм.** Минтақада қурилиш индустрияси корхоналари фаолиятига инвестицияларни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланишга нималар тўсқинлик қилади? (*Эксперт социологик сўровнома маълумотлари N = 98 бўйича*)

- қурилиш машина ва механизмлари, асбоб-ускуналар эҳтиёт қисмларининг сифатсизлиги, нархи юқорилиги ва етишмаслиги – 25 фоиз;

- юқори малакали муҳандис, ишчи-техник ходимларнинг етишмаслиги, мавжуд кадрлар малакасининг пастлиги – 31 фоиз;

техникаларни сақлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш жойларининг етишмаслиги, йўқлиги, мавжудлиги талаб даражасида эмаслиги – 21 фоиз;

- амортизация ажратмаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари ва улар меъёрларининг етарли даражада асосланмаганлиги – 26 фоиз;

- асосий фондлардан самарали фойдаланиш учун иш сменалари ташкил этилмаганлиги – 9 фоиз.

Сўровнома натижаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тармоқда юқори малакали муҳандис, ишчи-техник ходимларнинг етишмаслиги, мавжуд кадрлар малакасининг пастлиги, амортизация ажратмаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари ва улар меъёрларинг етарли даражада асосланмаганлиги ҳамда қурилиш машина ва механизмлари, асбоб-ускуналар эҳтиёт қисмларининг сифатсизлиги, нархи юқорилиги ва етишмаслиги масалаларининг муаммолигича қолаётганлиги экспертлар томонидан таъкидланди. Тармоқ иқтисодиётини бошқариш самарадорлигини ошириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган захиралар мавжуд.

Қурилиш индустрияси корхоналари хўжалик юритиш фаолияти самарадорлигини оширишда инвестицияларни жалб этиш ўта муҳим вазифалардан ҳисобланади. Мазкур муаммони аниқлаш мақсадларида қуйидаги саволлар шакллантирилди:

*3-жадвал*

| Тармоқ корхоналари фаолиятига инвестицияни жалб қилишда қайси мақсадни кўзлаган маъқул ва қайсилари ўта муҳим? | N=98 жавоб берганлар сонига нисбатан, фоизда |
|---|---|
| қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун инвестициялар зарурлиги | 8 |
| қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тизимини технологик ва моддий-техник жиҳатдан янгилаш | 24 |
| қурилиш материаллари сифатини ошириш ва замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун инвестициялар олиш | 37 |
| қурилиш материаллари турларини кўпайтириш ва янги хизмат турларини ташкил этиш | 27 |
| кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга сарф-харажатлар | 11 |
| тармоқучун ажратилаётган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг етишмаслиги | 6 |

Келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, экспертлар минтақавий – тармоқ муаммоларни амалга ошириш ва ечишнинг кўп омилли хусусиятга эгалиги ҳақида ягона фикрдалар.

Шу билан бирга экспертлар қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун инвестициялар олиш (37 фоизи) зарурлигини таъкидлашсалар, ундан кейинги ўринда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тизимини технологик ва моддий-техник жиҳатдан янгилаш ҳамда қурилиш материаллари турларини кўпайтириш ва янги хизмат турларини ташкил этиш (27 фоизи) лозим деган фикрдалар. Кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга сарф-харажатлар ва тармоқ учун ажратилаётган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг етишмаслиги муаммолари мавжуд деб 17 фоизи ҳисоблашган.

"Қуйи Амударё минтақасида" қурилиш индустрияси корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини оширишга нималар тўсқинлик қилади?" деган саволга экспертлар қуйидагича жавоб беришди:

- шахсий манбалар – фойда ва амортизация ажратмалари кам ҳамда етишмайди – 12 фоиз;

- қурилиш харажатлари билан фойдаланадиган моддий-техника ресурслари баҳолари ўртасида тафовут – 33 фоиз;

- моддий-техник базанинг юқори даражада эскирганлиги ва мавжуд қарздорлик – 21 фоиз;
- кадрлар салоҳиятининг пастлиги – 26 фоиз;
- жавоб беришга қийналаман – 12 фоиз;
- сизнингча тармоқ салоҳиятини ошириш учун яна нималарга эътибор қаратиш керак? – 8 фоиз.

Юқорида келтирилган жавоблардан тармоқда қурилиш харажатлари билан фойдаланадиган моддий-техника ресурслари баҳолари ўртасида тафовут (33 фоизи) мавжудлиги, моддий-техник базанинг юқори даражада эскирганлиги ва мавжуд қарздорлик(21 фоизи)нинг юқорилиги ҳамда кадрлар салоҳиятининг пастлиги (26 фоизи) каби муаммоларга экспертларни кўпчилиги ўз эътиборларини қаратишганликларини кўришимиз мумкин. Шунингдек, экспертларнинг 8 фоизи тармоқ салоҳиятини ошириш борасида ўз фикрларини билдиришган.

Қуйи Амударё минтақасининг охирги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шу ҳақда маълумот берадики, минтақа ривожланишининг инновацион ва инвестицион дастурлари, бозор иқтисодиётининг инфратузилмасини яхшиланиши сезиларли даражада ишлаб чиқаришнинг, табиий ресурслардан фойдаланишнинг, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда самарадорликни оширишнинг мавжуд захираларидан оқилона фойдаланишда намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга эксперт сўровининг бориши давомида келажакда қурилиш индустриясини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш муаммоларининг ечими боғлиқ бўлган масалалар доирасини белгилаш мақсади қўйилди. Бу ҳақда *4-жадвал* маълумотлари гувоҳлик беради.

*4-жадвал*

| Сизнингча келажакда қурилиш индустриясини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш учун нималарни амалга ошириш лозим? | N=98 жавоб берганлар сонига нисбатан, фоизда |
|---|---|
| қурилиш индустрияси тизимини модернизациялаш. | 40 |
| тармоққа киритиладиган инвестициялар ҳажмини ошириш | 25 |
| замонавий бошқарув усулларини жорий этиш | 20 |
| бошқарув стратегиясини тўғри танлаш | 22 |
| маркетинг стратегиясини тўғри танлаш | 18 |
| бошқасини кўрсатинг | 2 |

Берилган жавоблардан кўринаяптики, қурилиш индустрияси тизимини модернизациялаш, тармоққа киритиладиган инвестициялар ҳажмини ошириш, замонавий бошқарув усулларини жорий этиш, бошқарув стратегиясини тўғри танлаш масалалари мазкур минтақа учун энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бу шундан далолат берадики, минтақада қурилиш индустриясини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш муаммосига айрим минтақа ва тармоқ даражасидаги раҳбарлар, мутахассислар томонидан етарлича баҳо берилмаяпти. Қурилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқилган бизнес режалар бозор ўзгаришларига тўлиқ жавоб бермайди натижада баъзи бир тармоқ корхоналарининг молиявий аҳволи қониқарли эмас.

"Сизнингча тармоқда ислоҳотларни жадаллаштириш даражаси ва бозор муносабатларининг жорий қилинишига кўпроқ таъсир этади?" деган саволга экспертнингларнинг фикри қуйидагича:

- маъмурий-буйруқбозлик ва бюрократик тўсиқлар – 19 фоизи;
- шартнома муносабатларининг тўла бажармаслиги – 27 фоизи;
- қурилиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва давлат буюртмасининг рағбатлантиришга тўсқинлик қилиши – 29;
- бозор инфратузилмасининг паст даражада ривожланганлиги – 15 фоиз;
- бошқарув ва маркетинг тадқиқотлари паст даражадалиги – 15 фоиз;

Шунингдек, “горизонтал интеграцияни кучайтириш учун қандай ташкилий ишларни амалга ошириш лозим?” деган пункт бўйича 9 фоиз респондентлар ўз фикрларини билдиришган.

“Минтақада қурилиш индустриясини бошқариш самарадорлигини оширишда сизнингча биринчи навбатда нималарга эътибор қаратиш лозим?” деган саволга экспертлар қуйидагича жавоб беришган:

- хорижий ва хусусий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш – 27 фоиз;
- бошқариш усулларини рационаллаштириш, сифат менежментини жорий этиш – 25 фоиз ;
- илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш – 26 фоиз;
- инновацияларни жорий этишни жадаллаштириш – 10 фоиз;
- ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш – 5 фоиз;
- замонавий техникаларни маълум муддатга (чоракка, бир йилга ва ҳ.к.) ижарага олиш – 6 фоиз;
- асосий фондлардан самарали фойдаланиш мақсадида тармоқ корхоналари билан интеграцион ва кооперацион алоқаларни йўлга қўйиш – 15 фоиз;
- инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш – 17 фоиз;
- “бошқасини кўрсатинг” деган саволга 4 фоиз респондентлар ўз фикрларини билдиришган.

Мазкур саволга экспертлар томонидан берилган жавоблар таҳлилининг кўрсатишича, минтақада қурилиш индустриясини бошқариш самарадорлигини оширишда хорижий ва хусусий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш(27 фоиз)га, илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш(26 фоиз)га ва бошқариш усулларини рационаллаштириш, сифат менежментини жорий этиш (25 фоиз) масалаларига эътибор қаратилиши лозим.

“Тармоқ корхоналарида маркетинг хизматини ташкил этиш даражаси қандай ҳолатда?” деган саволга экспертларнинг 55 фоизи “ўртача”, 32 фоизи “юқори”, 8 фоизи “жуда юқори” ва 5 фоизи “паст” деб ҳисоблашганликларини кўришимиз мумкин (5-расм).




**5-расм.** Тармоқ корхоналарида маркетинг хизматини ташкил этиш даражаси қандай ҳолатда. (*Эксперт социологик сўровнома маълумотлари N = 98 бўйича*)

“Минтақада қурилиш индустрияси тармоғи корхоналарида бошқарув фаолиятини стратегик режалаштириш сифати қай тарзда амалга оширилмоқда?” деган масала борасида экспертларнинг 82 фоизи ижобий фикрда (“жуда юқори даражада” – 41 фоизи, “ўртача даражада” – 41 фоизи) экспертлар фикр билдиришган бўлишса, “жуда юқори даражада” деб 10 фоизи ва ниҳоят 8 фоизи “паст даражада” деб ҳисоблашган. Бундан хулоса чиқарадиган бўлсак, экспертларнинг аксарият қисми минтақада фаолият юритаётган қурилиш тармоғи корхоналарида бошқарув фаолиятининг келажакни кўзлаб иш олиб бориладётганлигига ишонишади (6-расм).




**6-расм.** Сизнингча минтақада қурилиш индустрияси тармоғи корхоналарида бошқарув фаолиятини стратегик режалаштириш сифати қай тарзда амалга оширилмоқда. (*Эксперт социологик сўровнома маълумотлари N = 98 бўйича*)

Тармоқда мавжуд ресурс ва технологик имкониятлардан фойдаланиш даражаси борасида экспертлар фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг атиги 10 фоизининг фикри "жуда юқори", 28 фоизи "юқори даражада" деб ҳисоблашади, уларнинг тенг ярмидан кўпроғи яъни, 55 фоизи "ўртача даражада" ва 7 фоизи "паст даражада" деган фикрда (7-расм).




**7-расм.** Сизнингча тармоқда мавжуд ресурс ва технологик имкониятлардан фойдаланиш даражаси. (*Эксперт социологик сўровнома маълумотлари N = 98 бўйича*)

Анкета саволномамизнинг охирги таҳлилий саволи бўлган "Қурилиш индустрияси корхоналарида стратегик менежмент тизимининг қайси элементлари бир мунча самаралироқ фаолият кўрсатмоқда?" деган саволга респондентлар қуйидагича жавоб беришган:

- стратегик таҳлил – 28 фоиз;
- ташкилот миссияни аниқлаш – 14 фоиз;
- ташкилот мақсадларини белгилаш – 19 фоиз;
- асосий мақсадни танлаш – 15 фоиз;
- ташкилотнинг стратегик концепциясини танлаш – 8 фоиз;
- стратегик режалаштириш – 11 фоиз;
- стратегияни амалга ошириш ва стратегик контроллинг – 12 фоиз.

Юқоридаги жавоблар таҳлилининг кўрсатишича, энг кўп белгиланган жавоблар стратегик таҳлил – 28 фоиз, ташкилот мақсадларини белгилаш – 19 фоиз ва энг кам белгиланган жавоблар стратегик режалаштириш ва ташкилотнинг стратегик концепциясини танлаш – 8 фоизни ташкил этган.

Табиийки, бизнинг амалий лойиҳамизда фикримизча, халқаро менежментнинг сўнгги ютуқлари асосида қурилиш индустрияси бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишнинг реал шароитларига кўпроқ мос келувчи жиҳатларигина кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Бозор муносабатлари шароитида минтақада қурилиш индустриясини бошқариш муаммоларини ечишга сезиларли таъсир кўрсатадиган инновацион ва инвестицион ривожланиш дастурлари асосида устувор йўналишларни танлаш шароитида барқарор ривожланишини тўлароқ таҳлил қилиш истиқбол хусусиятига эга бўлган кейинги тадқиқотларимизнинг мақсадидир.

Шу билан бирга минтақада қурилиш индустриясини бошқариш механизмини тўлароқ таҳлил қилиш учун эксперт сўрови йўли билан умуман қурилиш индустриясида бошқариш стратегиясини такомиллаштириш учун экспертлардан нималарни таклиф этишлари сўралди ва бу ўз навбатида қурилиш индустриясини ва умуман минтақа иқтисодиётини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш учун экспертларнинг таклифларини шакллантириши имконияти кўзда тутилди.

Экспертларнинг бу таклифларини биз муаллифлик таҳриридаги тадқиқот матнида уларнинг айримларини тўлиқ ҳажмда юзага чиқаришни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик, чунки улар етарлича ўйланган, далилланган ва асосланган бўлиб, шунинг натижасида амалий аҳамиятга ҳам эга бўлиб қуйидагилардан иборат:

- минтақада халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- тендер савдоларининг ҳаққоний ўтказилишига эришиш лозим;
- тармоқда юқори малакали кадрлар сифатини оширишга эътиборни қаратиш зарур;
- қурилиш корхоналари ва фирмаларининг иш сифатини ошириш бунда иш ва хизмат кўрсатиш сифатини ва ҳажмини доимий ошириб бориш;
- қурилиш индустриясида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш ва кадрлар сифатини оширишга асосий эътиборни қаратиш;
- қурилиш ишлари муддатларини қисқартириш ва вақтдан самарали фойдаланишга эришиш зарур;
- тармоқда кадрлар сифатини яхшилаш, кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;
- қурилиш ишлари сифатини ва кадрлар малакасини ошириш;
- чет эл инвестицияларини жалб этиш, минтақада ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари сифатини жаҳон бозори даражасига етказиш ва тармоқда малакали кадрларни тайёрлаш ва бошқарувни такомиллаштириш;
- бошқарув стратегиясини тўғри танлаш, юқори сифатли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун замонавий техника ва технологияларни харид қилиш;
- қурилиш индустриясида бошқарув ва маркетинг тадқиқотларини олиб боришни кучайтириш;
- минтақавий хусусиятларнинг барча ўзига хосликларини ҳисобга олган тарзда минтақавий товар бозорларининг шаклланиши, ривожланиши ва фаолият юритиши учун бир мунча қулай режимларни яратиш;
- қурилиш соҳасида маркетинг хизматларини ривожлантириш, қурилиш материалларининг сифатини ошириш, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- тармоқда қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи хорижий корхоналар фаолият юритишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш (уларнинг тажрибаларини ўрганиш), хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва ҳ.к.лар.

Шундай қилиб, ўтказилган социологик тадқиқотимиз натижаларининг кўрсатишича ва юқорида экспертлар томонидан берилган таклиф ва тавсиялар борасида хулосалар чиқарадиган бўлсак, экспертларни минтақада қурилиш индустрияси тармоғида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини, ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотларининг сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда инвестицияларни жалб этиш масалаларига асосий эътиборларини қаратганликларини кўришимиз мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3182-сон Қарори. 2017 йил 8 август. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 802-модда 32(792)-сон.
2. Ельмеев В.Я., Овсянников В.Г. Прикладная социология. Экспертный метод в прикладной социологии. Особенности применения экспертного опроса. http://society.polbu.ru/elmeev_sociology/ch32_i.html
3. Липатова О.М. Анализ экспертных оценок с применением непараметрических методов http://www.sociologos.ru/upload/File/Lipatova.pdf
4. Социологический энциклопедический словарь / Ред.-координатор Г.В.Осипов Москва: Изд-во НОРМА (изд. Группа НОРМА – Инфра.). 2000.
5. Социологическая энциклопедия / Под общ. ред. А.Н.Данилова. Минск: Беларуская энцыклапедыя. 2003.
6. Экспертные оценки в социологических исследованиях / Отв. ред. С.Б. Крымский. Киев: Наукова думка. 1990.

Салаев С.К., Олланазаров Б.Д. (Урганч давлат университети)

## МИНТАҚАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ ВА ДАСТУРЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ – АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

**Аннотация.** *Ушбу мақолада Хоразм вилоятида инвестиция сиёсати ва давлат инвестиция дастурларининг амалга оширилиши ҳамда уларнинг аҳоли турмуш фаровонлигига таъсири масалалари таҳлил қилиб чиқилади.*

**Калит сўзлар:** *инвестиция, инвестиция дастури, инвестиция сиёсати, аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий соҳа.*

**Аннотация.** *В данной статье анализируется вопросы инвестиционной политики и реализации государственных инвестиционных программ в Харезмской области, а также их влияние на благосостояние населения.*

**Ключевые слова:** *инвестиция, инвестиционная программа, инвестиционная политика, качество жизни населения, социальная сфера.*

**Abstract.** *In this paper, issues of investment policy and implementation of state investment programs in Khorezm region and their impact on the well-being of the population were analyzed.*

**Key words:** *investment, investment program, investment policy, life quality of population, social sphere.*

Барчамизга маълумки, бугунги кунда жонажон ватанимизнинг қайси минтақаси ёки гўшасига бормайлик, яратувчанлик ва улкан бунёдкорлик ишлари, барча соҳа ва тармоқларнинг, минтақа ва ҳудудларнинг шиддат билан ривожланаётганлигига гувоҳ бўламиз. Албатта, буларнинг барчасининг замирида, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган "Бозор муносабатларига ўтишнинг Ислом Каримов модели, яъни "Ўзбек модели" асосида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор суръатлар билан ривожланаётганлиги, юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, осойишталик ҳукм сураётганлиги,

ишбилармон ва тадбиркор халқимизнинг фидокорона меҳнатлари, ҳукуматимиз томонидан амалга оширлаётган одилона ижимоий-иқтисодий сиёсат ётади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўта қисқа муддат ичида шахсий ташаббуслари асосида қабул қилинган бир қатор дастурлар [1-7] ва уларнинг амалга оширилиши натижасида миллий иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларнинг шиддат билан ривожланиши, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиб бориши кузатилмоқда.

Хоразм вилоятида кейинги йилларда инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодиётга татбиқ этилаётгани ва бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятда инвестицияларни йўналтириш ва жалб қилишда биронта соҳа ёки тармоқ ҳам четда қолмаётганлиги, яъни минтақанинг инвестициявий дастурида барча ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва объектлари, айниқса, оддий аҳоли, халқ манфаатларининг инобатга олинганлиги эътиборга молик.

Биз мазкур мақола доирасида қабул қилинган инвестиция дастурлари ва Хоразм вилоятида амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг 2017 йилнинг биринчи чорагидаги айрим натижаларини таҳлил қилиб ўтамиз.

Хоразм вилоятида 2017 йилнинг биринчи чорагида жами 260,5 миллиард сўмлик капитал маблағлари ўзлаштирилиб, 2016 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 111,2 % ни ташкил қилди. Жумладан, 2017 йилнинг шу даврида ишлаб чиқариш соҳасида 103,7 миллиард сўмлик, шундан саноат соҳасида 37,4 миллиард сўм, қишлоқ хўжалиги соҳасида 8,5 миллиард сўм, транспорт ва алоқа соҳасида 27,0 миллиард сўм ва бошқа соҳаларда 30,8 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Вилоятнинг ноишлаб чиқариш соҳасида 156,8 миллиард сўмлик инвестициялар, хусусан, уй-жой қурилиши соҳасида 100,3 миллиард сўм, коммунал соҳада 4,9 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш соҳасида 3,8 миллиард сўм, таълим соҳасида 2,5 миллиард сўм ва бошқа соҳаларда 45,3 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг 4,8 фоизини бюджет, 30,9 фоизини корхона ва маҳаллий бюджет маблағлари, 50,9 фоизини аҳоли маблағи, 7,0 фоизини банк кредитлари, 3,8 фоизини чет эл инвестиция ва кредитлари ҳамда 2,6 фоизини бюджетдан ташқари маблағлар ташкил этади.

Таҳлил қилинаётган даврда вилоят бўйича хорижий инвестициялар ва кредитлар 10,0 миллиард сўмни ташкил қилиб, шундан ҳукумат кафолати билан бериладиган кредитлар 8,2 миллиард сўмни, тўғридан-тўғри инвестициялар 1,8 миллиард сўмни ташкил қилди.

Вилоятда 2017 йилнинг биринчи чорагида 173,2 минг кв.м. уй-жой *(йиллик режага нисбатан 19,4 %)*, 4,3 км газ тармоқлари *(йиллик режага нисбатан 14,6 %)*, 11,3 км сув тармоқлари *(йиллик режага нисбатан 7,4 %)* фойдаланишга топширилди. Шунингдек, пудрат ташкилотлари томонидан ўз кучлари билан 282,7 миллиард сўмлик иш бажарилди ва бунинг 3,8 фоизи давлат қурилиш-монтаж ташкилотлари, 96,2 фоизи нодавлат ташкилотлари томонидан бажарилди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 108,7 % ни ташкил қилди.

Энди агар Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2697 сонли қарори билан тасдиқланган 2017 йилга мўлжалланган инвестиция дастури бўйича амалга оширилган ишларга тўхталадиган бўлсак, 2017 йилда вилоятда инвестиция дастурига киритилган ижтимоий соҳа объектлар сони жами 130 тани ташкил қилгани ҳолда 103 тасининг ёки 79,2 фоизининг буюртмачи ташкилоти вилоят ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси (ЯБХИК), 27 таси ёки 20,8 фоизи "Қишлоққурилишинвест" инжиниринг компаниясининг объектлари ҳисобланади.

2017 йил Хоразм вилоятининг инвестиция дастурига асосан вилоят ҳокимлигининг ЯБХИК буюртмаси асосида жами 103 та объектда 119 миллиард сўмлик қурилиш ишлари, жумладан, 34 та мактаб *(21 реконструкция, 13 мукаммал таъмирлаш)*, 1 та коллежни мукаммал таъмирлаш, 1 та мусиқа ва санъат мактаби қурилиши, 19 та мактабгача таълим муассасаси *(1 та янги, 4 та реконструкция, 14 та мукаммал таъмирлаш)*, 7 та соғлиқни сақлаш муассасасининг реконструкцияси, 9 та дренаж, 29 та ичимлик суви, 3 та бошқа

объектларда қурилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб бугунги кунга келиб 103 та объектдан 59 тасида тендер савдолари ўтказилиб, бош пудратчилар аниқланган ҳамда уларга 30 фоиз бўнак пуллар ажратилиб, қурилиш монтаж ишлари бошлаб юборилган.

Аҳоли пунктларини ичимлик сув билан таъминлаш тўғрисида манзилли рўйхатларга мувофиқ 2017 йилда вилоятда жами 54 та сув таъминоти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган.

Қарорга асосан вилоятда 2017 йилда жами 9 та йирик саноат *(шундан, 4 та янги ва 5 таси реконструкция)* лойиҳаларини амалга ошириш натижасида 20,0 миллион доллар инвестиция *(шундан 8,8 миллион доллар ўз маблағи, 5,0 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда 6,2 миллион доллар тижорат банклар маблағлари*) киритиш, хусусан мазкур объектларнинг 2 тасини жорий йилда ишга тушириш белгиланган. Жумладан:

1. "Алоқа виста" базасида 2017-2018 йиллар мобайнида 3,0 миллион доллар, шундан 2017 йилда 2,0 миллион доллар маблағлари жалб қилиш эвазига йилига 500 дона электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш белгиланган.

2. 2017-2018 йилларда 1,0 миллион доллар, шундан 2017 йилда 0,5 миллион доллар маблағлари жалб қилиш эвазига йилига 5 минг дона маиший электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш белгиланган.

3. Хазорасп туманидаги "Туямуйин" гидроэлектр станциясида эскирган ускуналарни янгисига алмаштириш йўли билан модернизация қилиш учун 2016-2019 йиллар мобайнида ўз маблағлари ҳисобидан жами 8,7 миллион доллар, шундан 2017 йилда 2,06 миллион доллар киритилиши белгиланган.

Бугунги кунда 2016 йил 27 октябрдаги X – Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида "Xazorasp Texnouskuna" МЧЖ билан 2 та ва "Energota'mir MTICH"АЖ билан 1 та янги ускуналар сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланиб, 0,3 миллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилган.

4. МЧЖ шаклидаги "Textile Finance Horezm" КК негизида йилик қуввати 10,0 минг.тн. зич ип-калава, 70,0 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича 2017-2018 йиллар мобайнида жами 60,0 миллион доллар хусусан, 2017 йилда 7,5 миллион доллар *(шундан 0,5 миллион доллар ўз маблағи, 5,0 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда 2,0 миллион доллар тижорат банклар маблағлари*) киритилиши белгиланган.

Бугунги кунда Шовот туманида "Ўзбекенгилсаноат" АЖ билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил қилиш бўйича хужжатлар расмийлаштирилмоқда ва қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

5. Ҳазорасп туманида "Hazorasp Textil" маъсулияти чекланган жамият негизида йилига 4,0 минг тонна ип-калава ва 5,0 миллион $м^2$ тайёр мато ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 2015-2019 йиллар мобайнида жами 14,0 миллион доллар, хусусан 2017 йилда 6,0 миллион доллар *(шундан 1,0 миллион доллар ўз маблағи ва 5,0 миллион доллар тижорат банклар маблағлари*) киритиш белгиланган.

Шунингдек, "Rieter Uzbekistan" МЧЖ ХК билан 4,0 миллиард сўмга *(9 та пахта тараш ва 9 та пилталаш)* ва "Rieter Machine Works Ltd" *(Швейцария)* компанияси билан ускуналарни сотиб олиш бўйича шартнома тузилган ва бир қисми олиб келинган ҳамда пудратчи ташкилот томонидан объектда 3 миллиард сўмлик ишлар бажарилган.

6. Бугунги кунда республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлаш ва совутиш тизимлари бўйича вилоятимиз юқори ўринларни эгаллагани ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида (*6 та лойиҳа*) йилига 1,3 минг тонна мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича 2017-2018 йиллар мобайнида жами 1,1 миллион доллар *(шундан 0,4 миллион доллар ўз маблағлари ва 0,7 миллион доллар тижорат банклар маблағлари*) киритиш белгиланган.

7. "Урганч ёғ" АЖ да жорий йилда 0,4 миллион доллар жалб этиш эвазига замонавий асбоб-ускуналарни ўрнатиш орқали ишлаб чиқариш жараёнини янада модернизация қилиш, 2017 йилда 390 минг долларлик инвестиция киритилиши эвазига корхонада ПЭТ идишларга ёғ маҳсулотини қадоқлаш линиясини ишга тушириш, шунингдек, Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарилган қиймати 484 миллион сўмга ўт ўчириш машинасини сотиб олиш режалаштирилган бўлиб, кичик асбоб-ускуналар сотиб олиш орқали 156,6 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

8. Янгибозор туманида "Янгибозор пахта тозалаш" ОАЖ ни жорий йилда тўлиқ модернизация қилиш учун жами 0,7 миллион доллар ўзлаштирилиши ва бунинг натижасида толани пресловчи UZMDY-500 ва момиқни пресловчи UZMDY-400 гидропресларни сотиб олиш учун "SINOCOT TASHKENT COTTON EQUIPMENT" Ўзбекистон–Хитой қўшма корхонаси билан шартнома имзоланган ва бинони таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

9. Худди шунингдек, "Магнит Гранд Фарм" МЧЖ да йилик қуввати 5,0 миллион дона дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича 2017-2018 йиллар мобайнида жами 2,3 миллион доллар хусусан, 2017 йилда 1,7 миллион доллар *(шундан 0,2 миллион доллар ўз маблағи, ҳамда 1,5 миллион доллар тижорат банклар маблағлари*) киритилиши белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги 2016 йил 21-октябрдаги ПҚ-2639 сонли қарорининг ижросини таъминлаш бўйича ҳам қатор ишлар бажарилмоқда. Жумладан, қарорга асосан 2017 йилда вилоятнинг 10 та тумани 18 та қишлоқ массивларида 957 та уй-жойлар *(4 хил типда 17 та (272 та хонадон) 2 қаватли 4 подьезли 2 ва 3 хонали 16 хонадонли уйлар, 2 сотих майдон ҳажмда 3 хонали 185 та уйлар, 4 сотих майдон ҳажмда 200 та 2 кávатли 4 хонали бирлаштирилган уйлар ҳамда 6 сотих майдон ҳажмда 300 та амалдаги лойиҳалар бўйича 1 қаватли 4 ва 5 хонали уй-жойлар)* қурилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги № 05-05/1-2 сонли йиғилиш баёни асосида 2017 йилда қурилиши режалаштиралаётган уй-жойлардан кам таъминланган оилалар учун Кўшкўпир тумани маркази "Чаманзор" маҳалласи Ш.Рашидов кўчасида 42 та уй-жойлар яъни 2 та 2 қаватли 4 подъезли 2 ва 3 хонали 16 хонадонли уйлар (32 та хонадон учун) ва 2 сотих майдон ҳажмда 10 та 1 қаватли 3 хонали уй-жойлар фойдаланишга топширилган. Қолган 915 та уй-жойлар бўйича тендер савдолари тўлиқ ўтказилиб пудратчи ташкилотлар билан 139,5 миллиард сўмлик шартномалар тузилган ва пудратчи ташкилотлар томонидан 28,8 млрд. сўмлик (20 %) қурилиш монтаж ишлари бажарилиб пудратчи ташкилотларга 21,5 миллиард сўм (15 %) миқдорида пул маблағлари ўтказиб берилган ва барча массивларда қурилиш ишлари бошланиб, умумий тайёргарлик даражаси 22,6 % ни ташкил қилади.

Бундан ташқари, Бош лойиҳага асосан 2017 йилда вилоят бўйича қурилиши белгиланган 957 та уй-жойга қўшимча равишда жами 221 та Шовот тумани Ўзбекистон қишлоғи "Оқ кўл" маҳалласида 1 қаватли 3 хонали 0,02 га. ер майдонли 77 та, Бўйрачи қишлоғи "Остона" маҳалласида 1 қаватли 3 хонали 0,02 га. ер майдонли 30 та, Хонқа тумани Мадир қишлоғи "Дўстлик-2" массивида 1 қаватли 3 хонали 0,02 га. ер майдонли 59 та, Урганч тумани Ғойбу қишлоғи "Туркманлар" маҳалласида бузилишга тушган турар жойлар ўрнига 2 қаватли 4 хонали 0,04 га. ер майдонли 40 та, 1 қаватли 4 хонали 0,04 га. ер майдонли 15 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилмоқда.

Ушбу уй-жойларни қуриб битказиш учун вилоятимизнинг салоҳиятли пудрат ташкилотлари таклиф қилинди ва қўшимча қурилиши режалаштирилган барча уй-жойларда қурилиш монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2693 сонли қарорига асосан 2017 йилда 79 та маҳаллий ҳокимият органлари ва худудий давлат органлари раҳбарлари учун 79 та хизмат уй-жойлари қурилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда Урганч шаҳридан ва туман марказларидан хизмат уйлари қурилиши учун ер

майдонларини ажратилиб, 15 та пудрат ташкилотлари танлаб олиниб, 4,4 млрд сўмлик (29 %) қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Бугунги кунгача пудратчи ташкилотларга 2,5 миллиард сўм (15 %) миқдорида пул маблағлари ўтказиб берилган ва барча массивларда қурилиш ишлари олиб борилмоқда, ҳозирда ер, фундамент, ғишт териш ишлари ва плита бостириш ишлари 100 % бажарилиб том ишлари олиб борилмоқда, уй-жойларнинг умумий тайёргарлик даражаси қарийб 55 % ни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги ПҚ-2661-сонли "2017-2021 йилларда паст кучланиш тармоқларни модернизация ва янгилаш ҳисобига республика шаҳар ва қишлоқ аҳолисини электр энергиясидан фойдаланишини яхшилаш Дастури" қарори доирасида 2017-2021 йилларда 34 023 км. электр узатиш тармоғи ва 6931 дона трансформатор пунктларини янгилаш ва реконструкция қилиш натижасида республикамиздаги 2300 та маҳаллада яшовчи 2,5 миллиондан ортиқ истеъмолчининг электр энергияси таъминоти яхшиланади, электр энергиясини узатиш ва тақсимлашда йўқотишларни камайтириш режалаштирилган.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 сентябрдаги ПҚ-2592 сонли "2016-2020 йилларда чарм-пойафзал саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595 сонли "2016-2020 йилларда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615 сонли "2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ-2650-сонли "2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660 сонли "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687 сонли "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги "2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-2731 сонли Қарори.

## ТАРИХ ФАНЛАРИ

УДК 39(575.1)009

Юлдуз Рахманова (Урганч давлат университети)

# МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН

**Аннотация.** *Мазкур мақолада мустақиллик йилларида ўзбек олимлари томонидан турли фан соҳалари кесимида хотин-қизлар ҳаёти ўрганилган тадқиқотлар хусусида сўз юритилади. Ўрта Осиёда аёллар масаласи, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга тортилиши, аёллар мақомининг ошиб бориши тарихшунослиги таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *Аёллар масаласи тарихшунослиги, ислом ва аёл мавзуси, аёл мавқеи, фалсафий, социологик тадқиқотлар, қорақалпоқ аёллари.*

**Аннотация.** *В данной статье говорится об особенностях исследований, проведённых узбекскими учёными по изучению жизнедеятельности женщин в рамках различных сфер науки в годы независимости. Проанализировано историоведение по проблемам женщин, их социально-политической деятельности, статуса женщин.*

**Ключевые слова:** *История по проблемам женщин, тема ислама и женщин, положение женщин, философские, социологические исследования, каракалпакские женщины.*

**Abstract.** *This article deals with the peculiarities of the research conducted by Uzbek scientists on studying the life of women in various spheres during the years of independence. The historiography of the issues of women in Central Asia, their activities in socio-economic life and growth of women's status are analyzed.*

**Key words:** *History of the issues of women, the subject of islam and women, status of women, philosophical and sociological researches, Karakalpak women.*

Ўзбекистонда аёллар масаласининг ўзига хос хусусиятлари ва уни ҳал этиш йўлларини ўрганишда хуқуқий асослар билан биргаликда унинг тарихи ва тарихшунослигини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида хотин-қизлар масаласини ўрганишда тарих фанлари тизимида қатор илмий изланишлар амалга оширилди.

Ўрта Осиёда аёллар масаласи ва замонавий муаммолари ечими ўрганилишига профессор Д.Алимова катта ҳисса қўшди. Олиманинг илмий изланишлари асосида яратилган тадқиқотлари аёллар масаласи тарихига ойдинлик киритиши билан муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқотлар Ўрта Осиё аёлларининг озодликка чиқарилиши, аёллар меҳнати, аёлларнинг маданий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга тортилиши, тоталитар тузум шароитида аёллар меҳнати, "хотин-қизларнинг ижтимоий мақомларини ўзгариб бориши" каби масалаларни миллий истиқлол мафкураси асосида тарихшунослик нуқтаи-назаридан илк бора ёритиб берганлиги билан илмий-амалий аҳамиятга эга [1:133].

Марказий Осиё аёлларининг ҳаёти билан қизиқувчи француз олимлари тадқиқотлари асосида яратилган Г.Эргашхўжаеванинг тадқиқотларида 50-80 йиллар адабиётида Ўрта Осиё хотин-қизлари эмансипацияси жараёнининг асосий йўналишлари, концепциялари, аёлларни ҳуқуқий ва маиший жиҳатдан озодликка чиқариш усуллари, характери ва моҳиятининг ёритилиш даражаси таҳлил этилган [2].

Қ.Нишонованинг тадқиқотида XX асрнинг 20-30 йиллари оралиғида жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, мафкуравий сиёсат контекстида маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳамда большевистик-коммунистик яккаҳокимлик шароитида Ўзбекистонда хотин-қизларни озодликка чиқариш масаласи очиб берилган. Тадқиқотда хоразмлик М.Султонмуродованинг ҳаёт фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган [3].

Д.Ражабованинг тадқиқотларида Туркистон жадидларининг ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича дунёқараши ва фаолияти яхлит ёритиб берилган [4]. З.Раупова, Д.Собирова, В.Мухамеджанова, Н.Жўраеваларнинг диссертацияларида Ўзбекистон аёлларининг мамлакат аграр ҳаётида тутган ўрни, тоталитар тузумнинг хотин-қизларга нисбатан олиб борган сиёсатининг асл моҳияти тарихий жиҳатдан ўрганилиб, даврий нашрларни илмий муомалага киритиш асосида 1925-1932 йиллардаги “Ҳужум” ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг моҳияти, совет даврида хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этишдаги муаммолар мустақиллик мафкураси асосида ёритиб берилган [5,6,7,8]. Лекин мазкур тадқиқотлар материалларида Хоразм воҳаси аёллари ҳаётини ёритувчи материаллар жуда кам. Я.Абдуллаева ва З.Каллибековаларнинг тадқиқотларида уч сиёсий давр – Россия империяси мустамлакаси даври, совет тузуми даври, шунингдек, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги вақтни умумлаштирган ҳолда, Қорақалпоғистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи архив ҳужжатлари асосида комплекс ёритиб берилган. Қорақалпоғистон аёлларининг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазаси, жамият ҳаётидаги ролини ошириш масалалари таҳлил қилинган [9,10].

Ўзбекистон аёллари ҳаётининг айрим жиҳатлари тарихчи этнолог олимларнинг тадқиқотларида ҳам кенг ёритилган. Хусусан тарих фанлари доктори, проф. А.А.Ашировнинг тадқиқотларида Ўрта Осиё халқларининг исломгача бўлган анъаналари ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёл мавқеи тадқиқ қилиниши муҳим аҳамият касб этади [11,12,13].

З.Расулова, Г.Зуннуноваларнинг изланишларида аёллар ҳаётининг айрим жиҳатлари, хусусан оила-никоҳ муносабатларида аёл кишининг мавқеи масалалари этнографик аспектда ёритилган [14,15,16,17]. Тарихчи олималардан проф. Г.Агзамова, проф. Д.Зияеваларнинг тадқиқотларида хонликлар даврида Ўрта Осиё аёлларининг жамият равнақига қўшган ҳиссаси, Ўзбекистон тарихида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни кўрсатиб берилган [18,19].

Д.Кенжаев, С.Шадмановаларнинг илмий ишларида Туркистон аёлларининг мавқеи, аёлларнинг маълумот даражаси хусусидаги жадид зиёлиларининг фикрлари кўрсатиб берилган [20,21]. Мустақиллик даврида хотин-қизлар масаласи ва амалиётини тарихий тараққиёт билан узвий боғлиқ равишда комплекс ўрганилганлиги билан Г.Ғаниеванинг тадқиқотлари муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга [22,23,24].

Аёллар мавзуси юридик, фалсафий, социологик, педагогик, психологик, иқтисодий фанлар тизимида ҳам ўрганилди. Хусусан С.Сафаева, О.Нишонова, М.Каримова, Ф.Абдураҳимова, Т.Эгамбердиева, О.Шамиева, Н.Салаева, Г.Ядгарова ва бошқа тадқиқотчиларнинг изланишларида турли аспектларда изланишлар олиб борилган.

Юқорида кўрсатилган тадқиқотлар Ўзбекистон аёлларининг ҳаётини у ёки бу соҳалар нуқтаи назаридан ўрганган. Маълум тарихий даврда аёлларнинг анъанавий кундалик турмуш тарзи трансформацияси, оилавий, жамоавий маросимларни ўтказишда аёлларнинг ўрни ва ролини кўрсатиб бериш муҳим илмий муаммолардан ҳисобланади. Ўзбек аёлларининг кундалик ҳаётини этнологик жиҳатдан тадқиқ қилиш миллатимиз аёлларининг ўзига хос портретини тўлиқ ёритиб бериш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. Алимова Д. Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. Тошкент: “Фан”. 1991.
2. Эргашхўжаева Г. 20-йиллар Ўрта Осиё хотин-қизлар эмансипацияси масалалари француз тарихшунослиги талқинида (50-80 йиллар адабиётлари асосида). Тарих фанлари номз. ... дисс. Тошкент. 1996. 135 варақ.
3. Нишонова Қ. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20-30 йиллар). Тажриба ва оқибатлар. Тарих фанлари номз. ... дисс. Тошкент. 1998. 182 варақ.

4. Ражабова Д. Туркистон жадидларининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масалалари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари номз. ... дисс. Тошкент. 2003. 148 варақ.
5. Раупова З. Участие женщын Узбекистана в развитии сельско-хозяйственного производства в 30-е годы: Дис. ... канд. истор. наук. Ташкент. 1993.
6. Собирова Д. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40-80 йиллари). Тарих фанлари номз. ... дисс. – Тошкент. 2009.
7. Мухамеджанова В. Периодическая печать 20-30х годов о раскрепощении женщын Узбекистане. Дис. ... канд. истор. наук. Ташкент. 1994.
8. Жўраева Н. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20-30 йиллари). Тарих фанлари номз. ... дисс. Тошкент. 2009. 172 варақ.
9. Абдуллаева Я. XIX асрнинг охири – XX асрда Қорақалпоғистонда хотин-қизлар масаласи (ижтимоий-сиёсий аспект). Тарих фанлари докт. ... дисс. Тошкент. 2005. 377 варақ.
10. Каллибекова З. Место и роль женщын в современном развитии Каракалпакистана (1991-2004 гг.). Дис. ... канд. истор. наук. Нукус. 2006.
11. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2007. 275 б.
12. Аширов А. Анъанавий никоҳ тўйи маросимларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар (Фарғона водийси никоҳ тўйи мисолида) // O‘zbekiston tarixi. 2003. № 2. 38-45 Б.
13. Аширов А. Ўрта Осиё халқларининг исломгача бўлган анъаналари ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёл мавқеи // Ўзбекистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (илмий-амалий конференция маърузалари). Тошкент. 2005. 24-29 Б.
14. Расулова З. Тошкент шаҳри ўзбекларининг оила-никоҳ муносабатлари (XX аср охири – XXI аср бошлари). Тарих фанлари номз. ... дисс. Тошкент. 2009. 172 варақ.
15. Расулова З. Ўзбекларнинг никоҳ тўйигача бўлган маросимлари (қалин бериш мисолида). Тошкент. 2009. 140 б.
16. Зуннунова Г. Стратегии выбора брачного партнера (на материалах махалля г. Ташкента) // Общественное мнение. Права человека. 2009. № 2. С.119-126.
17. Зуннунова Г. Отражение гендерных взаимоотношений в жилом пространстве узбеков // Общественное мнение. Права человека.2009. № 3. С.141-146.
18. Агзамова Г. Ўрта Осиё хонликлари: аёллар ва жамият тараққиёти. / Ўзбекистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (илмий-амалий конференция маърузалари). Тошкент. 2005. 30-36 Б.
19. Зияева Д. Ўзбекистон тарихида аёлларнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётда тутган ўрни / Ўзбекистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (илмий-амалий конференция маърузалари). Тошкент. 2005. 9-15 Б.
20. Кежаев Д. Образование туркестанских женщин в воззрениях джадидов // Замонавий таълим ахборотномаси. 2007. № 30. Б.42-44;
21. Шадманова С. Туркистон хотин-қизларининг жамиятда тутган ўрни // Жамият ва бошқарув. 2006. № 2. 91-93 Б.
22. Ғаниева Г. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: янгича ёндошув, муаммо ва ечимлар (мустақиллик даври 1991-2005 йй.). Тарих фанлари номз. ... дисс. Тошкент. 2006. 162 варақ.
23. Гендерные исследования в Центральной Азии // Шарқшунослик. 2013. № 16. С. 131-136.
24. Ganieva G. Post soviet transformation of Uzbekistan: Gender perspectives // Journal of Himalayan and Central Asian studies. New Delhi, India. 2015. P. 223-238.

Садоқат Маткаримова (Урганч давлат университети)

# ХОРАЗМДА МАРОСИМИЙ ТАОМЛАР ВА УЛАРНИНГ ВОҲА АҲОЛИСИ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

**Аннотация.** *Ушбу мақоланинг асосий мақсади ўзбек миллий таомларининг Хоразм таомлари анъаналари билан алоқаларини ўрганиш ва уларнинг трансформация жараёнларини таҳлил қилишдан иборат.*

**Калит сўзлар:** *қадриятлар, анъана, урф-одат, Хоразм таомлари, маросим, таом билан боғлиқ ирим-сиримлар.*

**Аннотация.** *Основная цель этой статьи – изучение узбекских традиционных блюд, обычаев и традиций, связанных с блюдами Хорезма, трансформационного процесса в хорезмской традиционной кухне.*

**Ключевые слова:** *ценности, обычай, традиция, церемония, Хорезмские блюда, обычаи и традиции, связанные с блюдами.*

**Abstract.** *The main purpose of this article is to study the Uzbek traditional dishes, customs and traditions related with the dishes of Khorezm, and their transformation process in the Khorezmian traditional cuisine.*

**Key words:** *virtue, customs, traditions, ceremony, Khorezmian dishes, the superstitions related with the dishes.*

Таомни тўғри пишириш ва меёри билан истеъмол қилиш киши саломатлигининг гаровидир. Лаззатли таом кишининг меҳнат қобилиятини оширади, кайфиятини яхшилайди ва узоқ умр кўришга бир қадар ёрдам беради [1:3]. Мамлакатимизда сабзавот, гўшт, сут, хамирдан қилинадиган овқатлар ва хилма-хил мевалардан тайёрланадиган ширинликлар юқори колория бериши, чиройли кўриниши, хушбўй ҳиди ва ажойиб лаззати билан машҳурдир. Бундан ташқари ушбу таомларнинг шифобахш хоссаси ҳам мавжуд.

Мустақилликдан кейин мамлакатимизда миллий қадриятларга ва маънавий меросга давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай бир шароитда аҳолининг яхши овқатланишига, таомларни лаззатли қилиб тайёрлаш санъати бўлган пазандаликнинг ривож топишига кенг имкониятлар яратилмоқда. Ўзбек миллий таомлари, хусусан алоҳида тўхталмоқчи бўлганимиз Хоразм анъанавий таомлари бир неча юз йиллар мобайнида турли халқлар оилавий ва тақвимий маросимларининг муҳим қисмларидан бирига айланган. Натижада, маълум бир анъана ва урф-одат билан боғлиқ тарзда тайёрланадиган махсус маросим таомлари пайдо бўлган. Улар кундалик таомлардан фарқли равишда аста-секинлик билан бажарилаётган урф-одатнинг таркибий қисми – умумий овқатланиш ёки афсунгарлик ҳаракати объектига айланиб борган [2:161].

Маросимлар инсон ҳаёти давомийлигини таъминлаш, одамларни турли бало-қазолардан асраш, ҳосил унумдорлигини ошириш, чорвани кўпайтириш ва оилада тинчлик хотиржамликни таъминлашга қаратилган [3:111]. Шунинг учун маросимларда пишириладиган анъанавий таомларнинг таркиби ва уларнинг мазмуни ўтказилаётган маросимнинг асл моҳияти билан боғлиқ. Бундай таомларга қуйидагиларни киритиш мумкин: сумалак, сутбурунч, бўғирсоқ (ёки халқ уни “ис чиқариш” деб атайди), қатлама, патир, атала, буломиқ ва бошқалар шулар жумласидан.

Мазкур маросимларда тайёрланган таомларнинг тайёрланиши ва истеъмол қилиниши жараёнида асосан аёллар томонидан бажарилган. Шунингдек, маросимий равишда тайёрланган таомларни биргаликда истеъмол қилиш одамлар орасида дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик ва қариндошлик алоқалари жадаллашувига, айрим ҳолларда таомнинг ўзи дўстлик ёки қариндошлик ришталари шаклланишига сабаб бўлган. Ўрта Осиёда қадимдан миллий байрам – Наврўз анъанавий суратда нишонлаб келинган. Бу байрамда тайёрланган асосий таом бу сумалакдир [4]. Халқ орасида “сумалакнинг кучи келгуси Наврўзгача етади”, деган нақл бор. У дармон дори сифатида, янги фасл янги йил даракчиси сифатида пиширилган, уни “эски йилдан чиқдик, янги йилга етдик” деб, ният қилиб

тайёрлашган. Ривоятларга кўра қадимги Хоразм давлатининг пойтахти Қўйқирилганқалъа марказий майдонида Анахитанинг 6,5 метр баландликдаги ҳайкали бўлган. У диаметри 12 см келадиган биллур ушлаган қўлини марказий оташкада туйнуги устида шундай ҳолатда тутиб турганки, биллурга тушган қуёш нури фақат 21 март куни туйнук ичкарисида қалашиб турган қуруқ ўтинни ёндирган. Бу олов муқаддас ҳисобланиб, йил давомида ўчирилмаган. Кишилар шу кунни эзгулик, поклик олиб келувчи янги кун сифатида орзиқиб кутишган ва нишонлашган. Йил мобайнида ишлатилган оловдан охирги марта сумалак пиширишда фойдаланишган.

Хоразмда ер ҳайдалганда, уруғ сепилганда ота-боболаримиз Бобо Деҳқонга атаб мол сўйиб, қон чиқарганлар, садақа қилиб "дарвешона" маросимини ўтказганлар. Шунингдек, хирмон йиғиб олинганда, янчилганда ва биринчи нон еганда ҳам мол сўйиб "хирмон тўйи" маросими ўтказилган. Бу тўйда Хоразмда бўғирсоқ, палов, шўрва тайёрланган [5:241].

Халқимизда тўй маросимлари билан боғлиқ урф-одатлар анчагина бўлиб, аҳоли турмуш тарзини ўзида акс эттирган ва ўз навбатида, анъанавий таомлар маълум бир рамзий маънони ҳам англатган. Хоразмда фотиҳа тўйи учун куёв томон қатлама пиширган ва патир ёпган ва қариндош уруғини йиғиб келин томонга олиб борган. Бу фотиҳа тўйига хос удум бўлиб, шу куни катта ёшли кайвони момолар томонидан патир, қатлама ушатилиб, новвот синдирилиб, келган меҳмонланларга улашилган. Ҳаттоки, новвот синдирилганда новвот ушатаётган аёллар "ах-оха" деб икки-уч маротаба кулган, қолган аёллар ҳам овоз чиқариб кулишган ва бу маросим ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бу орқали ҳар иккала қуда томон келин-куёвнинг ҳаёти қувончга тўла бўлсин, қудачилик минг йилчилик бўлсин деб ният қилганлар.

Анъанавий никоҳ тўйларида таомлар маросимий аҳамият касб этибгина қолмай, қатор афсунгарлик вазифаларини ҳам бажарган. Жумладан, Хоразмда келин келгандан кейин, дастурхонга келинга атаб сутбурунч (ширгуруч) пиширилган ва ўртасига сарёғ солинган. Бундан мақсад "келинимизнинг тили юмшоқ, ўзи мулойим бўлсин", деб ният қилинган [6].

Хоразмда суннат тўйи муносабати билан боғлиқ маросимлардан бири, бола хатна қилинаётган пайтда бола оғриқ сезмасин ёки дастурхони тўкин, мойли бўлсин деган ниятда онаси бармоғини ёғга ботириб турган.

Эътиборли томонида шундаки, маросим таомлари кўпинча инсоннинг биологик эҳтиёжини қондириш мақсадида эмас, балки бало-қазолардан асровчи озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинган [7:196]. Хусусан, оилада бирор нохушлик ёки фалокат, беморлик бўлса, турмуш ўртоғининг иши юришмаса, бошига мушкулот тушган аёл эрталаб туриб "ис чиқарган", яъни бўғирсоқ тайёрлаб еттита қўшнига тарқатган. Баъзида эса, зиёратгоҳлардан бирига, қабристонга олиб борган ва муллага Қуръон тиловат қилдирган.

Хоразмда кишилар нон билан боғлиқ кўпгина ирим-сиримларни ҳам бажарадилар. Жумладан, ёш боланинг ёстиғи остига уни инс-жинслардан ҳимоя қилиш мақсадида нон қўйганлар. Кечқурун ёки узоқ йўлга кетаётган кишига ҳамиша унга "йўлдош, ҳамроҳ бўлсин", дея нон бериб юборилган... Ноннинг юзини ерга қаратиш, дунёни тескари айлантиришдек катта гуноҳ ҳисобланади [8:100].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Хоразм воҳаси аҳолиси ижтимоий ҳаётидан ўрин олган маросим таомлари хилма-хил бўлиб, у халқимизнинг асрлар давомида амал қилиб келган удумлари ва урф-одатлари билан чамбарчас боғланиб кетганлигини кўрамиз. Анъанавий маросим таомлари воҳа аҳолисининг бир неча минг йиллик тарихи давомидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий қиёфасини, бой маданий меросини, турмуш тарзини, диний эътиқодларини намоён этганлиги билан аҳамиятлидир. Хоразм аҳолисининг маросим таомларини тайёрлаш ва маросим ўтказиши бошқа вилоятлар, давлатлар ва халқларникига ўхшаб кетсада, бироқ ўзининг локал хусусиятларига эга бўлганлигини кузатиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Хоразм маросим таомларини ўрганишда маҳаллий аҳолининг турмуш тажрибасидан ўринли фойдаланиб, муқаддас ҳисобланган таомларнинг

келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни ўрганиш, ёшларни аждодларимиз анъанасига ва комил инсон бўлиб етишишига тарбиявий таъсирини кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Маҳмудов К. Ўзбек таомлари. Тошкент. 1960.
2. Листова Н.М. Пища в обрядах и обычаях // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. Москва. 1983.
3. Файзуллаева М.Х. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (Сурхон воҳаси мисолида). Тошкент: YANGI NASHR. 2010.
4. Исоқов Б.Р., Исакова Н.Б. Наврўз байрамининг маросимий таомлари // Ўзбек этнологиясининг долзарб муаммолари. Тошкент-Наманган. 2007. 205-211 Б.
5. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Москва: "Наука". 1969.
6. Дала ёзувлари. Хива тумани, Каптарчи маҳалласи. 2017 йил.
7. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент. 2007.
8. Жуманиёзова М., Абдуллаев Ў., Абдурасулов А., Абдримов Б. Хоразм анъанавий таомлари тарихидан. Тошкент: YANGI NASHR. 2015.

Хамдам Матяқубов (Урганч давлат университети)

## ХОРАЗМ ҚАДИМГИ ДУНЁСИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ, ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯ МУАММОЛАРИ

**Аннотация.** *Мақолада Қадимги Хоразм тарихининг ёзма манбалари, археологик маълумотлар ва географик муоммолари қараб чиқилади.*

**Калит сўзлар:** *Авесто, Е.Захау, В.Гейгер, В.Томашек, И.Маркварт, В.Тарн, С.П.Толстов, Геродот.*

**Аннотация.** *В статье рассмотрены письменные источники и археологические сведения, географические проблемы истории Древнего Хорезма.*

**Ключевые слова:** Авесто, Е.Захау, В.Гейгер, В.Томашек, И.Маркварт, В.Тарн, С.П.Толстов, Геродот.

**Abstract.** *The article deals with the written sources, archaeological data and geographical questions of the history of ancient Khorezm.*

**Key words:** *Avesta, E.Zakhou, V.Heyger, V.Tomashek, I.Markvart, V.Tarn, S.P.Tolstov, Herodotus.*

Қадимги Хоразм тарихини ўрганишда ёзма манбалар ва тарихий маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. XIX асрнинг иккинчи ярмидан улардан асосий манба сифатида фойдаланилган. Хусусан "Авесто", қадимги форс битиклари ва юнон тарихчилари асарларида қайд қилинган маълумотлар, ғарб тадқиқотчилари Э.Захау, В.Гейгер, В.Томашек, И.Маркварт, В.Тарн асарларида кўриб чиқилган [1,2,3,4,5,6]. Ёзма манбаларнинг камлиги XIX асрнинг 30-йилари охирларига қадар, Хоразм воҳаси қадимги тарихига оид турли долзарб масалаларни ҳал қилиш имконини бермасди, шунинг учун ҳам кейинчалик ёзма ва археологик маълумотларнинг қиёсий таҳлил қилиш зарурияти вужудга келди. XX аср 40-йиллари охирларига келиб, Хоразм археологик экспедицияси кашфиётлари натижасида топилган бой археологик материалларни тизимлаштириш, ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида долзарб тарихий муаммоларни кўриб чиқиш вазифаси муҳим аҳамият касб этди. С.П.Толстов мудофаа деворлар билан ўралган Кўзалиқирни "Видевдат"нинг иккинчи бобида қайд этиб ўтилган "вара" – тўртбурчакли истеҳком билан таққослаган. "Авесто" анъаналарига кўра, "вара" Йима (Жамшид) томонидан барпо этилган. Бу истеҳкомда турли ўсимликлар ўсиши, чорва, итлар, парранда ва одамларнинг яшаши учун олов ёқиш ва озиқ-овқат сақлаш имкониятлари яратилган. Ёзма манбада мазкур воқеа

қуйидагича ёритилади: “Йима варанинг тўрт томонида одамлар яшаш учун уй-жой бино қилди, чорва учун отар қурди. Ўша жойга у сув ўтказди, ўша ерда барча томонидан ёпиқ жойда, уй, тоқ, ҳовли қурди” [7:81].

С.П.Толстовнинг ёзишича, Қуйи Амударё ўнг ва сўл соҳил ерларида мил. авв. VII-V асрларда (тадқиқотчининг фикрига кўра, “қулдорлик жамият даври”) ўтроқ зироатчи аҳоли яшаган. Улар йирик сунъий суғориш иншоотлари – каналларни барпо этган [8:136,137]. Ушбу воҳа ерларини С.П.Толстов “Авесто” “Яшт” китобининг бешинчи бобида қайд этиб ўтилган “Қанғ”, “Қанғҳа” мамлакати ва Гекатей, Геродот асарлардаги тилга олинган “хорасмийлар” юрти билан қиёслаган [7:21-24]. Бунга қадар А.Херманн ва И.Марквартнинг нашрларида хорасмийлар Ўрта Осиёнинг жанубида жойлаштирилган [9:31-38; 5:9]. С.П.Толстов, Геродотнинг хорасмийларга тегишли Акес дарёси сувидан фойдаланилиши ҳақидаги хабарларни X аср араб географи ал-Мақдисий асарида келтирилган хоразмликларнинг келиб чиқиши тўғрисида афсона билан солиштирган. У қуйидагича: “... қадимий замонларда Шарқ подшоси, ўз мамлакати аъёнларидан 400 кишига ғазаб қилиб, уларни узоқ жойга сургун қилишни буюради. Узоқ вақт ўтгандан кейин, сургун қилинганларнинг қисмати нима бўлганини билиб келиш учун, ўша ерга ўз вакилларини жўнатибди. Улар бориб кўришса одамлар тирик, ўтин-чўпларга сероб кулбаларда эсон-омон яшаб, балиқ ови билан кун кечирар экан. Вакиллар ортга қайтиб, ҳукмдор хузурига етиб келганларида, подшо савол берибди: “Улар гўштни нима деб айтадилар? “Хвар”, - деб подшога жавоб беришибди. “Ўтинничи?”. “Улар ўтинни разм дейди”, - деб жавоб беришибди. Подшо буни эшитиб, шундай дебди: “Мен ўша жойни уларга топшириб, у ерга “Хваразм” деб ном бераман” [7:44]. Бу адабий анъана кўп асрлар мобайнида сақланиб, хатто XVII аср балхлик географ Маҳмуд ибн Валининг асарида қуйидаги вариантда ўз аксини топган: “Подшолардан бири, ўз душманларини эсон-омонлик ва ободончиликдан маҳрум бўлган узоқ юртга сургун қилишни буюрибди. Уларни шунақа жойга олиб боришибди. Ўша ерда икки нарса қувғиндиларнинг ҳаётий манбаига айланибди. Биринчиси – бу Жайҳундан овланган балиқ, иккинчиси эса – бута бўлиб, унинг пояларидан ёқилган оловда балиқ қовурилган. Бу халқ балиқни “хва”, бутани эса – “разм” деб аташган. Уларнинг ҳаёт манбаи бўлган икки нарсадан мамлакатнинг номи келиб чиққан экан. Баъзиларнинг айтишича, “хва”, “хвар”га мос келади. Хуллас, “Хварниён” – бу Хоразм, ўша пайтлардан мамлакат ана шу ном билан аталиб келади” [10:43,44]. “Хоразм” географик номи этимологияси, яъни мазмуни, форс-араб манбаларида – “Хваразм”, турлича талқин қилинади. X асрдан бошлаб, ўрта асрлар манбаларида халқ этимологиясига кўра, бу тушунча икки сўздан иборатдир: “хвар” – “гўшт”, “разм” – “ўтин” [11:99]. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, қадимги форс “Хуваразмиш” тушунчасидаги, унинг “зми” таркибий қисми, ўрта форс тилида “замин” – “ер” мазмунида, янги форс тилида “хвар” – “пастлик”, “қуйи” сифатида акс этишини инобатга олган ҳолда, Хоразм этимологияси “Пастлик, қуйи ерлар” мазмуни билан белгиланади, шунингдек, Хоразм макротопониминнг “унумли ер” тушунчасидан келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас [11:29].

С.П.Толстовнинг фикрига кўра, Геродот ва сўнгги юнон муаллифлари Хоразмнинг аҳолиси ҳудудий жойлашувидан аниқ тасаввурларга эга бўлмаганлар ва хоразмликларнинг Амударё бўйларида истиқомат қилганларини билмаганлар, ал-Мақдисийнинг афсонаси эса хоразмликларнинг ҳикояларига асосланган. Шу фикрлар билан бирга, тадқиқотчи, Геродот ва ал-Мақдисийнинг хабарлари умумий бирламчи манбадан келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас, деб хулоса чиқарган [7:44]. Археологик маълумотларга асосланиб, С.П.Толстов Геродотнинг Акес дарёсини Қуйи Амударё ва хорасмийларни массагетлар уюшмаси таркибига кирган қабила сифатида Хоразм воҳаси билан боғлаган. Бу борада, тадқиқотчи ўз қарашларини ривожлантириб, “Канғҳа – Хоразм даврида бу “унумли деҳқончилик орол” (В.Тарннинг номланишига кўра) зироатчилар – шаҳар маданияти воҳаси аҳоли, уни барча томонидан ўраб олган суворий кўчманчиларга дуч келган”, деб ёзади [7:225]. Кўчманчилар деганда, ёзма манбаларда тилга олинган, сакаваркалар, аугасийлар, дербиклар, аттасийлар

ва апасиаклар назарда тутилади. Улар массагетлар қабилалари иттифоқини ташкил этган. Шуни таъкидлаш жоизки, Страбоннинг асарида хорасмийлар массагетларнинг таркибий қисми сифатида ёритилган [12:XI,8,8]. Аммо, юнон тарихчисининг бу хабари Македониялик Александр юришларидан сўнг Ўрта Осиёда шаклланган тарихий географияга тўғри келади. С.П.Толстов, 1962 йилда чоп этилган монографиясида мазкур масалага "Қуйи Сирдарёдаги скиф қабилалари" деб номланган махсус қисмни бағишлаган. Тадқиқотчининг ёзиб беришича, Хоразм археологик экспедицияси тадқиқотлари натижасида, Қуйи Сирдарё ўзанлари бўйларида дастлаб қуйидаги кўчманчи қабилаларнинг ҳудудий жойлашуви аниқланган: апасиаклар – Жонидарё ҳавзасида, тохарлар ва аугасийлар – Қувандарё атрофларида, сакаваракалар – Инкардарё ҳавзасида [13:136]. Айнан, бу жойлардан илк сак қабилалари Жанубий Оролбўйи ҳудудларига кўчиб келганлар деб фараз қилинади. Қадим замонларда Шарқий Оролбўйидаги Қуйи Сирдарёнинг ўзанлари дашт текисларида ботқоқликлар, кичик кўллар ва улар атрофларида тўқайзорларнинг пайдо бўлишига имконият яратган. Б.И.Вайнберг томонидан яратилган Туроннинг этногеографиясига бағишланган асарда, ёзма манбалар ва археологик маълумотларнинг қиёсий таҳлили асосида турли муҳим муаммолар кўриб чиқилган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, Турон (Турон пасттекислиги) ҳудуди географлар томонидан ғарбда Каспий денгизидан Марказий Қозоғистонгача шарқда, дашт ерлардан шимолда Қорақум ва Қизилқумнинг жанубий чегараларигача белгиланган [14:3]. Демак, қайд этиб ўтилган ҳудудий чегараларни инобатга олган ҳолда, Турон таркибига Хоразм воҳаси ҳам киради. Аммо, Турон (Турон пасттекислиги) замонавий географик жиҳатдан қадимги Туроннинг тарихий географиясидан фарқ қилади. Б.И.Вайнбергнинг таъкидлашича, "Хоразм", Қуйи Амударё ҳудудларига тегишли тарихий-маданий вилоят тушунчаси сифатида Аҳамонийлар даврида пайдо бўлган, "Арёнам Вайжо" атамаси "Михр Яшт"да учрамайди, манбанинг матнида "Арёшайёна" – "орийлар мамлакати" тилга олинган, Ванхви Датъё (Датия) дарёси Арёнам Вайжо ва Арёшайёнанинг чегараси бўлган [14:205]. Тадқиқотчининг ёзишича, Арёнам Вайжо ҳудудини Ўрта Осиё шимоли-шарқида чорвадорлар яшаган даштлар билан қиёслаш лозим. Бу жойларда (Ўрта Сирдарё ҳавзаси ва дарёдан шарқда Қоратоғ ерлари) "тур қабилалари истиқомат қилганлар, шунинг учун Арёнам Вайжо ва Турон ҳудудий жиҳатдан бир-бирига мос келади. Билдирилган фикрларни асослаб бериш мақсадида, Б.И.Вайнберг, Арёнам Вайжо (Турон) ва Арёшайёна эроний қабилалар мамлакатлари чегарасини Датия (Амударё) билан боғлаб, "Шоҳнома"да Турон ва Эрон ҳудудий чегараларини Амударё орқали белгилаш анъанасига эътибор қаратади [14:205,206]. Фикримизча, юқорида келтирилган хулосалар баҳслидир. Арёшайёна ва Арёнам Вайжонинг географик чегаралари тўғрисида "Авесто"да аниқ далиллар йўқ. Археологик маълумотларга таянган ҳолда, рўёбга чиқарилган бу масала юзасидан турли хулосаларга келиш мумкин, аммо, мазкур муаммони тарихий жиҳатдан ҳал қилиш мушкулдир. Ўрта асрлар адабиётларида Эрон ва Турон ҳудудий чегаралари Амударё орқали белгиланади, лекин мавжуд маълумотлар ривоятлар ва афсоналарга асосланган. Ушбу мавзунинг ёритилишича, Эрон ва Турон чегараларини белгилаш мақсадида афсонавий мерган Ариш томонидан отилган ўқ кенг ўлкалар устидан парвоз қилиб, баъзи муаллифлар хабарларига кўра, Амударёгача етиб келади, бошқаларнинг айтишича, Тоҳаристон ва Фарғона водийси оралиғига ёки Амударё яқинидаги Гозбон номли жойга учиб келади [15:96]. Кўриниб турибдики, Амударё соҳиллари ҳамда дарё ортидаги ерлар Эрон ва Турон чегаралари сифатида ёритилган.

Б.И.Вайнберг, тур қабилалари Ўрта Осиё – Қозоғистон шимоли-шарқи минтақасининг айрим жойларида ёйилган бўлиб, ушбу ҳудудларда бошқа кўчманчи қабилалар ҳам яшаган, деб ёзади. Тадқиқотчининг фикрига кўра, Аҳамонийлар даврида Қуйи Сирдарё атрофларида дахлар ҳамда форс битикларида қайд этиб ўтилган "Суғд ортидаги саклар" яшаган, аммо, Арёнам Вайжо ўлкасида энг қадимги ва йирик қабилалар уюшмасига турлар асос солганлар. Шу воқеа ривоятлар ва тарихий анъаналарда ўз аксини топиб, ўрта асрлар адабиётларида "Арёнам Вайжо" тушунчаси "Турон" атамасига

алмаштирилган [14:206]. Бу жойда В.В.Бартольднинг хулосаси келтирилиб, олимнинг асарига иқтибос берилган [16:231]. “Шоҳнома”да Афросиёб (Франграсён) афсонавий Тур невараси сифатида ёритилган. “Яшт” китобида (“Замёд – Яшт” – “Хварно мадҳияси”), Франграсён, тиришқоқлик билан орийлар мамлакати подшоларининг ҳокимият белгиси “хварно” (“фарн”) учун курашганлиги тасвирланган. Б.И.Вайнберг бу даврни илк темир асри билан боғлаб (тадқиқотчининг айтишича, “афсонавий тарих” замони), “Ўрта Осиё – Қозоғистон минтақаси”нинг шимоли-шарқида тур қабилалари бошчилигида кўчманчи қабилаларнинг илк уюшмаси вужудга келиши тўғрисида масалани руёбга чиқаради [14:209]. Б.И.Вайнберг томонидан фикр – хулосаларни ривожлантириш жараёнида, айрим чалкашлик ва камчиликларга йўл қуйилганлиги сабабли, Арёнам Вайжо ва Турон масаласини қайта кўриб чиқишни лозим топдик. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Авесто”, қадимги форс ёзувлари, Гекатей, Геродот, Ктесий хабарларида, Македониялик Александр даври муаллифлари, сўнгги юнон тарихчилари ва географларнинг асарларида “Турон” географик номи, тушунчаси ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. “Видевдат”даги “орийлар мамлакатлари” рўйхатида Арёнам Вайжо биринчи навбатда тилга олиниб, Гава Суғда (Суғд), Моуру (Марғиёна), Баҳди (Бақтрия) ва бошқа мамлакатлар билан узвий боғланган, лекин унинг географик чегаралари тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Б.И.Вайнберг, “Авесто”да Арёнам Вайжо совуқ иқлимга эга юрт сифатида тавсиф қилинганлигини инобатга олиб, бу ўлкани Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг шимолий даштлари ва чўлларида жойлаштиради. Тадқиқотчининг айтишича, Арёнам Вайжонинг ҳудудлари Суғд билан чегарадош бўлган, аммо, И.М.Дьяконов сингари Б.И.Вайнберг Арёнам Вайжони Хоразм воҳасида жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас деб ёзади [14:204,205].

И.М.Дьяконов “Арёнам Вайжо” тушунчаси “Арёшайёна” сингари кенг мазмунга эга деб ҳисоблайди. Тадқиқотчининг фикрига кўра, дастлаб Арёшайёна, Шарқий Эрон вилоятлари бирлашмаси – “дахъюсасти” бўлиб, Дранғиёна, Саттагадия, Ария, Марғиёна, Ўрта Амударё оқими атрофларини ўз ичига олган, кейинчалик Арёшайёна Бақтрия подшолиги таркибига кирган [17:136,137]. И.М.Дьяконов “Авесто” да айтиб ўтилган “тура” кўчманчи қабилаларни Ўрта Осиё саклари билан солиштирган [17:143]. И.В.Пьянков томонидан эълон қилинган Арёнам Вайчах (Арёнам Вайжо) “Авесто дунёси” харитасидаги Ўрта Осиё қисмида Харайва (Герируд – Тажан дарёсининг ўрта оқими), Баҳди, Хапта Хенду (Вахш ҳавзаси), Моуру, Гава Суғда ва Қуйи Сирдарёдаги Қангҳа вилояти (Тагискен) жойлаштирилган, мазкур харитада Арёнам Вайжо Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг шимоли-шарқий ҳудудлари билан солиштирилмаган. Сўнгги йилларда А.А.Асқаров, С.П.Толстовнинг Хоразм ва Арёнам Вайжо (Арёнам Вайчах), Хоразм ва Қанғҳа мавзуларига оид илмий қарашларини қайта кўриб чиқиб, Арёнам Вайчах ҳудуди Евросиё даштларига тўғри келади, қадимги Хоразм унинг жанубий қисмини ташкил қилган, Қанғ эса Ўрта Сирдарё ҳавзасида жойлашган деб ҳисоблайди [18:76-84; 19:11-21]. Қадимги форс подшолари Кир II массагетларга ва Доро I сака – тиграхаудаларга қарши юришларининг йўналишларини таҳлил қилган тадқиқотчиларнинг асарларида, мазкур кўчманчи қабилаларнинг ҳудудий жойлашуви масаласига оид турли фикрлар билдирилган [20:231-251; 21:180-183; 22].

Хулоса қилиб, қуйидаги фикрларни билдириш мумкин. Ёзма ва археологик маълумотларнинг қиёсий таҳлили, асосан, тарихий география масалалари билан боғланди (Арёнам Вайжо ва Хоразм, Қанғҳа ва Хоразм, Арёнам Вайжо ва Турон, сак-массагет қабилаларнинг ҳудудий жойлашуви чегараларини аниқлаш). Бу борада Хоразм археологик экспедицияси ходимлари томонидан билдирилган фикрлар ва илмий қарашлар баҳсли ва етарли даражада асосланмаган бўлиб қолмоқда. Мавжуд илмий фаразлар доирасида ўтроқ Кўзалиқир маданияти вакилларининг Хоразм воҳаси этник жараёнлардаги ўрни, уларнинг сак-массагет қабилалари билан муносабатлари етарлича ўрганилмаган ва чоп этилган янги нашрлардаги Хоразм воҳасига оид айрим тарихий – географик хариталарида илк саклар ва кўзалиқирликлар умуман қайд этиб ўтилмаган. Фикримизча, илмий адабиётларда ёзма ва

археологик манбалар асосида, Кир II, Доро I нинг массагетларга ва саклар – тиграхаудаларга қарши юришларининг йўналишлари атрофлича таҳлил қилинган. Ёзма ва археологик маълумотларнинг қиёсланган ҳолда, қадимги Хоразм тарихига оид оила, жамоа муносабатлари, бошқарув тизими муаммолари етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ҳолат ушбу муаммоларнинг муҳим жиҳатларини кўриб чиқишни тақозо этади. Илк ёзма манбаларда Ўрта Осиё ўтроқ элатлари ва кўчманчи қабилаларнинг ҳудудий жойлашуви тўғрисида етарли даражада маълумотлар мавжуд эмас. Қадимги форс битикларида минтақанинг сатрапликлари рўйхати келтирилган, аммо уларнинг ҳудудий чегаралари кўрсатиб берилмаган. Гекатей, Геродот ва Ктесийнинг асарларида Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятларининг чегаралари ва тарихий географиясига оид маълумотлар жуда кам. Қадимги муаллифларнинг минтақа аҳолисининг жойлашуви ва ҳудудий чегаралари тўғрисидаги тасаввурлари умумий бўлган. Шунинг учун ҳам қадимги Хоразм воҳасида аҳолининг ҳудудий жойлашиши ва чегаралари масалаларини ёритишда археологик маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Sachau E. Zur Geschichte und Chronologie von Kvarism // Sitzungsberichte der philosophischen Classe der Kais. Wien, 1873.
2. Geiger W. Ostiranishe Kultur in Altertum. Erlangen. 1882.
3. Tomashek W. Chorasmia // Pauly's Real Encyclopaedie der Klassischen Altertumswissenschaft. Stuttgart. 1884. Bd.3.
4. Marquart 1. Eranšahr nach der Geograpie des Moses Xorenaci. Berlin. 1901.
5. Marquart 1. Wehrot und Arang: Untersuchungen zur mythishen und geschichtlichen. Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938.
6. Tarn W. The Greeks in Bactria and India. Cambridge. 1938.
7. Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва: МГУ. 1948.
8. Низовья Амударьи. Сарыкамыш. Узбой. История формирования и заселения // МХЭ. Вып.3. Москва. 1960.
9. Hermann A. Alte Geographie des unteren Okusgebiets. Berlin. 1914. S. 31-38.
10. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география) / Перевод Б.А. Ахмедова. Ташкент: "Фан". 1977.
11. Хромов А.Л. Хорезм в древнеиранских и среднеиранских письменных источниках // Хорезм и Мухаммад ал-Хорезми в мировой истории и культуре. Душанбе: "Дониш". 1983.
12. Страбон. География. В 17 книгах / Пер. Г.А.Стратановского. М.-Л.: "Наука". 1964.
13. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. Москва. 1962.
14. Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. VII в. до н.э. – VIII в. н.э. Москва: ИВЛ. 1999.
15. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент: "Ўқитувчи". 1996.
16. Бартольд В.В. Историко-географический обзор Ирана. Сочинения. Т. VII. Москва: «Наука». 1971.
17. Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира (к возможной новой постановке вопроса) // История иранского государства и культуры. Москва: «Наука». 1971.
18. Асқаров А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндошувлар. Тошкент. 2004. 76-84 Б.
19. Асқаров А. Новые подходы к изучению истории древнего Хорезма // O'zbekiston tarixi. Т., 2007. 4-son.
20. Струве В.В. Поход Дария I на саков-массагетов // Известия АН СССР. М., 1946. № 3.
21. Дандамаев М.А. Поход Дария против скифского племени тиграхауда // КСИА. М., 1963. Вып. 61.
22. Пьянков И.В. К вопросу о маршруте похода Кира II на массагетов // ВДИ. М., 1964. № 3.

Хайитбой Худайбергенов (Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали)

# XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Аннотация.** *Хоразм воҳасининг нафақат моддий ва маънавий маданияти узоқ асрларга бориб тақалади, балки унинг этник таркиби ҳам ранг-баранг ва ўзига хос аҳамият касб этади. У айниқса воҳада яшайдиган аҳолининг турар жойларида .манзилгоҳларида яққол намоён бўлади.*

**Калит сўзлар:** *Этник, анъанвий, кўчманчи, географик, Хоразм, ичон-қалъа, Дишан қалъа, ҳуармандчилик, савдо, хутор, долон.*

**Аннотация.** *Не только материальная и духовная культура Хорезмского оазиса восходит к векам, но и ее композиция красочна и уникальна. Это особенно заметно в жилых районах людей, живущих в оазисе.*

**Ключевые слова:** *этнические, древние кочевники, географические, Хорезмская, крепость ичон-кала, крепость ишон-кала.*

**Abstract.** *Not only the material and spiritual culture of the Khorezm oasis dates back to centuries, but also its composition is colorful and unique. It is particularly evident in residential areas of the people living in the oasis.*

**Key words:** *ethnic, ancient, omads, geographical, Khorezm, Ichon Fortress, Dishon Fortress.*

Хоразм воҳаси аҳолисининг моддий маданияти узоқ асрлар давомида ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва турмуш тарзида содир бўлган жараёнлар билан узвий боғлиқ равишда шаклланди. Худди аҳолининг этник таркиби каби унинг моддий-маданияти ҳам ранг-баранглик ва ўзига хослик касб этди. Айниқса XIX аср охири - XX аср бошларида воҳада юз берган этник, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар аҳоли яшайдиган манзилгоҳлар ва уй-жойларда янада яққолроқ намоён бўлди. Мазкур даврда воҳада яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи (туркман, қозоқ ва қорақалпоқ) аҳоли ўтроқлашув жараёнини бошидан кечирмоқда эди. Бу жараён ўз навбатида этно-маданий алоқаларни ривожлантириб, яшаш манзилгоҳлари ва уй-жойларда бир қадар ўхшашликни вужудга келтирди ва мураккаблаштирди.

Бизга маълумки, уй-жойларнинг қандай қурилиши ва тури фақат аҳолининг этник таркиби ёки жамиятда содир бўладиган ўзгаришлар билангина эмас, балки ўша минтақанинг табиий ва географик муҳити билан ҳам боғликдир. Ана шу боғлиқлик асосида яшаш манзилгоҳлари: тоғ ва чўл зоналари, тоғ олди туманлари ва воҳага хос турар-жойлар [1:18] каби турларга бўлинади.

Ўз-ўзидан маълумки Хоразмда яшаш манзилгоҳларининг воҳага хос турлари мавжуд. Бундай манзилгоҳлар шаҳар ва қишлоқлардан иборат.

а) Шаҳар манзилгоҳлари: воҳа шаҳарлари асосан суғориладиган ерларда, каналларнинг асосий қисмида, атрофи дарахтзор билан ўралган марказий йўл бўйларида жойлашганлиги билан характерланади. Хоразм дастлабки шаҳарлар ва шаҳар маданияти вужудга келган ўчоқлардан бири ҳисобланади. Шуни назарда тутиб С.П.Толстов ҳам “Хоразм – минг қалъа мамлакати” [2:77-128] деган эди. Шаҳарлар тарихида ривожланиш ва инқироз, вақтинчалик ёки узоқ вақт бўшаб қолиш даврлари ҳам бўлган. Ана шундай вайронагарчилик даврлари Хоразм шаҳарлари тарихида сўнгги маротаба XVIII-XIX аср бошларида содир бўлиб. Хива, Урганч, Хазорасп каби шаҳарлар ўзаро қабилавий урушлар натижасида бўшаб қолган эди. Биз тадқиқ қилаётган даврда эса шаҳарлар ҳаёти тикланган, эскилари кенгайтирилиб янгилари вужудга келтирилаётган эди.

XIX аср бошларида Янги Урганч, Хива, Хазорасп, Тошҳовуз, Нукус, Қўнғирот, Хўжаэли каби шаҳарлар қайта тикланган бўлса, XIX аср охирларида Петро-Александровск шаҳри янги қурилган эди. XX аср бошларигача Хоразм шаҳарлари ўзининг анъанавий қиёфасини сақлаб қолган. Бундай шаҳарларнинг атрофи қалин ва баланд деворлар билан

ўралган эди. Масалан Хива деворининг қалинлиги 2 м., узунлиги 7,6 кв. *км*ни ташкил этган. Шаҳарлар икки ёки ундан ортиқ қисмга бўлинган бўлиб, даҳа, қитъа, юрт, элат деб аталган. Масалан, Хива қалъасининг ўзи "ичон қалъа" (Хоннинг саройи жойлашган қисми) ва "дешон қалъа"дан иборат бўлган. Ҳар бир қисми ўз навбатида, деворлар билан ўралиб, бир неча кўча ёки маҳаллалардан (заргарлар кўчаси, косиблар маҳалласи ва ҳ. к) ташкил топган.

Шаҳар аҳолисининг кўпчилигида боғ ёки экин майдонлари бўлмаган. Аҳолининг асосий сув манбаи ариқлар, ҳовуз ва қудуқлардан иборат бўлган. Ҳовлиларда махсус сув қурилмалари "ер крант"лар бўлган.

Шаҳар аҳолисининг деярли ҳаммаси ҳунармандчилик, тўқувчилик, заргарлик, савдогарлик, косибчилик, нонвойлик билан шуғулланганлар. Шу даврларда Хазорасп, кўҳна Урганч, Чимбой шаҳарлари – меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш маркази бўлган бўлса, Хива, Хонқа, Янги Урганч шаҳарлари чарм ишлаб чиқаришда етакчи ўринда турган. Шунингдек, шаҳарлар асосан йирик савдо марказлари ҳам ҳисобланган.

Хоразмнинг туркманлар ва қорақалпоқлар яшайдиган шимолий ва шимоли-ғарбий қисмларида ҳам дашт ва чўллардан келган ярим кўчманчи аҳоли билан ўтроқ аҳоли ўртасида маҳсулот алмашлайдиган савдо марказлари вужудга кела бошлаган ва улар қалъа-шаҳар тусини ола бошлаган. Бу қалъа-шаҳарларда ва савдо марказларида асосан туркман гиламлари билан савдо қилинган [3:26]. Атрофи девор билан ўралган, кичик майдон ва кам аҳолига эга бўлган қалъа-шаҳарлар воҳада XX асрнинг 20 йилларигача сақланиб қолган. Шовот туманидаги Катқалъа, Гурлан туманидаги Вазирқалъа, Хазорасп шаҳридаги Хазораспқалъа шулар жумласидандир. Ахборотчиларимиз бу қалъаларда ҳафтада икки марта бозор бўлганлиги, Эрон ва Афғонистондан мол келтириб сотилганлигини шаҳар аҳолиси эса деҳқончилик билан шуғулланмаганлигини таъкидлайдилар. Ҳозир бу қалъаларнинг деворларигина сақланиб қолган холос. Аҳолиси эса сув етишмаслиги натижасида атрофдаги қишлоқларга кўчиб ўтганлар.

XX аср бошларида шаҳар манзилгоҳларининг қиёфаси ўзгара бошлади. Европа типидаги кўп қаватли уйлар вужудга келиб, шаҳарлар атрофини пахса деворлар билан ўраш ўз аҳамиятини йўқотди. Бу даврда гарчи Хоразм аграр минтақа бўлсада аҳоли сони кўпчиликни ташкил этган [4:47].

б) Қишлоқ манзилгоҳлари: Хоразм қишлоқ, манзилгоҳларинингўзига хослиги яшаш жойларининг каналлар, суғориладиган дала ва боғларда тарқоқ ҳолда, бир-биридан анча узоқ жойлашганлиги билан тавсифланади.

XIX аср охири - XX аср бошларидаги ана шундай қишлоқ манзилгоҳларини аҳолининг этник таркиби, ижтимоий мавқеи ва хўжалик фаолиятига қараб бир неча турга ажратиш мумкин:

1. Канал ва ариқларнинг атрофидаги унумдор ерларда бир-бирига зич ва уюшган ҳолда жойлашган қишлоқлар.
2. Тарқоқ ҳолда жойлашган хуторлар.
3. Поселкалар.

Биринчи тоифа: Қишлоқ манзилгоҳларининг бу тури йирик каналлар, ариқлар бўйлаб, шунингдек шаҳарларга яқин жойларда жойлашган бўлиб, уйлар бир-бирига яқин тарзда қурилган. Бундай қишлоқларда турли томонлардан кириб чиқиш учун мўлжалланган бир неча кўчалар мавжуд. Битта қишлоқнинг ўзи ўтроқ, аҳолининг қариндош-уруғчилик муносабатлари асосида ташкил топган бир неча элатлардан иборат бўлган. XX аср бошларида фақат Жанубий Хоразмнинг ўзида 356 та ана шундай элатлар бўлиб, уларга жами 54529 ҳовли бириккан [5:116,117].

Масалан, битта Янгиариқ туманининг ўзида ана шундай қишлоқдан 26 таси мавжуд бўлган. Қишлоқларнинг ҳар бирида 5 тадан 10 тагача мачит бўлган. Ҳар бир мачитга битта ёки иккита элат тегишли бўлиб, ҳар бир элатда 20 тадан 50 тагача хўжалик бўлган [6:30-35]. Бундай қишлоқларда асосан Хоразмнинг ўтроқ аҳолиси яшаган. Улар хўжаликнинг турли хилларидан комплекс, яъни битта оиланинг ўзи деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо ва ҳ. к. билан баробар шуғулланган.

Иккинчи тоифа. Тарқоқ ҳолда жойлашган хуторлар ҳам келиб чиқиши ва аҳолининг этник таркибига кўра икки хил бўлади ва улар Хоразмда "ўвва" деб аталади.

а) ўтроқ аҳолининг ижтимоий табақалари манфаатлари юзасидан шаклланган ўввалар.

б) этник гуруҳларнинг кўчиб келиши ва ўтроқлашиши билан боғлиқ равишда вужудга келган ўввалар.

А гуруҳга мансуб "ўвва"ларда уйлар қўрғон шаклида, баланд ва ҳашаматли қилиб қурилган бўлиб, жуда катта майдонни эгаллайди. Ҳар бир уй орасидаги масофа камида 700-300 метр бўлиб, оралиқдаги бу ер майдонлари ўша хонадонга тегишли экин ерлар томорқа ҳисобланган. Уйларнинг атрофлари экинзорлар, боғлар, дарахтзорлар билан ўралган, хутор шаклида бўлсада ҳар бир уй атрофидан "солма" (арикча) ўтказилган ва ерлари жуда унумдор бўлиб, уларга яхши ишлов берилган.

Уйларнинг бундай тури асосан йирик бойларга, мулкдор деҳқонларга, шаҳарларда яшовчи амалдорларга тегишли бўлиб, уларнинг шаҳар ташқарисида ўзларига тегишли ерлари ва ҳовлилари бўлган. Масалан Бадрхонда Муҳаммад Девонбегига қарашли 5 та ҳовли, Оллашукур халифага қарашли 37 ҳовли, Хўжабойга қарашли 26 та ҳовли бўлган [7:35].

Шу ўринда хутор тизими билан боғлиқ бўлган этно-тарихий жараёнларга назар ташлаймиз. Хутор тизимидаги дастлабки бетартиб уйлар яъни ўввалар кўчманчи турк қабилаларининг Хоразмга кириб келиши билан боғлиқдир. С.П.Толстов археологик материаллар асосида қадимда Хоразмда тарқоқ ҳолда қурилган уйлар бўлмаганлиги, кўчманчи турклар кириб келиши билан эса яшнаб келаётган Тупроққалъада ҳаёт тўхтаб, уй-жой қурилишида кескин инқироз юз берганлиги, унинг атрофидаги тақирликларда ҳаёт давом этиб, хутор шаклида бетартиб уйлар вужудга кела бошлаганлиги ҳақида ёзади [2:124-129]. Бу ҳол кейинги X-XIV асрларда ҳам узлуксиз давом этган [7:144]. Хоразмнинг жануби-ғарбий томонларига Сирдарё бўйида яшовчи ўғуз-қипчоқ қавмларининг кўчиб келиши натижасида хутор тизими янада кучайган. Шундан кейинги асрларда содир бўлган кўчманчи ўзбекларнинг кириб келиши ҳам бетартиб қурилган қишлоқларнинг кўпайишига олиб келди.

Олдинига кўчманчи аҳоли ўзлаштирилмаган, чорва боқиш учун қулай ерларда, тўқай за қамишзорлар атрофида жойлашганлар. Бу ерда улар бетартиб уйлар қура бошлаганлар. Сўнгра аста-секин ўтроқлашиб, ерлар ўзлаштирилган.

Хутор тизимини кенгайтиришда хон томонидан бериладиган "ёрлиқ" ва "отли" ерлар ҳам маълум даражада рол ўйнаган. Чунки ҳар-бир ёрлиқдор ёки отли ер эгаси 10-30 танобгача ерга эга бўлган. Кўриниб турибдики катта қишлоқлар 10-15 та хўжаликдан иборат бўлган. Масалан Янгиариқдаги Хўжабоғли қишлоғида 13 та хўжалик бўлиб, шундан 9 таси ёрлиқдор бўлган. Шунингдек, Гулланбоғда 17 та ҳовли бўлиб, ундан 4 таси ёрлиқдор бўлиб [6:30,31], улар кенг майдонларда тарқоқ ҳолда жойлашган.

б) Яшаш манзилгоҳларининг бу тури Хоразм воҳасининг барча жойларида учрайди. Улар уй-жойларнинг бир-биридан ниҳоятда узоқда ва жуда тарқоқ ҳолда жойлашганлиги билан характерланади. Шундай қишлоқлар 3 дан 15 тагача бўлган ҳовлилардан иборат бўлиб, атрофида ўзлаштирилган майдонлар жуда кам, асосан қум, чўл зоналарида, кўлларнинг атрофларида жойлашган. Қишлоқлардаги уйлар ҳам оддий қилиб лойдан, қамишдан қурилган бир хоналик ёки икки хоналик уйлардан, капа, ўтовлардан иборат бўлган. Бундай янги манзилгоҳларнинг пайдо бўлишини сўнгги XVIII-XIX асрларда кириб келган кўчманчи туркман, қозоқ ва қорақалпоқ, уруғлари билан боғлиқ.

XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразмга шимоли-ғарбий томондан кириб келган туркманлар Хива хонлигининг чекка ҳудудларида жойлашишга рухсат оладилар. Хон уларни Ғазовот, Полвон, Довдан каналларинииг этакларига жойлаштиради. Воҳанинг шарқий-жанубий тарафида, Урганч, Хазорасп ва Хонқанинг Амударё қирғоқларига яқин жойларида эса қозоқ этник гуруҳлари жойлаштирилади. Шу тариқа бу ерларда янги,

бетартиб қурилган уйлар вужудга келади. Албатта, бу уларнинг шуғулланадиган хўжалик фаолиятини ҳисобга олиб ўтказилган жойлаштириш тартибидир.

Хоразм воҳасининг марказий туманларида ҳам мана шундай хутор тизимидаги уйлар мавжуд бўлган. Айниқса, Урганч, Янгиариқ, Хива. Хонқа ва Хазорасп туманларининг ўзаро туташган жойларида бундай хуторлар кўпчиликни ташкил этган. Аҳоли этник таркибининг жуда мураккаблиги эса бу ҳудуд этник аралашишнинг маркази бўлганлигини кўрсатади. Архив хужжатларида айни шу жойларда яшаган турли этник гуруҳлар ва уларнинг хўжалик сонлари кўрсатилган. Масалан, Олчин (Янгиариқ тумани – ўзбек уруғи) қишлоғида – 13 ҳовли, Отчопар найманда 8 ҳовли, Қўнғирот (Янгиариқ тумани – ўзбек уруғи) қишлоғида 5 ҳовли, Сершалида (Янгиариқ тумани) туркманларнинг така уруғи жойлашган [7:39-43].

Манзилгоҳларнинг бундай турларини Хоразм туркманлари "оба", "юрт", қозоқлар "галиш", "овул", қорақалпоқлар ҳам "овул", "ўвва" [1:20] деб атаганлар. XIX аср охири XX асрнинг бошларида тарқоқ ҳолда қурилган манзилгоҳлар Хоразмда 95,3 фоизни ташкил этган.

3) XIX аср охири XX аср бошларига келиб қишлоқ, манзилгоҳларининг янги посёлка (қасаба) тури вужудга кела бошлади. Воҳадаги дастлабки посёлкалар Тўрткўл шаҳрида Уралский, Первоначалний деб номланиб, 1880 йилларда бу ерда фақат рус аҳолиси вакиллари истиқомат қилганлар. Худди шу даврларда Урганчда қозоқларнинг Чалиш қасабаси шаклланди. Посёлкалаштириш Хоразмда жуда секин кечган. XX асрнинг 90-йилларидагина бутун аҳоли посёлка типида қурилган уйларга кўчиб ўтди.

Долон. Долонлар Хоразмда ўрта асрлардан бери мавжуд. Қаватқалъа вайроналаридан топилган долон ва унинг қурилган излари бунинг яққол далилидир. У жойлашиши ва вазифаси жиҳатдан ўрта асрлардаги аҳамиятини йўқотмаган. Долон уйнинг ўрта қисмида жойлашади. У икки қисмдан иборат бўлиб, юқори супадан ва пастки қисми полдан ташкил топган. Долоннинг аҳамияти шундаки, у ёзда салқин, қишда иссиқ бўлиб, оила аъзоларининг асосий тўпланадиган жойи ҳисобланади. Долонлар жойлашуви ва таркиби жиҳатдан икки хилдир. Биз юқорида баён этган долонлар Хоразмнинг деярли кўпчилик аҳолиси учун мансубдир. Бироқ долоннинг яна бир тури бўлиб, у 80 йилларга келиб ўз аҳамиятини йўқотди. Бундай долонлар уруғ-атамасини унутмаган Янгибозор, Гурлан ўзбекларида, шунингдек, Янгиариқ, Шовот атрофларидаги хуторларда [2:160] яшаган аҳоли орасида онда-сонда учраб туради. Бу долон уйнинг чеккасида жойлашган бўлиб, яшаш хонаси сифатида аҳамият касб этмайди. Балки от-улов ва уй анжомлари қўйиладиган жой ҳисобланган. Долоннинг худди шундай тури Бухорода ҳам мавжуд бўлиб, у ҳам оила аъзоларининг асосий йиғиладиган жойи вазифасини ўтамаганди.

Уй-жой ва унинг қурилиши билан боғлиқ бўлган баъзи удумлар ва маросимлар. Хоразмнинг фақат ўзидагина турар-жойлар билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатлар шу қадар турли-туманки, унинг илдизлари баъзан аҳолининг этник таркиби, иқтисодий аҳволи, хўжалик фаолияти, диний тушунчаси ва дунёқарашига бориб тақалади. Бундай маросимлар ва иримлар иншоотга пойдевор қўйишдан бошлаб, то нураб бузилгунга қадар ўтказилиб турилади. Уй муқаддас ҳисобланиб, шу жиҳатдан қариялар, "ҳар бир киши ҳаёти мобайнида битта уй қуриши шарт" дейдилар. Шунингдек, улар уйни сотмасликни, сотиш эса бахтсизлик келтиришни ҳам таъкидлайдилар. Уй қурилиши учун дастлабки ўтказиладиган маросим "қозиқ қоқди" маросимидир. Бу маросим "жой ўрни" белгиланганган сўнг ўтказилади. Уй учун белгиланган майдоннинг тўрт томонига тўртта қозиқ қоқилади. Бу ишни ҳисоб-китобдан хабардор кишилар майдон бурчакларининг тўғрилигини ҳисобга олган ҳолда бажарганлар. Бу маросим ўтказилгандан сўнг белгиланган майдон даҳлсиз ҳисобланган ва уй эгаси исталган вақтда, яъни кетадиган материаллар ва сарф-харажатлар тайёр бўлганда ёки янги уй қуриш зарурати туғилганда, маҳалла оқсоқоллари ва катхудоларини чақириб қурилиш бошлаш учун маслаҳат қилганлар. Маслаҳат сўнггида оқ фотиҳа берганлар, уларга эса уй эгаси томонидан оқ матога тугиб иккита нон берилган. Шу куни уй қурилишини назорат қиладиган бош уста тайинланган. Тайинланган уста ўз устозидан фотиҳа олган, устози эса фотиҳага қўшиб ўзининг "тарош капчаси"ни унга

берган бўлиши керак. Акс ҳолда бу уста қурган уйнинг девори эгри чиқади дея ирим қилишади. Бош уста қурилиш маайдонида туриб, усталар пиридан мадад тилайди ва қурилишни бошлаш учун фотиҳа беради. Шундан сўнг қўй, хўроз ёки бирор жонлиқ сўйилиб, иншоотнинг асоси қурила бошланади. Уйнинг асоси қурилаётганда иншоотнинг асосий кириш остонасига (бўсағасига) ўша оиланинг хўжалик фаолияти ёки насл-насабига қараб бирор буюм қўйилади. Масалан савдо билан шуғулланувчилар чақа, танга, деҳқончилик билан шуғулланувчилар дон, ҳунармандчилик билан шуғулланувчилар темир парчаси, ўтроқ чорвадор аҳоли бўлса мол туёғи ёки шохини қўйишган. Бу ўша оиланинг бахтли ва бадавлат яшаши учун ирим тариқасида қилинган. Бир томондан уйнинг шу касб орқали топилган даромадлар эвазига қурилаётганлигидан ҳам далолат беради. Хоразмда, айниқса, қишлоқларда уйлар "кўмак" йўли билан қурилади. Унга махсус айтилмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Шаниязов К.Ш. Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX - начала XX в. Ташкент. 1981.
2. Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва: МГУ. 1948.
3. Погорельский И.В. Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства конца XIX - начала XX века. Л., 1968.
4. Всесоюзная перепись населения. 1926. Т. XV. Узбекская ССР. Москва. 1928.
5. Военно-статистичесий очерк Хивинского ханства. ч. II. Ташкент. 1903. С. 116-117.
6. Йўлдошев М.И. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Тошкент. 1959. 350 б.
7. Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. Москва. 1940.


Kamolov P. (UrDU), Kamolova N.P. (Xorazm Ma'mun akademiyasi)

# QADIMGI XORAZMDA DEHQONCHILIK AN'ANALARI, SUG'ORISH TIZIMLARI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR

**Annotasiya.** *Maqolada Xorazm o'lkasida mavjud bo'lgan dehqonchilik tizimi va irrigatsiya sug'orish inshootlari o'zining yutuq-kamchiliklari, kuchli va kuchsiz tomonlari bilan tarixan qisqa vaqt ichida (XIX asr o'rtalaridan 1917 yilgacha) ziddiyatlar, qarama-qarshiliklar, o'zgarishlarga boy dramatik amaliyot yo'lini bosib o'tganligi, xonliklar davrida Xorazmda irrigatsiya (suvdan foydalanish, ta'mirlash va boshqalar) ishlarini tashkil qilishda va boshqarishda o'z-o'zini boshqarish va xo'jalik hisobi prinsiplarini qo'llash, suvdan foydalanishni takomillashtirish usullari bayon qilingan.*

**Kalit so'zlar:** *dehqonchilik tizimi, irrigatsiya, sug'orish inshootlari.*

**Аннотация.** *В статье излагается действовавшие в Хорезмском оазисе система земледелия и ирригационно-оросительные сооружения со всеми своими достижениями и недостатками, сильными и слабыми сторонами в относительно коротком промежутке времени (с середины XIX века до 1917 года), противоречия, противостояния и изменчивый путь драматической практики применения самоуправления и хозрасчета в период ханств в деле организации управления ирригационных работ (водопользование ремонт и другие), методы совершенствования водопользования.*

**Ключевые слова:** с*истема земледелия, ирригация, водные сооружения.*

**Abstract.** *The article is about the available land farming system and irrigation structure in the territory of Khorezm, its advantages and disadvantages, its dramatic practice with much contradiction and changes in a short period in history (from the end of 19$^{th}$ century till 1917). As well as, information was given about the use of administrational and economic principles in organization and management of irrigation activities (water use, reconstruction, etc.) and development of the methods of water use during the period of khanates.*

**Key words:** *farming system, irrigation, irrigation structure.*

Bugungi kunda mustaqil O'zbekiston ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma'naviy hayotining barcha jabhalarida amalga oshirilayotgan islohotlar jarayonida erkin tafakkurga ega va milliy g'oya ongi va qalbiga singdirilgan jamiyat a'zolarini tarbiyalash vazifalarini bajarishda tarix fanining roli jiddiy ravishda ortib bormoqda. "Tarix millatning haqiqiy tarbiyachisiga aylanib bormoqda. Buyuk ajdodlarimizning ishlari va jasoratlari tarixiy xotiramizni jonlantirib, yangi fuqarolik ongini shakllantirmoqda" [1].

Bugungi kunda O'zbekiston hududida qadimgi davrlardan hozirgacha kechgan ulkan siyosiy, iqtisodiy va madaniy jarayonlarning turli masalalarini qamrab olgan tadqiqotlar olib borilgan va bu tadqiqotlar o'z yechimlarini topgan. Ular jumlasiga qadimgi Xorazm davri va undagi dehqonchilik ana'nalari, irrigatsiya tizimlari, qarama-qarshiliklarga boy, murakkab voqeliklardan iborat xonlik davri tarixini kiritish mumkin. So'nggi yillar mobaynida tarixchilar va sharqshunoslar tomonidan amalga oshirilgan ilmiy ishlar ma'lumotlari, tarixiy manbalar va IX-XIX asrning birinchi yarmiga oid hujjatlarning nashr etilishi ushbu davr tarixini yangicha, obyektiv, xolisona tarzda tadqiq qilish uchun zamin yaratdi. Biroq bu davr tarixining ko'pgina muammolari, bugungi kunga qadar o'zining yetarli darajadagi ilmiy yechimlarini topmagan. Ular jumlasiga Xorazmda asosiy mashg'ulot turi dehqonchilikning taraqqiyoti va uning taraqqiyoti uchun xizmat qiluvchi omillar: tuproqlar holati, sho'rlanishi, ularni tuzsizlantirish, sizot suvlarining mavsumiy va yillik holatlari shular jumlasidandir.

Xiva xonligi davri va qadimgi Xorazmda aholini ichimlik suvi bilan ta'minlash hamda qishloq xo'jaligida ekinlarni sug'orish uchun suv manbalari, inshootlari va hudud aholisining sug'orish ishlari haqidagi ilk ma'lumotlar qadim o'tmish davriga mansub bo'lib, "Avesto" kitobida, Qadimgi Yunoniston, Qadimgi Rim tarixchilari Arrian, Kvint Kursiy Ruf, Strabon, Gerodot, Ktesiy va boshqa mualliflar tomonidan o'zlarining ilmiy asarlarida, manbalarida yozib qoldirilgan [2:600].

Ya.G'.G'ulomov o'zining arxeologik ilmiy tadqiqotlari ma'lumotlariga tayanib yozgan Xorazmning sug'orilish tarixi asarining nashr qilinishi XVI asrda Xivada mavjud bolgan suv inshootlarini qurish bilan bog'liq hunarmanchilik turlarining ayrim qirralarini ochib berishga xizmat qiluvchi ma'lumotlarni keltiradi. Olim o'z tadqiqotlari jarayonida Xiva hunarmandchiligi an'analari va tajribasi sug'orish ishlarini olib borish va sug'orish inshootlari qurilishida muhim rol o'ynaganligini keng yoritgan, aniq ma'lumotlar asosida sug'orish inshootlarining o'ziga xosligini ta'kidlagan [3].

Xiva xonligi davrida ularning Rossiya bilan siyosiy, iqtisodiy va madaniy sohalardagi munosabatlariga bag'ishlangan bir qator ilmiy tadqiqotlarda esa xonliklarda mavjud hunarmandchilik sohalarini sug'orish ishlari taraqqiyotiga ta'siri xususidagi ayrim ma'lumotlarni uchratish mumkin [4]. Xususan, taniqli olimlar M.I.Yo'ldoshev, Ya.G'.G'ulomov va A.Juvonmardiyevlar tomonidan yaratilgan ilmiy tadqiqot adabiyotlarida, Xiva xonligida qadimdan to XX asr boshlarigacha bo'lgan yer egaligi, yer munosabatlari, sug'orish manbalari va tarixiga oid ma'lumotlar tarixiy manbalar, arxeologik topilmalar asosida o'z yechimiga ega bo'lgan [5].

Abu Abdulloh Xorazmiy (X asr) "Miftoh-al-ulum" ("Fanlar kaliti") degan o'z lug'atining maxsus bir bobini Marv vohasinining irrigatsiyasi hamda irrigatsion texnikasiga bag'ishladi. Irrigatsiya haqidagi ushbu manba ma'lumotlaridan bu maqolada foydalana olmadik, chunki Abu Abdulloh tomonidan keltirilgan juda boy irrigatsion terminologiya Marv vohasiga xos bo'lib, Xorazm irrigatsion terminologiyasidan butunlay farq qiladi. Masalan, «faykal» termini Marv vohasida suvdan foydalanishdagi navbatchilikni anglatsa, Movarounnahrning bir qancha hududlarida, Xorazmda bu so'zning o'rniga «asvoq» termini ishlatilgan; yuqoriga suv chiqaruvchi charxpalak Marvda «do'lova» deb atalsa, qadimgi Xorazmda u «chiqir» (chigir) deb ataladi va hakozo.

Bozor munosabatlarida bu davrda xalqaro tovar almashishning juda ham jonlanib ketishi va IX-X asrlarda sharq mamlakatlarida bo'lgan iqtisodiy yuksalish o'rta asr fanining, shu jumladan geografiya va tarix fanining ham tez taraqqiy qilishiga turtki bo'ldi. Haqiqatdan ham, biz bu davrda (IX-X asrlar) turli mamlakatlarni va bu mamlakatlarga olib boradigan yo'llarni, shuningdek, bu mamlakatlarda yashovchi xalqlarning iqtisodiy va madaniy darajasini tasvirlagan

bir qancha asarlar vujudga kelganini ko'ramiz. Bunday holat umuman O'rta Osiyo fani tarixida katta burilish davri edi, chunki bu davrdan boshlab geografik va tarixiy ma'lumotlar to'plana va ro'yxatga olina boshlandi. Geograf va tarixchi ibn Rusta, Istahriy, Maqdisiy, Tabariy, Narshaxiy, Belaruziy, Yaqubiy, ibn al-Faqih, ibn Xo'rdod Somoniy, ibn Fadlon, Abu Rayhon Beruniy, Gardiziy, Ibn al-Asir, Yoqut, Somoniy, Nasaviy va boshqalarning asarlari, shuningdek "Xudud al olam" kitobi Chingizxon istilosigacha bo'lgan O'rta Osiyo tarixini va geografiyasini o'rganishda har doim umummajburiy va tengi yo'q manba hisoblanadi.

Xorazm davlatida dehqonchilik an'analari va sug'orish tizimi ilk temir davridan boshlab to bugungi kungacha O'rta Osiyo va Yevropa davlatlari ichida o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Ayni XVIII-XIX asrlarga kelib bu yerdagi davlatlar feodal tarqoqlik, o'zaro urushlar, mamlakat ichkarisida taxt talashishlar va boshqa qator sabablarga ko'ra harbiy va iqtisodiy jihatdan sillalari qurib bo'shashgach, umumiy xavf paydo bo'lganda bir yoqadan bosh chiqarish va harakat qilish ularning asosiy an'analariga aylanib qolgan edi. Bu esa o'z navbatida dehqonchilik tizimini rivojlanishida, ayniqsa yangi sug'orish inshootlarini, kanallarni barpo qilish, dehqonchilik qilish uchun yangi ekin maydonlarini o'zlashtirish imkoniyatini berdi.

Rossiya davlati Pyotr I zamonlaridayoq, bu o'lkani zabt qilishga otlangandi. Jo'g'rofiy jihatdan juda yaqin qo'shni bo'lgan va "otini boshqalardan oldinroq qamchilagani" (XVIII-XIX asrlarda amalga oshirilgan qator harbiy tayyorgarliklar, diplomatiya va savdo sohasidagi tadbirlar) uchun bo'lsa kerak Rossiya davlati o'z niyatiga XIX asrning 60-70 yillarida uzil-kesil erishdi va Turkiston Rossiya imperiyasining eng yirik mustamlakalaridan biriga aylandi.

Shunday qilib Xorazm o'lkasida mavjud bo'lgan dehqonchilik tizimi va irrigatsiya sug'orish inshootlari o'zining yutuq-kamchiliklari, kuchli va kuchsiz tomonlari bilan tarixan qisqa vaqt ichida (XIX asr o'rtalaridan 1917 yilgacha) ziddiyatlar, qarama-qarshiliklar, o'zgarishlarga boy dramatik amaliyot yo'lini bosib o'tdi. Bu yo'lning mohiyati va ko'lami bilan Hindistonni ingliz mustamlakachilari zabt etib, u yerda mavjud bo'lgan irrigatsiya sohasida yuz bergan o'zgarishlar Hindiston irrigatsiyasi mustamlaka sharoitida bosib o'tgan yo'l bilan taqqoslash mumkin.

Irrigatsiya (suvdan foydalanish, ta'mirlash va boshqalar) ishlarini tashkil qilishda va boshqarishda o'z-o'zini boshqarish va xo'jalik hisobi prinsiplarini qo'llash, suvdan foydalanishni takomillashtirish uchun "Suv yoki irrigatsiya okruglari"ni tashkil qilish va ularni boshqarish maqsadida ma'lum vaqtga demokratiya yo'li bilan saylanib qo'yiladigan "Vakillar kengashi"ning xizmatidan foydalanishga o'tish va shunga o'xshash boshqa qator yangiliklar yaqin o'tmishimizdan bizga meros bo'lib qolgan tajribalardir. Bu tajribalar (tashkiliy va texnologik usullar) o'z vaqtida qay darajada qo'llanilgan, qanchalar samara berganligi Xorazm tarixi sahifalarida o'z o'rnini topganligi bizga ma'lum.

## Xulosalar.

1. Xalqaro tovar almashishning juda ham jonlanib ketishi va IX-X asrlarda Sharq. mamlakatlarida bo'lgan iqtisodiy yuksalish o'rta asr fanining, shu jumladan geografiya va tarix fanining ham tez taraqqiy qilishiga turtki bo'ldi.
2. Xorazm davlatida dehqonchilik an'analari va sug'orish tizimi ilk temir davridan boshlab to bugungi kungacha O'rta Osiyo va Yevropa davlatlari ichida o'ziga xosligi bilan ajralib turadi.
3. Xorazm o'lkasida mavjud bo'lgan dehqonchilik tizimi va irrigatsiya sug'orish inshootlari o'zining yutuq-kamchiliklari, kuchli va kuchsiz tomonlari bilan tarixan qisqa vaqt ichida (XIX asr o'rtalaridan 1917 yilgacha) ziddiyatlar, qarama-qarshiliklar, o'zgarishlarga boy dramatik amaliyot yo'lini bosib o'tdi.
4. XIX asrning boshlariga kelib xonliklar davrida Xorazmda irrigatsiya (suvdan foydalanish, ta'mirlash va boshqalar) ishlarini tashkil qilishda va boshqarishda o'z-o'zini boshqarish va xo'jalik hisobi prinsiplarini qo'llash, suvdan foydalanishni takomillashtirish uchun "Suv yoki irrigatsiya okruglari"ni tashkil qilish va ularni boshqarish maqsadida ma'lum vaqtga demokratiya yo'li bilan saylanib qo'yiladigan "Vakillar kengashi"ning xizmatidan foydalanishga o'tildi.

## Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. Toshkent: "Ma'naviyat". 2008.
2. Геродот. История в девяти книгах. Пер. и примеч. Г.А.Стратановского. Л.: "Наука". 1972. 600 с.
3. G'ulomov Ya.G'. Xorazmning sug'orilish tarixi. Toshkent: "Fan". 1959. 249 b.
4. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Toshkent: "Akademiya". 2008. 432 б.
5. Йўлдошев М.И. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Тошкент. 1959. 350 б.

УДК 39(575.1)009

Рахманова М.М. (Хива тумани 54 сон умумтаълим мактаби), Рахманова Ю.М. (УрДУ).

## ХОРАЗМ ЗАРГАРЛИК МАКТАБИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Аннотация.** *Мазкур мақолада XIX аср охири XX аср бошида аёллар кундалик ҳаётида тақилган заргарлик безаклари турлари, уларнинг ишланиш услублари, безаклар билан боғлиқ диний тасаввурлар таҳлил қилинган. Безаклардаги Хоразмга хос алоҳида хусусиятлар ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *аёллар, кундалик ҳаёт, безаклар, зеб-зийнатлар, "жиға", "Шавкала", Хива билагузуклари, аравак, олтин, кумуш.*

**Аннотация.** *В данной статье дано описание женских украшений конца XIX - начала XX века, их видов, методов (способов) изготовления, религиозных представлений, связанных с украшениями. Освещены (отмечены) особенности, свойственные Хорезму.*

**Ключевые слова:** *женщины, повседневная жизнь, украшения, орнаментальный, подвеска, славный, хивинские браслеты, колесница, золото, серебро.*

**Abstract.** *Women's jewelry of the late 19$^{th}$ and early 20$^{th}$ centuries, types of their adornment, methods of producing, and religious beliefs associated with decorations are described in the article. In addition, special features of ornaments peculiar to Khorezmian method are illuminated.*

**Key words:** *women, everyday life, ornaments, jewelry, pendant "jig`a", "Shavkala", bracelets of Khiva, chariot, gold, silver.*

Халқ амалий санъатининг қадимий намуналари тарихни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ичон-қалъа музей қўриқхонасида 200 та Хоразм заргарлик буюмлари ҳозиргача сақланиб келмоқда. Аёлларнинг заргарлик зийнатлари турларга бўлинар эди: бош, кўкрак ва белга тақиладиган махсус безаклар мавжуд эди. Бошга тақиладиган аёллар безакларидан бири тумор деб аталиб, тахя(дўппи)га тикилар эди. "Тумор" сўзи арабча бўлиб, "дуо" деган маънони беради. Қоғозга ёзилиб тумор ичига қўйилган дуолар одамни бало-қазолардан асрайди деб ҳисобланган. Тахяга тикиладиган аёллар безагига кумуш, феруза ишлатилиб, олтин суви берилган. Хоразм тахяларининг ўзига хос жиҳати тубининг яссилиги ва тасма билан безатилган кизаги(гардиши)нинг кенглигидир. Тахялар олтин, кумуш, мис тангалар ва ҳуйи пар (укки пари) билан безатиларди.

"Осма дузий" ёки "қанот осма" пешонага тақиладиган безак бўлиб асосини йиртқич ҳайвоннинг учта тиши ташкил қилган.

Ичан-қалъа музей фондида сақланаётган XIX асрга оид "осма дузий" безаклари кумушдан коралл (маржон), феруза тошлари билан безатилган [1].

Бош безаги бўлган "жиға" юртни бошқариш маъносини билдирар эди. Баёний "Шажарайи Хоразмшоҳий" асарида "Амир Тўра филҳол Аркка келиб хон бўлди ва бошиға жиғали телфак кийиб тахтда ўлтурди"-дея ёзиб қолдирган эди [2:217]. Жиға қуш тимсоли билан ҳам боғлиқ. Қушларга ҳамма даврларда ҳукмдорлар учун ҳукмронлик рамзи ва унинг ҳомийси, ҳимоячиси сифатида қаралган [3:89]. Маҳаллий аҳолининг ибтидоий

сиғинишлари уларнинг тақинчоқларида ҳам ўз изини қолдирган. Бойўғли, укки, бургут, лочин каби қушларнинг парлари инсонни ёвуз руҳлардан, алвастидан сақлайди деб ҳисобланилган. Шарқ мамлакатларида ҳукмдорларнинг боши соғ-омон бўлади деган рамзий маънода бош кийимларида қўлланилган тақинчоқ – жиғага қуш парлари ўрнатилган. Аммо Хоразм ҳукмдорлари бош кийими анча содда бўлиб, жиғасига парлар қўйилмаган. Шунингдек Хоразмда жиға аёлларнинг, ёш болаларнинг бош кийимларида қуш парлари билан бирга қўлланилган. Тўй куни қизларнинг тахяларига жиға илинган.

Заргарлар учун ҳам зарур бўлган олтин ва кумушни савдогарлар Россия, Эрон, Бухородан, Қўқондан олишган деган фикрлар айтилган [4:290]. Аммо айрим манбалар XVIII аср ўрталарида Хивадан Россияга кўп миқдорда “тилла ва кумуш, маълум жинсли тошлар” олиб кетилгани ҳақида маълумот беради.

Хоразмда заргарлик буюмларининг номлари шаклига, безакдан чиқадиган овозига, матога, қандай қилиб кийилишига яъни уларнинг белгисига қараб танланар эди. Мисол учун сочга, кўкракка тақиладиган “Калит боғи” безакларидаги гумбазчанинг тагига 4 дан 10 гача калитлар осилган бўлиб, улар рамзий маънога эга эди. “Калит боғи”ни бой-бадавлат бўлиш ниятида тақиб юрганлар. Калит боғлари кўпинча мисдан, кумушдан коралл, феруза, шиша билан олтин суви бериб ишланган [5]. Масалан, аёлларнинг кўкракка тақиладиган безаги – “шавкала” – ҳаракатланганда ўзига хос овоз чиқарарди. “Шавкала” сўзининг маъноси ҳам шундан олинган. Қадимдан сақланаётган удумларга кўра бу овозлар ёвуз руҳларни ҳайдаган.

Хоразмлик аёлларнинг кўз ва қулоқ ўртасига осадиган безаги “ярим тирноқ”дир. Безакнинг пастки қисмида чиқиб турган иккита тирноқ йўлбарсники. Бунинг сабаби ўша даврларда Амударёнинг бўйиларида Жайҳун йўлбарслари кўплаб учрар ва овчилар заргарларни уларнинг тишлари билан таъминлар эди. Йиртқич ҳайвонлар ва қушларнинг тирноқлари қудратли кучга эга бўлиб, инсонларни бало-қазолардан сақлаб туради деган фикр XIX асргача сақланиб қолган.

Хива билагузуклари жуда чиройли бўлиб, жуфт қилиб тузатиларди ва иккала қўлга ҳам тақиларди [6]. Бу билагузуклар Хоразмга хос характерга эга бўлиб, ўсимликсимон айланма нақшлар билан безатилган [3:156]. Тақинчоқнинг охирги қисми худди илоннинг бошига ўхшатиб ишланган. Чунки Хоразм заргарлигида илон – давлат рамзи, оила ҳимоячиси, айниқса ёш болаларнинг ҳомийси , хавфсизлик тимсоли сифатида қўлланилган.

Заргарлар буюртмага кўра хон ва беклар учун олтин сопли пичоқ, қилич дасталарига, ғилофларига олтин ва кумушдан махсус қопламалар ва ўйма нақшлар, от эгарлари ва жабдуқларини юксак дид билан ясаганлар. Машҳур заргарлардан хон саройи учун хизматга танланган. Хива давлат ҳужжатларида “Хон ҳазратнинг тозадин тузатилган тузикларининг харажати учун 5 гирвонка етти мисқол кумуш олинди, 21,5 мисқол олтин олинди... Заргар усталарга 17 тилло ҳақ берилди”, “Икки милтиқ учун усто Оллобердига 6 мисқол олтин берилди”, “Ҳазратимизни икки ов милтиқи кумуши харожоти – 24 тилло” [7:191,212,229,238] ва ҳ.к. каби маълумотлар қайд этилади.

Ичон-қалъа музей фондида Муҳаммад Раҳимхоннинг пўлат қиличи сақланади. Қиличга тилладан ислимий нақшлар солиниб, дастасининг яқинида форс тилида тўртлик шеър битилган ва чиройли гуллар билан безатилган. Шунингдек, Исфандиёрхоннинг ўғли Темирғозий тўрага хивалик усталар томонидан тилладан ўсимликсимон гуллар нақши солинган ва исми ёзилиб совға қилинган Белгиянинг Винчестр милтиғи ниҳоятда бежиримлиги билан ажралиб туради. Музейда КП – 430 рақами остида сақланаётган ушбу милтиқ пўлат, ёғочдан тилла суви берилиб, уриб тоблаш йўли билан зарҳалланиб, қадама нақшлар солинган (1902 й). Бундан ташқари ўғил болалар учун белга тақиладиган безак-камар боғи (кумуш, мато ишлатилиб, олтин суви берилган, феруза, шиша билан безаклари бойитилган.), тилла белбоғ – аёллар белига тақадиган безак, соч учун безак лас кокил (кумуш, шиша, тасма билан ишланган), танга дузий – аёллар пешона безаги (кумуш, маржон билан ишлов берилган), манглай дузи – аёллар пешона безаги (кумуш, маржон, тош билан безалган), дова дузий – кўкрак безаги (кумуш, феруза, шиша), Пешхалта – аёллар

белбоғ безаги (кумуш, феруза), кўкрак дузи – аёллар кўкрак безаги, жумалак – соч безаги, ҳалқа(сирға)лар, юзик (узук), бодомой – аёллар чакка безаги, аравак (бурун учун исирға) каби безаклар тайёрланган [8].

XX асрда Хивада заргарлик санъати инқирозга юз тутди [9:82]. Шундай бўлса-да шаҳарда бу касбга садоқат ва аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб фаолият кўрсатган Хиванинг машҳур заргарларидан А.Давлетов, М.Матчонов, У.Бобожонов, М.Сеитовлар заргарлик анъаналарни давом қилдирдилар.

XX асрнинг 60-йилларида ҳукумат томонидан ташкил қилинган маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари (КБО) қошида ташкил этилган заргарлик хизматида Доғистондан кўчиб келган ҳунарманд-заргарларнинг алоҳида ўрни бор. Улардан ака-ука Ганжа Ахмед ва Мажид Ахмедовларнинг ишларини Хива халқи жуда қадрлаган. Бугунги кунда Хива шаҳрининг Патрак маҳалласида авлодлари касбини давом қилдириб, фаолият кўрсатаётган Абдулла заргарнинг фарзандлари уч оға-ини Ражаббой, Шомурод, Ганжабой Абдуллаевлар, И.Яқубов, А.Ходжаевлар ва Мевастон маҳалласидан Полвон заргар Заргаров, невараси Одилбек Заргаров, чевараси Полвонназир Заргаров Хоразмнинг моҳир заргарлари ҳисобланишади.

Асрлардан бери биз авлодларга сақланиб ва бойитилиб келаётган заргарлик мероси намуналари фақатгина тарихий ёдгорлик, музей осори- атиқалари бўлиб қолмасдан, ҳозирги давримиз учун улкан амалий аҳамиятга эга.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Хива Ичан-қалъа музей қўриқхонаси фонди. КП 1141, инв. укр. 50, 59; 1166 инв. укр. 71; КП 1168, инв. укр. 72.
2. Баёний Муҳаммад Юсуф. Шажарайи Хоразмшоҳий / Мерос тўпламида. Тошкент: “Камалак”. 1992.
3. Фахреддинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. Ташкент. 1988.
4. Иванин М. Хива и река Аму-Дарья // Туркестанский сборник. Т. 50. с. 290.
5. Ичан-қалъа музей қўриқхонаси фонди. КП 1133, инв. ювр. 43; КП 1161, инв. укр. 67; КП 1160, инв. укр. 66.
6. Ўзб. МДА. И-125, ф. 1, рўйхат 562, иш, 70-варақ.
7. XIX аср Хива давлат ҳужжатлари / Масъул муҳаррир М.Йўлдошев. Тошкент: “Фан”. 1960. Т. 2. 191, 212, 229, 238 бетлар.
8. Ичон-қалъа музей қўриқхонаси фонди. КП 5431/2, инв. укр. 164; КП 5431; КП 5859; КП 5903.
9. Ҳакимов А., Оқилова К. Амалий санъат // Хива минг гумбаз шаҳри. Тошкент. 1997. 82-бет.

Матниёзов А.Р. (Хоразм Маъмун академияси), Авазбаева У.Ў., Исмаилова Г.Б.
(Урганч давлат университети академик лицейи)

## XII АСР ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИДА ТАРИХ ИЛМИ

**Аннотация.** *Ушбу мақолада XII аср хоразмшоҳлар давлатида ёзилган “Жомиъ ул-улум” асарининг “Илм ал-Таворих”, яъни, “Тарих” қисми таҳлил қилинади.*

**Калит сўзлар**: *тарих, илм ал-таворих, асл, усул.*

**Аннотация.** *В данной статье анализируется “История” – часть произведения “Джами ул-улум”, написанного в XII веке в государстве Хорезмшахов.*

**Ключевые слова**: *история, илм ал-таварих, основа, метод.*

**Abstract:** *The part “Ilm al-Tawarikh” i.e. History of the work “Jami ul-ulum” written the 12$^{th}$ century in the state of Khorezmshakhs were analyzed in the article.*

**Key words**: *history, “Ilm al-Tawarikh”, origin, method.*

XII асрга келиб, хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Гурганж шаҳри илм-фан маркази сифатида қайта шакллана бошлади. XII асрнинг биринчи ярмида Гурганжда Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Чағминий, Рашididдин Ватвот ва Исмоил Журжоний каби ўнлаган олимлар фаолият юритган бўлса, XII асрнинг иккинчи ярмида Нажмиддин Кубро, Ибн Ҳожиб, Юсуф Саккокий ва Фахриддин Розий сингари алломалар илм-фан билан шуғулландилар.

Гурганжга келиб илм билан шуғулланган олимлардан бири Фахриддин Розий эди. У хоразмшоҳ Такашга бағишлаб “Жомиъ ул-улум” қомусий асарини ёзиб тугатади. Асар ўша даврда мавжуд бўлган 60 илмни ўз ичига олган эди. “Жомиъ ул-улум” асарининг “Илм ал-Таворих”, қисми тарих илмига бағишланган. Розий бу илмни бошқа илмлар каби тўққиз асл усулида таҳлил қилади. Қуйида ушбу илмнинг форс тилидан ўзбек тилига таржимасини келтирамиз:

*Билгилки, тарихда тафовут йўқдир. Зуҳурда баъзи мушаккилига эгадир. Баъзи зоҳирдан сўнг, бу илмни китоб тартибига қаратамиз. Муътадиз бўлади. Ложарам, торихни тўққиз бобда иқтисор қиламиз.*

***Асли аввал.*** *Ажам мулкининг подшоҳлари торихида.* *Ажам ўзининг кўплиги билан тўрт табақадир: 1. Пешдодий; 2. Кайоний; 3. Ашконий; 4. Сосоний.*

*Биринчи табақа Пешдодийлар.* *Уларнинг адади 9 тадир: аввал Кайумарс Гулшоҳ ва унинг подшоҳлиги 30 йил бўлди. Ва унинг қизи ва ўғли бўлди. Қизининг номи Машийо, ўғлининг номи Машши эди. Ва чун қизи ва ўғлининг умридан 50 йил ўтди. Ва уни бошқа ҳеч фарзанди бўлмади. Шундан сўнг, 50 йил муддатда Наониҳ ва Модиндан 18 фарзанд вужудга келди. Кайумарсдан сўнг 70 йил замин подшоҳлардан ҳоли бўлди. Ва шундан сўнг иккинчи Ушаҳаж бин Фардон бин Асийомак бин Кайумарс подшоҳ бўлди. Ва унинг давлати 40 йил бўлди. Учинчи Таҳмаврис бин Девижаҳон бин Абу Мукансад бин Майвиканд бин Ушаҳаж подшоҳ бўлди. Давлати 30 йил бўлди. Рўзгорида бутпарастлик зоҳир эди. Тўртинчи, унинг ббиродари Жамшид бин Девижаҳон бўлди. 716 йил мамлакатда бўлди. Бешинчи, Панвaросп бин Арвандосп минг йил Подшоҳ бўлди. Унинг номи Даҳҳок бўлди. Офат ёнида бўлар эди. Яъни, худованд 10 офат юборди. Ва бу хунукроқ номлардандир. Ва чун уни мўъраб қилдилар, Заҳҳок бўлди. Ва бу ёқимлироқ номлардандир. Олтинчи Афридун бин Алқийон подшоҳ бўлди. Унинг подшоҳлиги 500 (йил) бўлди. Унинг подшоҳлигининг бошланганининг 30-йили Худойи Таъоло Иброҳим Халил алайҳиссаломни ҳалққа юборди. Еттинчи Афросиёб-и Турк бўлди. 12 йил подшоҳ бўлди. Саккизинчи Зав бин Мотавсп бўлди. 3 йил подшоҳ бўлди. Тўққизинчи Кирйосип (Гиршасп) бин Роб бўлди. 9 йил подшоҳ бўлди.*

*Иккинчи табақа.* *Ва уларнинг адади 10 тадир. Аввал Кайқубод ва унинг давлати 126 йил бўлди. Иккинчи Кайқовус бин Кайшофира бин Кайқубод подшоҳ бўлди. Ва унинг давлати 150 йил бўлди. Учинчи Кайҳисрав бин Сийовуш бин Кайковус подшоҳ бўлди. Давлати 50 йил бўлди. Унинг даврида Сулаймон алайҳиссаломнинг рўзгорини халққа юборди. Тўртинчи Кайлаҳросп бўлди. 120 йил мамлакатда бўлди. Ва унинг рўзгорида Бахт-и наср Мағриб зиминига кетди. Ва жуҳудлар ерини хароб қилди. Ва уларни асир қилди. Бешинчи Кайлишосп 120 йил подшоҳ бўлди. Унинг рўзгорида Зардушт зоҳир бўлди. Олтинчи Кайбаҳман подшоҳ бўлди. Унинг подшоҳлиги 122 йил бўлди. Еттинчи Баҳманнинг қизи бинт Баҳман Чеҳр Озодий бўлди. Подшоҳлиги 1 йил эди. Ва ундан (саккизинчи) Баҳман бўлди. 12 йил подшоҳ бўлди. Тўққизинчи Доро бин Доро бўлди. 12 йил подшоҳ бўлди. Ва Мулки Ажам, Рум ва Мағриб подшоҳларидан ҳирож олди. Ва Доро рўзгорида Искандар Рум подшоҳи эди. Доро ундан ҳирож талаб қилди. Ва Искандар имтиноъ қилиб, Доро билан муҳораба қилди. Ва унинг устидан зафар топди. Ва Доро ўз бошига хусумат қилди. То шу вақтки, унинг баъзи яқинлари қочиб кетдилар. Шундан сўнг Искандар олам мамлакатларига муставли бўлди. Ва жаҳон мулкини мусаххар ва мутиъ қилди. Сўнг нома ёзди. Ўзининг вазири Аристотолис ҳакимки, муқтадои ҳукамои оламдир: “Мен жумла жаҳоннинг подшоҳларига қаҳр қилдим. Ва ҳаммани қайд-и уъбудийат ва тавқ-и тоъатимга олдим. Ва уларнинг фарзандларини асир қилдим. Ва истасам агар улардан бирини жаҳон подшоҳи қиламан. Румликларнинг интиқомига машғул бўладилар. Ва шу сабабдан менинг масканим ва*

*ватанимни харобий қиладилар. Ва руйи заминни уларнинг шарр ва фитналаридан пок қиламан". Аристотолис нома жавобида айтди ва шундан ёзди: "Танни дилдан, дилни руҳдан, руҳни жондан айириб бўлмайди. Жаҳонни жаҳонлардан истиғно қилиб бўлмайди. Зероки, инзом-и уъқд ижтимоъи хабар соҳиб айолат сиёсатига ҳосил бўлмайди. Ва анво-и фасод ва асноф-и иънод, жазваи қаҳр ва қувватни подшоҳлар миндафъ қилмайди. Ва агар подшоҳларнинг авлодларини ҳалок қилсанг, уларни муҳтож қиласан. Мамлакатни тафвиз қилсанг, ноаҳлларга ноаҳл муставли бўлади. Сўнг маслаҳат шудирки, ҳар тарафни ундан ҳам тафвиз қилки, улар ўзга бир мунозиъат ва муъонидатда турсинлар. Билгилки, қасд-и Рум сабабини қилмайдилар".*

*Искандар бу ройни савобли кўрди. Ҳар тарафни ўзидан ҳам тафвиз қилди. Ва уларнинг мамлакати тавойиф ном топди.*

*Учинчи табақа. Ашконийлар. Ва уларнинг адади 12 тадир. Аввал Ашк бин Дородир. Ва у 10 йил подшоҳ бўлди. Иккинчи Ашк бин Ашк подшоҳ бўлди. Ва унинг давлати 50 йил бўлди. Учинчи Шопур бин Ашк подшоҳ бўлди. Давлати 24 йил бўлди. Тўртинчи унинг ўғли Кузар бин Шопур бўлди. Бешинчи унинг биродарларининг ўғли Вашуҳан бин Балош бин Шопур бўлди. Унинг муддати 21 йил эди. Олтинчи унинг ўғли Кавдариз бин Вашуҳан Подшоҳ бўлди. Унинг подшоҳлиги 19 йил бўлди. Еттинчи унинг биродари Барсаҳ бин Вашухан бўлди. Подшоҳлиги 30 йил эди. Саккизинчи унинг онаси Ҳурмуз бин Балос бўлди. 17 йил подшоҳ бўлди. Тўққизинчи унинг ўғли Феруз бўлди. 12 йил подшоҳ бўлди. Ўнинчи унинг ўғли Ҳисрав бўлди. 24 йил подшоҳлик қилди. Ўн биринчи Ардувон бин Балош ибн Феруз бўлди. 55 йил подшоҳлик қилди.*

*Тўртинчи табақа. Сосонийлар. Ва уларнинг адади 30 тадир. Уларнинг подшоҳлик муддати Ардашердан то Яздижард бин Шаҳриёрнинг ҳалок бўлган вақтигача тақрибан 780 йилдир. Аввал подшоҳ Ардашер бин Бобакдур. Ва у 19 йил ва 2 ой подшоҳ бўлди. Иккинчи Шоромфур бин Ардашер подшоҳ бўлди. Ва унинг давлати 30 йил ва 4 ой бўлди. Учинчи Ҳурмуз бин Шоҳфур (Шопур) подшоҳ бўлди. Давлати 1 йил ва 2 ой бўлди. Тўртинчи Нарсўҳ бин Ҳурмуз бўлди. 9 йил подшоҳлик қилди. Бешинчи Ҳурмуз бин Нарсўҳ бўлди. Унинг муддати 13 йил эди. Олтинчи Шопур Зулкиноф бин Ҳурмуз подшоҳ бўлди. Унинг подшоҳлиги 70 йил бўлди. Еттинчи унинг биродари Ардашер бин Ҳурмуз бўлди. Унинг ва ўғлининг муддати 4 йил бўлди. Саккизинчи Шопур бин Шопур бўлди. 32 йил подшоҳ бўлди. Тўққизинчи Баҳром бин Шопур бўлди. 12 йил подшоҳ бўлди. Ўнинчи Яздижард бин Баҳром бўлди. Уни "Яздижарди карим" дейдилар, 82 йил подшоҳлик қилди. Ўн биринчи Яздижард бин Яздижард бўлди. 23 йил подшоҳлик қилди. Ўн иккинчи Баҳром Гўр подшоҳ бўлди. Ва унинг давлати 23 йил бўлди. Ўн учинчи Яздижард бин Баҳром Гўр подшоҳ бўлди. Давлати 18 йил бўлди. Ўн тўртинчи Баҳром бин Яздижард бўлди. Унинг муддати 26 йил ва 1 кун эди. Ўн бешинчи Феруз бин Баҳром бўлди. Унинг муддати 29 йил ва 1 кун эди. Ўн олтинчи Балош бин Феруз подшоҳ бўлди. Унинг подшоҳлиги 3 йил бўлди. Ўн еттинчи унинг биродари Қубод бўлди. Подшоҳлиги 68 йил эди ва унинг рўзгорида Моний зоҳир бўлди. Ўн саккизинчи Нуширвон Кисро-и одил ҳафифуллоҳу анҳу бўлди. 46 йил ва 6 ой подшоҳ бўлди. Ва у киши жуда одил бўлгандир. Ўн тўққизинчи Ҳурмуз бин Кисро бўлди. 38 йил подшоҳлик қилди. Йигирманчи Парвиз бин Ҳурмуз бўлди. 38 йил подшоҳлик қилди. Йигирма биринчи Шеруя бин Парвиз бўлди. 8 ой подшоҳлик қилди. Йигирма иккинчи Ардашер бин Шеруя подшоҳ бўлди. Ва унинг давлати 1 йил бўлди. Йигирма учинчи Шаҳриёр подшоҳ бўлди. Давлати 38 кун бўлди. Ва унинг хонадонидан подшоҳ бўлмади. Йигирма тўртинчи Турон бинти Парвиз бўлди. 1 йил ва бир неча кун подшоҳ бўлди. Йигирма бешинчи Чалсоида бўлди. Унинг муддати 2 ой бўлди. Ва у подшоҳликнинг яқинларидан эмас эди. Йигирма олтинчи Ҳисрав бин Қубод подшоҳ бўлди. Унинг подшоҳлиги 2 ой бўлди. Йигирма еттинчи Феруз бўлди. Подшоҳлиги 2 ой бўлди. Ва у Ардашер Бобакнинг наслидан эди. Йигирма саккизинчи Озарий бинти Парвиз бўлди. 4 ой подшоҳ бўлди. Йигирма тўққизинчи Фарах бин Ҳусрав бин Парвиз бўлди. 1 ой ва бир неча кун подшоҳ бўлди. Ўттизинчи Яздижард Шаҳриёр бин Парвиздир. Ва у охирги Ажам подшоҳидир.*

*Ажам подшоҳлари тарихи агарчи ҳар бир ерида хилоф бисёрдир. Ва лекин биз Ҳамзайи Исфахонийдан иқтисор қилишни ихтиёр қилдик. Ва бу насқники ёд қилдик. Баҳром бин Баҳром бин Баҳром бин Ҳурмуз бин Шоҳфур бин Ардашер шаклида баён қилдик. Ва агарчи бу ҳар уч Баҳром кўпроқ ривоят қилинадиган подшоҳдир. Лекин Ҳамза бу тартибни ёд қилмагандир. Валлоҳу аълам.*

***Иккинчи асл.*** *Баъзи Сайид ул-мурсалинларнинг бидояти торихида. Ҳамзаи Исфаҳоний Муҳаммад бин Жарир Табарийдан ривоят қиладики, улардан Расул саллаллоҳу алайҳи ваccаллам валодат вақтини ва миқдори тафовутини хилоф қилганлар.*

***Учинчи асл.*** *Халифанинг исми ҳақида. Аввал Абу Бакр Сиддиқ. Ва унинг номи Абдуллоҳ бин Усмон бин Абу Оъмир бин Умар ва бин Каъб бин Саъд бин Тайм Маруҳ бин Каъб. Ва унинг насаби Маруҳ бин Каъб орқали Расул саллаллоҳу ва олиҳига пайванд бўлади. Ва Расул с.а.в. Раъбиъ ул-аввалнинг ўн иккинчиси санаи аҳда аъшрата мин ал-ҳижратда раҳмати ҳаққа интиқол қилди. Ва шу куни Абу Бакрга байъат қилдилар. Ва унинг хилофати 2 йил-у 3 ва бир неча кун давом эди. Иккинчи Абу Ҳафс Умар бин ал-Ҳаттоб бин Абдулло бин Рабоҳ бин Абдулло бин Фарт бин Равоҳ бин Аъдий бин Каъб бин Лавий. Ва унинг нисбати Каъб бин Лавий орқали Расулга пайванд бўлади. Ва хилофати 10 йил-у 8 ой ва бир неча кун эди. Учинчи Абу Умар ва Усмон бин Аффон бин Абил-Оъс бин Амиҳ бин Абдуманноф нисбати билан Расулга пайванд бўлади. Хилофоти 12 йил-у 12 кун эди. Тўртинчи Абу Ҳасан Али бин Аби Толиб бин Абдулмуталлиб – Мустафо саллалоҳу алайҳи ва олиҳи ваccалам амакисининг ўғли эди. Ва унинг хилофати 4 йил ва 9 ой бўлди.*

*Ва Мустафо саллалоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам ундан кейин хилофати 30 йил давом этади, сўнг подшоҳлик бўлади деб хабар берган эди. Ва чун Али алайҳиссалом ҳақ раҳматига интиқол қилди. 30 йиллик муддатга 6 ой қолган эди. Чун Ҳасан бин Али ўз асҳобида жамиъййат кўрмади. 6 ой ўтгач, Муъовияга мулк таслим қилди. Муъовиянинг подшоҳлик муддати 19 йил-у 4 ой бўлди. Ва Бани Уммавийа подшоҳлигининг аввали у бўлди. Иккинчи Язид бин Муъовия, ва унинг волийлик муддати 3 йил ва 8 ой бўлди. Учинчи Муъовия бин Язид бин Муовия, ва унинг подшоҳлик муддати 40 кун эди. Ва баъзилар 40 ой деганлар. Тўртинчи Марвон бин ал-Ҳаким – 10 ой бўлди. Бешинчи Абдулмалик бин Марвон бўлди. Ва унинг хилофати 21 йил-у 1 ой эди. Олтинчи Валид бин Абдулмалик бўлди. Ва унинг валояти 9 йил-у 9 ой бўлди. Еттинчи Сулаймон Абдулмалик, ва унинг подшоҳлиги 2 йил-у 7 ой бўлди. Саккизинчи Умар бин Абдулазиз бин Марвон бин ал-Ҳаким. Ва унинг хилофати 30 ой эди. Тўққизинчи Зайд бин Абдулмалик. Унинг валояти 4 йил ва 1 ой эди. Ўнинчи Ҳишом бин Абдулмалик. Ва унинг валояти 19 йил 9 ой эди. Ўн биринчи Валид бин Язид бин Абдулмалик. Унинг валояти 1 йил ва 2 ой яна бир неча кун эди. Ўн иккинчи Язид бин ал-Валид, ва уни "Язид ноқис" деб атайдилар. Ва унинг валояти 5 ой-у 1 кун эди. Ўн учинчи Иброҳим ал-Валид бин Абдулмалик. Ва унинг валояти 70 кун эди. Ўн тўртинчи Марвон бин Муҳаммад бин Марвонки, уни "Марвони хумор" дейдилар. Ва унинг давлати 5 йил бўлгандир.*

***Тўртинчи асл.*** *Али карамаллоҳу важҳум ва Муъовиянинг воқеъасида. Умар бин ал-Хаттобнинг рўзгорида Шом Язид бин Абу Суфённинг вилояти бўлди. Язид Умарнинг дастидан ўлгач, Умар Шомни Муъовияга муқаррар қилди. Ва чун хилофат навбати Али алайҳиссаломга етди. Жарир бин Абдулло ал-Бахлий қўли билан ёзилганки, Муъовия: "Алига шу вақт тоъат қиламанки, у қачон Усмоннинг кушандаларини менга таслим қилса ва мен улардан қасос олсам" деган. Ва бу сўз билан аҳли Шомни Али алайҳиссаломга мухолифатда қилиб қўйган. Ва шу сабабдан Сиффин жангги воқеъ бўлди. Муъовия харб юзидан ва бошида Амр ва бин ал-Оъсни Али алайҳиссаломга қарши юборди. Муъовия лашкарларининг жамъи Фрот яқинида пастга туша бошладилар ва Али алайҳиссаломнинг лашкарини манъ қилдилар. Шундан сўнг Амр ва бин Оъс айтди: "Маслаҳат шуки, Алини сувдан манъ қилмаслик керак. Зероки, Алининг шамшири қўлида экан, ҳеч ким унга манъ қила билмаса керак". Сўнг Али алайҳиссалом тарафидан Ашъаб бин Қайс 12000 лашкар билан Муъовияни сувдан манъ ва узоқ қилдилар. Сўнг жанг туздилар. То 17000 киши бир кечада ҳалок бўлдилар. Ва бу жангда Аммор бин Ёсир ҳалок бўлди. Ва икки киши Аммор бин Ёсирнинг кесилган бошини Муъовиянинг олдига олиб бордилар. Ва ҳар бири унга даъво қилдилар ки,*

*"бу ишни мен қилганман" деб. Абдулло Амр ва бин ал-Оъсга деди: "Шундай мунозаъат қилинди, сизга маслаҳат йўқдирки, мен Расул саллаллоҳу алайҳи вассалламдан эшитганманки, Аммор бин Ёсир боғийларнинг қўлидан ҳалок бўлади", деб. Бу сўз Муъовияга нохуш келди ва у деди: "Амморни шундай киши ўлдирдики, уни мана шу жангда ҳозир келтирди". Айтадилар, агар Али алайҳиссалом Амморни бу жангга келтирган бўлса, демак Амморнинг кушандаси ҳам Алидир. Олдин Ҳамзани Мустафо саллалоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам ҳасаддан жангга юборди ва натижада у ҳалок бўлди. Ки қотили Ҳамза Мустафо саллаллоҳи ва олиҳи вассаллам бўлди. Ва Амр ва Оъс Шом лашкарига андишада талбисдан қўрқиб, Мусҳафларни бошингизга яқинроқ тутинглар ва биз Қуръон ҳукмини ҳоҳлаймиз деб айтинглар деди. Ва шундай қилдилар. Али алайҳиссаломнинг лашкари хусуматдан фотир бўлдилар ва дедилар: "Биз Қуръон ўқиймиз, инқиёд кўрсатамиз, ва тоъат қилмоқ муқтазои имондир. Ва шу сабаб таҳаккум қиладилар". Ва Али ўз тарафидан Ибн Аббосни хоҳлади. Қавми бунга рози бўлмадилар ва айтдилар: "Қўрқамизки, Абу Мусо ал-Ашъарий салим дил кишидир". Сўнг Амр унга деди: "Али ва Муъовия сабабидан бисёр фитналар ва музарратлар халқ ўртасида зоҳир бўлди. Бошиданоқ буларнинг ҳар бирига маъзул қилдилар". Сўнг Абу Мусога деди: "Сен қари ва муқаддимий ва соҳиби Расулсан. Аввал сен суҳан қилишинг керак, сўнг мен гапираман". Сўнг Абу Мусо хутба қилиб деди: "Али ва Муъовия сабабидан анвоъи фатан халқ орасида пайдо бўлди. Маслаҳат шундайки, иккисини ҳам маъзул қиламиз. Ва манки, Али томонидан ҳокимдирман, Али хилофатини Алидан ташқари қилдим. Чунонки, "Ангуштари аз ангушт". Шундан сўнг Амру Оъс деди: "Ман хилофатни Муъовияга муқаррар қилдим. Чунонки, "Ангуштари дар ангушт". Абу Мусо чун бу суханни эшитиб, балки, Аъмру уни талбиси қилгандир. Шундан сўнг мухорибат бошига кетдилар. Ва оқибат дунё Муъовияда қарор топди ва унинг подшоҳлиги мусаллам бўлди.*

***Бешинчи асл.*** *<u>Хилофатнинг Марвонийлардан Аббосийларга интиқоли ҳақида.</u> Чун Али бин Абдуллоҳ бин Аббос ўлгач, ўзининг ўғли Муҳаммад бин Алини ўзининг валиаҳди қилмоқчи эди. Вафотига яқин у Муҳаммадни ёнига чақириб, Иброҳим Имомни ўзининг валиаҳди қилди ва Абу Муслим Абдураҳмон бин ал-Муслим – баъзилар "Марвазий" эди дейдилар. Ва баъзилар "Исфаҳоний" эди дейдилар. Исо бин Маъқул бин Амрнинг саройида маскан эди. Ва фарзандлари билан илм ўргатди. Ва Исо хизмати воситасида Иброҳим Имомни олдига кетди. Ва унинг таклифини қабул қилди. Сўнг Иброҳим уни Хуросонга юборди. Ва уни амир қилди. Уни Муҳаммад оиласининг ризолиги учун таклиф қилади. Бу вақтда Хуросон волийси Насри Сайёр эди. Ва унинг ўртасида ва Ҳадиъ бин Али ал-Кирмоний ўртасида хусумат пайдо бўлади. Ва Ҳадиъ шу вақтда ҳалок бўлади. Ва Абу Муслим шу фурсатда нигоҳини қаратди. Ва Марв қишлоқларидан бўлган бир қишлоқ бор эди. Унга Стаъдиҳ дер эдилар. Таклиф зоҳир бўлди. Ва бу ҳижратнинг йигирма тўққизинчи йили Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси эди. Ва халқлар бисёр жам бўлдилар. Ва Абу Муслим Мушаййир Ҳидоъий истеъонат қилди. Ва Насри Сайёрнинг қасдиға тушди. Ва Наср қочди. Ва Нишопур қасдиға тушди. Абу Муслим Қахтабани унинг изидан юборди. Қахтаба Тусда Тамим бин Насри Сайёрни топди ва уни яралади. Ва унинг лашкарини ғорат қилди. Ва Наср Ироқ жонибига келди. Ва ўлди. Ва Абу Муслим Хуросонда муставли бўлди. Марвон лашкарларидан 40000 шомлик киши Гургонда эди. Абу Муслим улар билан масоф қилди. Ва уни ва унинг фарзандларини ўлдирди. Ва бу лашкардан ҳалос топди. Ва шундан сўнг Ироқға кетди. Марвони ҳумор маълум қилдики, Абу Муслим Иброҳимнинг даъватига кўра (иш) қилган экан. Иброҳимни ушлади ва маҳбус қилди. Чун Абу Муслим буни эшитиб, қўрқдики, Марвон уни ўлдиради деб. Ҳийла тузди. Ва (бир) савдогар кишини Марвон қошига юборди. Ва ўша савдогар киши Марвонга деди: "Ё, Амирал-мўъминин! Мен савдогар бир кишиман, ва мол топсам уни Иброҳимга бераман. Ва сен уни маҳбус қилгансан, менинг молим зойеъ бўлмоқчи. Хоҳлайманки, мен уни кўрсам. То менинг молимни кимга ҳавола қилган? Марвон у кишини Иброҳим Имом қошига юборди. Ва чун, Иброҳимни кўргач деди: "Эй, худонинг бандаси! Менинг молимни кимга ҳавола қилдинг?". Ва мени кимга таслим қилдинг? Деди: "Ҳорисанинг ўғлига, яъни, Абул Аббос Саффоҳ". Ва у унинг биродари эди.*

*Ва Саффоҳнинг онаси Рийта бинти Абдуллоҳ бин Убайдуллоҳ бин Абдуллоҳ ал-Ҳорис эди. Ва шундан сўнг Муслим Қаҳтаба билан лашкар юборди. То 70000 одам жўнашга жамъ бўлдилар. Ва Қаҳтаба Райдан Исфаҳонга жўнади. Ва у ердан тополмай кетди. Ва Хуросон катталарики, Наср-и Сайёрнинг таъаллуқлилари эди, уларнинг ҳаммаларини ўлдирди. Сўнг Қаҳтаба Ироқ қасдини қилди. Ва Фротдан кечиб ўтди. Ва унинг лашкарлари ҳам кечиб ўтдилар. Ва шу кеча жанг бошладилар. Марвон лашкаридан Язид бин Ҳайраки, қоча бошлади. Ва чун кундуз бўлгач, Қаҳтабанинг асарини кўрмади. Ва чун Марвон буни эшитиб деди: "Бу ишга ки ҳеч сабаб йўқдир. Зероки, ҳаргиз ўлган тирикка зарар етказа олмас". Ва бу вақтда Марвон Иброҳим Имомни ҳибс қилди. Абул Аббос Саффоҳ ўз яқинлари билан қочиб Куфага келиб яширинди. Ва ундан сўнг Муслим хилофатни кимга беришни тараддудига тушди. Унинг майли гоҳ Жаъфар бин Муҳаммад Али бин Абу Толибга эди. Ва гоҳ Абдуллоҳ бин ал-Ҳусайн бин ал-Ҳасан бин Али бин Абу Толибга ва гоҳ Абул Аббос Саффоҳ ва Жаъфарга тушар эди. Бу ишни унга мусаллам қилмади. Сўнг билиб илтифот қилмади. Оқибат Саффоҳга байъат қилдилар. Шундан сўнг Абдуллоҳ бин Алики, Саффоҳнинг амакиси эди. Лашкар тўплаб, Марвоннинг қасдини қилди. Ва Марвонни ундан ҳазимат қилди. Ва унинг бир қанча акобирларини ўлдирди. Ва шундан сўнг Марвонни талаб қилди. Ва Миср қишлоқларидан бўлган бир қишлоқдан топди ва ўлдирди. Ва чун хилофат Аббосийларга муқаррар бўлди. Абу Муслим ҳам аввалги қоидага кўра далирлик қилди. Ва ишларни халифа дастурига хос қилди. Ва Абу Жаъфар Мансурки, Абул Аббоснинг биродари эди. Ундан мункир бўлди. Лекин Абул Аббос деди: "Мен уни ўлдириш қасдини қилмайман. Зероки, менга одамлар бу сабабдан маломат қиладилар. Ва чун Саффоҳ ўлди ва Абу Жаъфар Мансур тахтга ўтирди. Ва у Абу Муслимни ўлдиришни хоҳлади. Ва вақтида Абу Муслим айтган эди: "Аббосийлар билан менинг ҳолим шундайдирки, солиҳлардан бўлган бир одам шернинг суягини кўриб, жойида туриб қолади. Дуо қиладики, худои таъолони уни тургизсин деб. Чун шер тирилгач, у одамга дейди : "Сенинг менда ҳақинг каттадир. Лекин менинг маслаҳатим шуки, сени ўлдираман. Зероки, сен дуоси мустажоб одамсан. Сўнг яна бошқа бир дуо қилгилки худо мени ўлдирсин ё бошқа бир шерни яратсин. Мен кучлироқман ва шу сабабдан сенга музаррат қиляпман. Шунинг учун сени ўлдираман". Аббосийлар менинг қувватим билан оёққа турди. Уларнинг маслаҳати менга қаҳр қилишликдир". Ва Абу Жаъфарнинг оқибати билан Мансур Абу Муслимни ўлдирди. Ва шундан сўнг хилофат Аббосийларга муқаррар бўлди.*

*Хулафо-и бани ул-Аббос. Аввал Абул Аббос. Абдулло бин Муҳаммад бин Али бин Абдулло бин ал-Аббос ал-Саффоҳ. Ва унинг валоят муддати 4 йил-у 8 ой бўлди. Иккинчи Абу Жаъфар Абдуллоҳ бин Муҳаммад бин Али ал-мулаққаб "Бабак ал-Мансур". Ва унинг валояти 22 йил эди. Учинчи ал-Маҳдий бин ал-Мансур. Ва унинг валояти 10 йил-у 1 ой ва 22 кун бўлди. Тўртинчи ал-Ҳодий. Ва унинг номи Мусо бин ал-Маҳдий эди. Ва унинг давлатининг муддати 1 йил-у 1 ой бўлди. Бешинчи Ҳорун ар-Рашид Маҳдий ўғли. Ва унинг хилофати 23 йил эди. Олтинчи Муҳаммад ал-Амин Ҳорун ўғли. Унинг давлатининг муддати 4 йил-у 8 ой ва 5 кун бўлди. Еттинчи Абдулло бин ар-Рашид ал-Мулаққаби бе Моъмун бўлди. Унинг давлатининг муддати 20 йил-у 6 ой ва 13 кун эди. Саккизинчи ал-Муътасим биллоҳ Муҳаммад бин Ҳорун ар-Рашид. Ва унинг давлатининг муддати 8 йил-у 8 ой ва 2 кун бўлди. Уни "саккиз подшоҳнинг сўнггиси" деганлар. Абул Аббос наслидан эди. Зероки Муҳаммад бин Ҳорун бин Муҳаммад бин Абдуллоҳ бин Муҳаммад Али бин Абдуллоҳ бин ал-Аббос эди. Ва у 48 йил умр кўриб вафот этди. Ва унинг 8000 ғуломи бор эди. Тўққизинчи ал-Восиқ биллоҳ. Абу Жаъфар бин Ҳорун бин ал-Муътасим. Унинг хилофати 5 йил-у 7 ой ва 3 кун бўлди. Ўнинчи ал-Мутаваккил Алиуллоҳ Абул Фазл Жаъфар бин ал-Мутасим. Ва унинг хилофати 17 йил бўлди. Ва уни ўзининг ўғли ўлдирди. Ўн биринчи ал-Мустансир бин Муҳаммад бин ал-Мутаваккил. Ва унинг хилофати 6 ой эди. Ўн иккинчи ал-Мустаъин биллоҳ Абул Аббос Аҳмад бин Муҳаммад бин ал-Муътасим. Унинг хилофати 3 йил ва 9 ой эди. Ўн учинчи ал-Муътаз биллоҳ Абу Абдулло аз-Зубайр бин ал-Мутаваккил. Ва унинг хилофати 3 йил-у 6 ой бўлди. Ўн тўртинчи ал-Маҳдий биллоҳ Абу Жаъфар Муҳаммад бин ал-Восиқ. Унинг хилофати 1 йилдан озроқ бўлди. Ўн бешинчи ал-Муътамад Алиуллоҳ Абул*

*Аббос Аҳмад бин ал-Мутаваккил. Ва унинг хилофати 22 йил-у 11 ойдан кўп эди. Ўн олтинчи ал-Муқтасид биллоҳ Абул Аббос Аҳмад бин Талҳа ал-Мавфуқ ал-Мутаваккил. Ва унинг хилофати 9 йил-у 8 ой ва 25 кун эди. Ўн еттинчи ал-Мукаттафа биллоҳ Абу Муҳаммад ал-Муътазид. Ва унинг хилофати 6 йил-у 6 ой ва 23 кун эди. Ўн саккизинчи ал-Муқтадир биллоҳ Абул Фазл Жаъфар бин ал-Муътазид. Ва унинг хилофати 24 йил-у 2 ой ва 7 кун эди. Ўн тўққизинчи ал-Қоҳир биллоҳ Абу Мансур бин Муҳаммад бин ал-Муътазид. Ва унинг хилофати 1 йил-у 5 ой ва 21 кун эди. Йигирманчи ар-Розий биллоҳ Абул Аббос Аҳмад ал-Муқтадир. Ва унинг хилофати 7 йил-у 2 ой ва 11 кун эди. Йигирма биринчи ал-Муттақий биллоҳ Абу Исҳоқ Иброҳим бин ал-Муқтадир. Ва унинг хилофати 3 йил-у 11 ой эди. Йигирма иккинчи ал-Мукаттафа биллоҳ бин ал-Муътазид. Ва унинг хилофати 1 йил-у 3 ой ва ... кун бўлди. Йигирма учинчи ал-Мутиъуллоҳ Абдулқосим ал-Фазл бин ал-Муқтадир. Унинг хилофати 29 йил-у 4 ой эди. Йигирма тўртинчи ат-Тоъий биллоҳ Абу Бакр бин ал-Мутиъуллоҳ. Унинг хилофати 17 йил ва 8 ой эди. Йигирма бешинчи ал-Қодир биллоҳ Абул Аббос Аҳмад бин Исҳоқ ал-Муқтадир. Унинг хилофати 41 йил-у 3 ой эди. Йигирма олтинчи ал-Қоим биамруллоҳ Абу Жаъфар Абдулло бин ал-Қодир. Унинг хилофати 44 йил-у саккиз ой бўлди. Йигирма еттинчи ал-Муқтадо биамруллоҳ Абулқосим Абдуллоҳ бин Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қоим. Унинг хилофати 7 йил-у 2 ой устига 2 кун. Йигирма саккизинчи ал-Мустазҳар биллоҳ Абул Аббос Аҳмад бин ал-Муътадо. Унинг хилофати 25 йил-у 6 ой бўлди. Йигирма тўққизинчи ал-Мустаниз биллоҳ Абу Мансур ал-Фазл бин ал-Музтазҳир. Ўттизинчи ар-Рошид. Ўттиз биринчи ал-Муқтафо биллоҳ. Ўттиз иккинчи ал-Мустанжид биллоҳ. Ўттиз учинчи ал-Мустазо биллоҳ. Ўттиз тўртинчи ал-Нозириддинуллоҳ. Ўттиз бешинчи ат-Тоҳир биллоҳ.*

***Олтинчи асл.*** *<u>Султон Маҳмуд Ғазнавий подшоҳлигининг ибтидоси ҳақида.</u> Хуросоннинг подшоҳи Мансур бин Нуҳ бин Наср эди. У ўлгач подшоҳлик унинг ўғлига етди. Нуҳ бин Мансур ал-Мулаққаб Боларзий ва унинг лашкарининг сипоҳсолори Абу Али бин Муҳаммад бин Иброҳим Симжур эди. Ва Абу Алиниг хизмати катта эди. Сабаб ва кўп муддат унга ҳосил бўлди. Ва у Нуҳнинг амрига мухолифат қилди. Ва Нуҳ уни истеъонат қилишни ҳоҳлаб қолди. Амир Сабуқтегинки, Маҳмуднинг отаси эди. Ҳиротда Абу Али Симжур билан жанг қилди ва Абу Али енгилди. Ва шундан сўнг Абу Али ва Маҳмуд ораларида воқеъа содир бўлди. Ва оқибат Абу Али ҳазимат топди ва Хоразмга қочди. Ва нома ёзди "Бухоро жонибини истиъонат қиламан" деб. Бухороликлар уни катта истиқбол билан кутиб олдилар. Ва у шаҳарга нузул қилгач, уни маҳбус қилдилар. Ва уни банди қилиб Маҳмудга юбордилар. Ва Маҳмуд уни темир қафасга солиб қўйди ва Ғазнига олиб борди. Ва Хуросон вилояти Амир Нуҳга муқаррар бўлди. Чун у ўлгач, унинг ўғли Абул Ҳорис Мансур бин Нуҳ бин Мансур унинг жойига ўтирди. Сўнг унинг лашкари мухолифат қилдилар ва уни маъзул қилдилар. Ва унинг бhistorical биродари Абдулмалик бин Нуҳни амир қилдилар. Сўнг Маҳмуд унинг қасдини қилди. Ва Марвда у билан жанг қилди. Ва Маҳмуд ғолиб келди. Ва Абдулмалик Бухорога қочди. Ва чун Бухорога етгач, Арслон Илиг Озарканддан келди. Ва Абдулмаликни 17 та хос одамлари билан бирга тутиб олди. Ва Озаркандга қайтди. Ва Мовароуннаҳрга муставли бўлди. Ва Сомонийлар подшоҳлиги охирига етди. Ва Амир Маҳмуд Хуросонга муставли бўлди. Сўнг Райга қасд қилди. Ва Фахруддавла Абу Толиб Рустам ал-Мулаққаб лашкари билан, Шоҳаншоҳ билан жанг қилди. Маҳмуд ғолиб чиқди. Ва Рустамни ва унинг ўғлини қўлга олди ва Хуросонга олиб кетди. Ва ўғли Масъудни Рай ва унинг навоҳисига жўнатди. Ва у Хуросонга қайтди. Сўнг Масъуд Исфахон қасдини қилди ва уни мустахаллис қилди ва кўп молни қўлга туширди. Чунонки, 300 хум олтинни қўлга туширди. Ва бир хона тўла марварид ва забаржад қўлга туширди. Ва Маҳмудни ўлганлиги хабари етди ва у Хуросонга келди. Ва Ғазнига жўнади. Ўзининг биродарини ўлдирди ва унинг мулки мустақим бўлди.*

***Еттинчи асл.*** *<u>Салжуқийлар давлатининг зуҳури ва уларнинг аҳволи ҳақида.</u> Чун Султон Маҳмуд Ғазнида азимати сокин бўлгач, лағув ва тарабга машғул бўлинди. Ва шу вақтда волийи Бухоро Али Тегин эди. Ва туркманлар жамоатики биёбонда бош эдилар. Уларнинг бошида Ҳасан бин Мусо Салжуқий эди. Ва биродарлари Довуд ва Абу Толибки, ҳар*

*иккиси Мекойил бин Салжуқнинг ўғиллари эдилар. Сўнг Али Тегинки, туркманларни у жойдан узоқлаштирди. Ва улар Хоразмга келдилар. Ва сулс ва ашрин ва арбаъа санасида уларнинг сони 15000 эди. Ва уларнинг катта-ю кичиклари Ғовхўра қишлоқларига тарқалдилар. Ва Султон Маҳмуднинг овозаси уларга етди. Ва улар бу жойда сабр қилиб турдилар. Ва чун Хуросон иши музтариб бўлгач, улар талончилик қила бошладилар. Ва шаҳарларга эгалик қила бошладилар. Ва Султон Масъуднинг юборган ҳар бир лашкарлари улардан енгилди. Вақтики, Султон Масъуд йўлга чиқди. Улар Сарахсда эдилар. Чун хабар келди, эшитдики Масъуд Марв жонибига келаётган экан. Масъуд биёбондан ўтаётган эди. То етгунча улар Диҳга келдилар. Масъуд ўтишда уларни кўрди. Сўнг бетартиб жанг қила бошладилар. Чун Масъуд ўз лашкарини анча заъиф кўрди. Ва ўзини ўлдирадилар деб қўрқувга тушди. Ва қоча бошлади. Ва Сарсхсга келди. Ва салжуқийлар унинг хазинасини қўлга туширдилар. Ва бу воқеа Одина куни содир бўлган эди. "ат-Тосиъ мин рамазон сана-и ахади ва сулсин ва арбаъа мота". Ва шундан сўнг Хуросон Салжуқийларга бўлди. Сўнг вилоятни тақсим қилдилар. Жаъфарийбекки, меҳтар эди. Унга Сарахс, Марв, Балх ва то Ғазнингача бўлган ерлар берилди. Ва Абу Толиб бин Муҳаммадки, унинг лақаби Тўғрул эди. Унга Нишопур берилди. Ва уларнинг ҳар иккаласи ҳам Мекойил Салжуқнинг ўғиллари эдилар. Ва Биғулаки, номи Абул Ҳасан бин Мусо эди. Уларнинг амакисининг ўғли эди. Соҳиби рой ва тадбир эди. Унга Ҳирот берилди. Шундан сўнг Хоразмни қўлга киритдилар.*

*Ундан сўнг Тўғрул Табаристон ва Рай ва Исфаҳон ва Ҳамадонни қўлга киритди. Ва унинг дорул-мулки Рай бўлди. Ва ўз номини "Султон" деб юрита бошлади. Сўнг ўзининг амакисининг ўғлини ва ўз биродари Иброҳимни Румга юборди. Шу вақтда Арслон Басоирий Бағдодда муставли бўлди. Ва Қоим биллоҳ унинг олдида ожиз қолди. Сўнг Қоим нома ёзиб, Тўғрулнинг ёнига юборди. Ва уни Бағдодга чорлади. Чун Тўғрул шу тараф қасдини қилди. Басоирий қочди. ва Шомга кетди. Ва Тўғрул Бағдодга жўнади ва халифага таъзим қилди. Ва унинг фармони билан Шомга йўл олди. Басоирий иши тадориги учун Тўғрул лашкари Иброҳим Ниёл билан мухолифатда бўлдилар. Чун Тўғрулбек Насибинга етди. Иброҳим Ниёл ундан қочди. Ва Ироқ қасдини тутди. Тўғрул унинг хазинасини қўлга олади деб қўрқиб, унинг изидан таъқиб қилди. Ва уни қўлга туширди ва ўлдирди. Чун Тўғрулбек Ироқга келди. Басоирий Боғдодга қайтди. Ва Ҳалифани ўлдириш пайида бўлди. Ва оқибат унга жон омонлик берди. Ва Басоирий Бағдодга муставли бўлди. Ва хутбани Мустансир номига ўқитди. Ки у Миср халифаси бўлди. Ва чун Тўғрул Бағдод қасдини қилди. Бағдод катталари халифани тутдилар ва Султон қошига юбордилар. Султон халифанинг хизматига пиёда чиқди. Ва унинг туҳфасини қабул қилди. Шундан сўнг Басоирий қасдини тутди. Ва уни ушлаб олиб қатл қилди. Ва Райга қайтди. Ва унинг мулки мустақим бўлди.*

***Саккизинчи асл.*** *<u>Салжуқийларнинг аҳволи ҳақида.</u> Чун Жаъфарбек ўлгач, Амир Абу Шужаъ бин Муҳаммадки, унга Улуб (алп) Арслон дер эдилар, унинг жойига ўтирди. Ва чун Тўғрул ўлди. Улуб Арслоннинг биродари Усмон Чағрибекни ўзининг валиаҳди қилган эди. Лекин Қутилмиш бинни Исройил бин Салжуқ Усмонни мағлуб қилди. Улуб Ироққа кетди ва Қутилмиш билан жанг қилди. Ва уни енгиб Райга келди. Ва подшоҳлик тахтига ўтирди. Ва мулки Ироқ ва Хуросон ва Хоразм ва Кўҳистон таслим бўлди. Ўзи Румни забт этиш учун жўнади. Ва у ернинг шаҳарларини, фатҳ қилди. Ва икки бора Рум билан уруш қилди. Ва Румнинг подшоҳини асир олди. Ва уни авф қилиб, унга хилъат берди. Ва ўзининг жойига ўтирғизди. Ва Макка ва Мадинада унинг номига хутба ўқилди. Бироз вақт ўтгач у билан Насрхон бин Тамғочхон ўртасида хусумат пайдо бўлди. Ва Султон Улуб Арслон 4000 аскар билан Ироқдан чиқди. Ва Жайҳундан кечиб ўтди. Ва яқинларидан бири соҳиб фарсаҳки, унга Амир Юсуф дер эдилар, кўп яқинларини ўлдирди. Уни Султон қошига олиб бордилар. Султон у билан итоб қилди. Шунда камон ўқини узоққа отди. У рад қилди. Шунда Султон иккинчи ўқини унга отишни хоҳлади. Ва у киши бу ишни қилишга йўл бермади. Ва Султоннинг юзига урди. Султон тахтдан тушишни хоҳлади. Унинг жомаси эса тахтга илашиб қолди. Ва Султон шу сабабдан оёғи тойиб кетди. Ҳалиги асир эса ўзини Султонга томон отди ва Султон билан олиша кетди. Чодирга Амири бузург кириб келди. Ва чодирнинг ташқарисида минг чавшандор киши ҳозир бўлдилар. Ва у киши Султонни ярадор*

*қилди. Ва ташқарига чиқди. Ҳеч ким уни ушламади. Фаррошлар уни ушлаб, пора-пора қилдилар. Ва Султон шундан сўнг тўрт кун яшади ва ўлди. Унинг ўғли Маликшоҳ ўрнига ўтирди. Ва Ироқ, Хуросон, Шом ва Мовароуннаҳр унга мусаллам бўлди. Ва чун ўлгач, Туркан хотуннинг ўғли Маҳмудки, у билан лашкар орасида хусумат пайдо бўлди. Ва Туркан хотун уч йил муддатида 16000 динор харж қилди. Ва оқибат Маҳмуд оиласида ўлди. Ва хотун ҳам шунда ўлди. Ва подшоҳлик Баркиёриқда мустақим бўлди. Шундан сўнг унинг биродари у билан низолашди. Ва енгилди. Ва Баркиёриқ умрининг охиригача подшоҳлик қилди. Ва Патиш Улуб ўғли у билан жанг қилди. 60000 отлиқға қарши Баркиёриқ 20000 кишини рўбарў қилди. Ва Амир Тилташ кечаси шароб ичган эди. Кундузи маст эди. Шунда ҳам жанга кирди. Қўққисдан ҳамла қилди. Баркиёриқ Туркмонийнинг лашкаридан бир ўқ унинг отига тегиб, уни отдан йиқитди. Сўнг ўзга бир ўқ отилди. У буни билиб, дарҳол чап бериб, унинг бошини узиб ташлади. Ва унинг лашкари енгилди. Ва Баркиёриқ зафар қучди. Ва бу воқеада унинг биродари Маҳмуд унга мухолифат бўлди. Амирдод Ҳабаший Хоразмга кетди. Ва шунда муставли бўлди. Сўнг Хоразм мамлакати Хоразмшоҳ-и кабир Қутбиддин Муҳаммад навараллоҳу қабраҳуга таслим бўлди. Оқибатда уни қўлга олди. Ва ўлдирди. Ва Баркиёриқ чун Хуросон унга мустахаллис бўлди. Ўзининг биродари Санжарни тахтига яқинлаштирмади. Ва Санжар Ғазнага кетди. Ва Ғазна мамлакати унга мусаллам бўлди. Ва шундан сўнг унинг биродари Муҳаммад эдики, у ўлди. Ва подшоҳлик унда мустақим бўлди. Ва оқибат Ғазна лашкарига у муставли бўлди. Ва Хуросон шаҳарлари шу сабабдан хароб бўлди.*

***Тўққизинчи асл.*** *Худованди олам, подшоҳи бани Одам, Аълоуддин Қутб ал-ислом вал муслимин Абул-Музаффар Тегин бин Хоразмшоҳ бин Хоразмшоҳ, Бурҳони амир ал-мўъминин Аълауллоҳ Бурҳонаҳу ва хулди Султонаҳу мақомотининг зикрида. Ва ҳар чанд унинг мақомоти шарҳи даражоти ва қудратини башарий ва инсоний тоқат қила олмайди. Булар бу китобда мухтасардир. Лекин шу жиҳатданки, то бу китоб шу туфайли машриқда таниқли бўлди, ва ямини илтифоти муборак ва мақбули олам бўлди. Шама қилишни хоҳлар эдимки, чун Подшоҳ маснади яхши иқбол нурлари музайяндир. Ва жумла подшоҳлар унга мусаххир ва мутиъ бўлдилар. Хуросон жонибидан Мувайяид тамарруд кўрсатди. Ва тамом лашкари ва иддати бисёр Ҳазрати Хоразм қасдини қилдилар. Ва чун ҳар икки лашкар бир-бирига рўбарў бўлдилар. Бир лаҳзада ҳақ ботил устидан ғалаба қозонди. Ва Мувайяид гирифтор бўлди. Ва унга сиёсат кўрсатди. Ва ҳаммаларига раҳм қилиб, омонлик берди. Ва таъаддий ва таъарриз қўлини ўз жонибидан кўтоҳ қилди. Ва авф қилди. Бу қудратки, бу сифат илоҳийдир. Қадами сидқ ва қуҳи азимат ва таҳорати ақидат маржаҳонлари зоҳир қилди. Ва шундан сўнг, лашкар билан ки жумла ислом лашкари ундан ожиз эди. Мухолифлик зоҳир қилдилар. Бе азми саҳиҳ ва амали қабиҳ абтоли роёт ва изҳори талбисот кўрсатдилар. То Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло Ямини ҳиммат, Подшоҳи ва сидқи ҳиммати мулканоҳуга жамиъ куффор томирини суғуришга ёрдам берди. Ва заъфи ризқ ал-ишо унинг ҳарорати ва қувватини бавосита оламга ошкор қилди. Қўрқаманки, ҳозир атрофдаги подшоҳликлар жумласи бу боргоҳга истиғонат қиладилар. Ва қўлидан келганларига унга яқин бўлишни истайдилар. Ва ўз ихлосларини кўрсатиб, унга бандалигини арз қиладилар. Ва жамиъ куффор тўдасидан бир қанчалари Худойи Таъоло динига кирдилар. Ва аморот зоҳир бўлиб кўринди ва равшан бўлди. То андак эски дунёнинг куффор лашкари топилмади. Ва жаҳон нури иймондан мунаввар бўлди. Ва Подшоҳи ислом то қиёму қиёмат боқий бўлсин, Изид Таъоло барокоти жадд ва ижтиҳод, Подшоҳи Одил, Мужоҳид, Ғозийи дар жамиъ куффор ва қалъа-и футтор унинг рўзғорини етказсин! Ва ба ақсо ул-имкон, ҳиммати барасоно ва беминнаҳу ва карамаллоҳу аълам ва мулкиҳу-л-бақо!*

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар.**

1. Розий Фахриддин. Жомиъ ул-улум. (Тошбосма) Тошкент. 1897.
2. Холлиева Г.И., Матниёзов А.Р. Ўрта аср хоразмшоҳлар давлатида деҳқончилик илми // Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. II қисм. Тошкент. 27-28 май, 2010. 66-69 Б.

## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Бакиров П. (Термиз давлат университети)

# МУҚАДДАС ОНА, АЁЛ ВА ФАРЗАНДЛАР ҲАҚИДА ҲАДИС ВА МАҚОЛЛАР

الجَنَّةُ تَحتَ اَقدَمُ أمَّهَاتِ Ал жаннату таҳта ақдами уммаҳати – Жаннат оналар оёғи остидадур”
(Муҳаммад Расулуллоҳнинг ҳадисларидан)

**Аннотация.** *В статье рассматриваются предания о пророке Мухаммеде, его благословенные выражения (хадисы) и пословицы о матере, родителях, женщине и детях, определяется их духовно-воспитательное значение.*

**Ключевые слова:** *хадисы, матеры, родителы, женщины, дети.*

**Аннотация.** *Мақолада Муҳаммад пайғамбарнинг ота-она, аёл ва фарзандлар ҳақидаги ҳадислари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти кўриб чиқилади.*

**Калит сўзлар:** *ҳадислар, оналар, аёллар, фарзандлар.*

**Abstract.** *The given article deals with the holy words and sayings about Prophet Mohammed, his Hadiths and the proverbs about the mother, parents, wife and the children, and also defined their spiritual-educational significance.*

**Key words:** *Hadiths, mother, parents, children.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг миллий анъана, маънавий ва диний қадриятлар, бетакрор урф-одатларни ўрганишга катта эътибор берилмоқда. “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, – деган эди мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов, – аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди” [1:131].

Маълумки, комил инсон тарбиясининг, шу жумладан ёш авлод тарбиясининг муҳим шартларидан бири уларнинг қалби ва онгига, кундалик турмуш тарзига “ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналар” [2:8] ҳамда неча асрлар давомида халқимизнинг қалбидан чуқур ўрин эгаллаб келаётган муқаддас ислом динимизнинг инсоний фазилатлар билан йўғрилган манбаларининг мазмун моҳиятини тушунтириш ва сингдира боришдан иборатдир.

Ҳозирги замон ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган сўз ва фразеологик ибораларни ўз ичига олган ўзбек адабий тилининг норматив луғатида “ҳадис” сўзи араб тилидан ўзлашган диний атама эканлиги қайд этилган. “Ҳадис” сўзи арабча “**حدث**” ўзаги англатган “юзага келмоқ”, “пайдо бўлмоқ”, “ҳосил бўлмоқ” маъноларини билдирувчи сўздан вужудга келган бўлиб, “Муҳаммад пайғамбардан қолган гап-сўз ҳамда пайғамбар ҳақидаги ривоятлар, ҳикоялар” деган маъно билан муайянлашган. Ўзбек тилидаги “ҳадиси шариф” ибораси ҳам айнан “ҳадис” [3:671] деганидир.

Ҳ.Ҳикматуллаев ва А.Мансуровларнинг фикрларига кўра, “ҳадис – ислом дини таълимоти бўйича Қуръондан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба бўлиб, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олади. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар бирор гап айтган ёки бирор ишни қилиб кўрсатган бўлса ёхуд бошқаларнинг ўзларича қилаётган бирон ишини кўриб, уни ман этмаган бўлса, шу уч ҳолатнинг ҳар бири суннат ҳисобланади. Ана шу хатти-ҳаракатлар ёки кўрсатмалар ҳақидаги ривоят “ҳадис” деб юритилади” [4:1].

Усмон Закий Мулла Муҳаммаднинг “Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий китобининг уч хусусияти” мақоласида келтирилишича, “ҳадис – сўзлашув ва хабар бериш маъносида келган нақлнинг (баён ва ифоданинг) номидир. Кейин Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари ёки феъллари ёхуд тақрирлари (бирор масаладаги тўхтамлари) ҳадис дейилган, айрим олимлар “ҳадис” тушунчасида “янгилик” деган маъно бор деб бу сўзни “қадим” сўзининг муқобили сифатида қўллашган. “Қадим” деганда Аллоҳ таолонинг

Китоби Қуръони каримни, “ҳадис” деганда эса Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларини назарда тутишган” [5:26,27].

Маълумки, ҳадислар инсон маънавиятини шакллантиришга хизмат қиладиган ва муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асосий мезонлардан биридир. Уларда одоб-ахлоқ, оилавий муносабатлар, ота-онанинг фарзандлари олдидаги бурчлари, фарзандларнинг ота-оналари олдидаги бурч ва вазифалари, фарзандларнинг ўзаро муносабатлари, адолат, инсоф, диёнат, илм ва билимнинг фойдаси, яхшилик ва эзгулик, ҳамжиҳатлик каби ижобий хислатлар улуғланади. Шунинг билан билан бир қаторда ёмонлик, разолат, зулм ўтказиш, сабрсизлик, исрофгарчилик, масъулиятсизлик каби салбий иллатлар қораланади.

Ўзбек тилидаги “мақол” термини арабча “қавлун” “قول” (айтмоқ, гапирмоқ) сўзидан олинган бўлиб, у халқнинг асрлар мобайнида тўплаган ҳаётий тажрибасини бебаҳо мерос сифатида келажак авлодларга етказади. Бу паремиологик бирликлар замонлар оша, халқ донишмандлигининг муҳим манбаи сифатида оғиздан-оғизга ўтиб сайқалланиб келган. Мақоллар халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари сингари ҳар халқнинг миллий адабий ва маънавий бойлиги ҳисобланади. Улар халқнинг миллий-маданий хусусиятлари ва унинг қирраларини, анъана ва қадриятларини, миллатнинг руҳий ҳолатини тўлиқ ифодалайди ҳамда жамиятнинг, айниқса, эртанги кун эгаси бўлган ёшлар онгини ўстиришда муҳим роль ўйнайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиянинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти” [6:34] эканлиги таъкидланган.

Ана шундай бой интеллектуал мулклардан бири мақоллардир. Дунёда таркибида мақоллари бўлмаган бирорта ҳам тил йўқ. Мақолга берилган таърифда ҳам шу хусусиятни кўриш мумкин. “Мақол, – дейилади “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да, – ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам образли ва ҳикматли ибора, гап” [3:456].

Мақоллар тематик нуқтаи назардан кенг кўламлидир. Улар инсоният жамияти ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади. Эҳтимол, мақолларда ўз аксини топмаган жамиятнинг бирор-бир моддий ва маънавий фаолият соҳасини топиш қийин.

Профессор Т.Мирзаев қуйидагича таъкидлайди: “Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар хулосасини тугал фикр тарзида қатъий қутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади” [7:5].

Мақоллар халқ донолигининг дурдоналари, кўп асрлик тажрибаларда синалган маънавий бойлиги ва маданий меросидир. XIX асрнинг машҳур ёзувчиси, тилшуноси ва этнографи, рус мақоллари ва маталлари тўпламининг муаллифи В.И.Дальнинг фикрича, “мақоллар…яратилмайди, балки ўзи туғилади” [8:1].

Таҳлил учун олинган ҳадислар “Axloq-odobga oid hadis namunalari” [4:1] тўпламидан олинди. Ўз вақтида бу тўпламнинг яратилишида муаллифлар Муҳаммад ибн Исмоил Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий, Абул Ҳусайн, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ас-Сажистоний, Аҳмад ибн Шуайб Абу Абдурраҳмон ан-Насоий, Ибн Можа Муҳаммад ибн Язид ибн Можа Абу Абдуллоҳ каби йирик ҳадис олимлари ва бошқа қатор ҳадис йиғувчиларининг маълумотларига таянганлар. Волидаи муҳтарамамиз ҳамда падари бузрукворимиздан эшитган баъзи ҳадислар ҳам ушбу мақолада ўз ўрнига эга бўлди.

Қуйида кўриб чиқиладиган мақоллар ўзбек халқ мақоллар тўпламлари [9,10,11,12,13,14] ва суҳбатларда ота-онаваримиздан эшитган халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан олинди.

Онанинг муқаддаслиги ҳақидаги ҳадислар тарбиявий аҳамияти жиҳатидан ўта муҳим ўрин эгаллайди: “Жаннат оналар оёғи остидадур”**,** “Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил”, “Агар ота-она бирданига чақириб қолишса, аввал онага

жавоб қил!", "Қайси бир аёлнинг учта фарзанди ёшлигида оламдан ўтса, улар қиёмат куни дўзахни тўсиб турувчи парда бўлади", "Икки қиз фарзандни боқиб, тарбиялаб вояга етказган одам билан Мен жаннатда бирга бўлурман", "Кимки учта қиз фарзандни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдадир".

Мақолларда аёл фаришта сифатида гавдаланади: "Аёлнинг сариштаси – рўзғорнинг фариштаси", "Аёлнинг сунбули – йигитнинг дили".

Қатор ҳадисларда инсонни дунёга келтирган ота-онанинг буюк зот эканликларини тўғри англамаган, уларнинг ҳурматини, эътиборини жойига қўймаган, розилигини олмаган, бу улуғ кишиларни бошига кўтариб кўнглини кўтармаган фарзандлар икки дунё саодатидан маҳрум бўлишлари мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади: "Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин", "Ота-онаси қарғаганни Тангри қарғайди", "Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиради", "Уч хил сифат бордирки, кимда-ким уларга эга бўлса, Тангри қиёмат куни уни ҳимоя қилиб, ўз жаннатига киргизур: 1. Заифа билан хушмуомала бўлиш. 2. Ота-онасига шафқатли бўлиш. 3. Қўл остидагиларга ҳимматли бўлиш". "Уч хил дуо бордирки, улар шаксиз мустажоб бўлгай: 1. Ота-онанинг фарзанд ҳақига қарғаб туриб қилган дуоси. 2. Мусофирнинг дуоси. 3. Мазлум кишининг дуоси". "Уч хил киши бордирки, Тангри қиёмат куни уларга раҳмат назари билан боқмайди: 1. Ота-онасини норози қилиб, уларга оқ бўлган киши. 2. Ўзини (кийим ва пардозда) эркакларга ўхшатиб олган аёл. 3. Ўз хотинига рашк қилмайдиган эр". "Уч тоифа кишилар борки, улар жаннатга кирмагайлар: 1. Ота-онасига оқ бўлган фарзанд. 2. Ичкиликка муккасидан кетган киши. 3. Берган хайри эҳсонини ёки яхшилигини миннат қилувчи одам".

Қатор ўзбек халқ мақолларида ота ақлли, она меҳрибон инсонлар сифатида гавдаланади: "Ота – ақл, она – идрок", "Ота – билак, она – юрак", "Она – меҳрибон, ота – ғамгузор", "Оналик уйнинг ори бор, оталик уйнинг – зари", "Онанг ўлди – отанг ўлди".

Баъзи бир ҳадисларда инсонга ўзида яхшилик мужассам этган умр йўлдошининг насиб этиши Худо томонидан берилган неъмат эканлиги таъкидланса, бошқа ҳадисларда хотинларга турли сифатлар берилади: "Қайси бир мўминга Тангри солиҳа хотин насиб қилган бўлса, демак унинг диёнатининг ярмига ёрдам қилибди. Қолган иккинчи ярми учун унинг ўзи ҳаракат қилсин!", "Хотинларнинг баракалироғи – сарф-харажатни камроқ талаб қиладиганидир", "Бахтсизлик уч нарсададир: ўтда, хотинда ва ҳовлида" (*яъни: ёмон от, ёмон хотин, ёмон қўшни маъносида*), "Хотинларнинг яхшиси эрининг кўзини қувонтирадиган, амрига итоат қиладиган ва у ёқтирадиган нарсасини ёқтирадиган ва ёқтирмайдиганини ёқтирмайдиган бўлади".

Мақолларда "яхши хотин" мавзуси асосий мавзулардан бири бўлиб, у "зийнат", "ризқ", "гул", "хазина", "баҳор"га ўхшатилади: "Бўз яктак қичитар, яхши хотин тинчитар", "Яхши тўн – тўй савлати, яхши хотин – уй зийнати", "Яхши хотин – ярим ризқ", "Яхши хотин – ҳамиша баҳор", "Яхши хотин – уйнинг гули", "Яхши хотин – хазина". "Ёмон хотин" мавзусини ўз ичига қамраб олган баъзи мақолларда у кимса дўзахни эслатади ва салбий томонлари кўрсатиб ўтилади: "Ёмон хотин эрига дўзах қилар", "Ёмон хотин ҳайитда эридан чиқар", "Ёмон хотиннинг ўйнаши кўп", "Ёғмас булут элни алдар, ёмон хотин – эрни", "Эговни эгов дема, ёмон хотинни де".

Ўзбек халқ мақолларида яхши ва ёмон хотиннинг хислат ва хусусиятлари таққосланади: "Яхши хотин белгиси – хиром қилар терини, ёмон хотин белгиси – ерга букар эрини", "Яхши хотин ишлик бўлар, ёмон хотин – тишлик", "Яхши хотин йўқ нарсангни бор этар, ёмон хотин кенг уйингни тор этар", "Яхши хотин – уй бўстони, ёмон хотин – зимистони", "Яхши хотин – уй зийнати, ёмон хотин – тўй зийнати", "Яхши хотин – умр боли, ёмон хотин – жон заволи", "Яхши хотин юзида ой кўринар, ёмон хотин қовоғидан қор ёғилар".

Ҳадисларда эр-хотин, эркак-аёл муносабатлари самимий, тўғри бўлиши, уларнинг иноқ, бир-бирлари билан ҳурматда яшашлари жуда муҳим эканлиги уқтирилади: "Қачонки эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашса, Тангри ҳам уларга ўз раҳмати билан қарайди.

Борди-ю кафтини кафтига қўйса, бармоқлари орасидан гуноҳлари дув-дув тўкилади”, “Аёлларга эркаклар ўз туғишган опа-сингиллари каби бўлишлари керак”.

Мақолларда эр ва хотинга тўғри тавсифлар берилган: “Дўстинг ҳам – эринг, душманинг ҳам – эринг”, “Хотин – уйнинг чироғи”, “Хотин – умр йўлдоши”, “Хотин – эрга ойина”, “Хотин – эрнинг вазири”, “Хотиннинг яхши-ёмони меҳмон келганда билинар”.

Кўплаб ўзбек халқ мақолларида эр-хотин ҳақидаги фикрлар бир мақол таркибига кирган: “Эр – қуёш йўлдоши, хотин – умр йўлдоши”, “Эр – авра, хотин – астар”, “Эр-хотин – қўшқанот”, “Эр қаерда бўлса, хотин ҳам шу ерда”, “Эр вазири – хотин, рўзғор оғири – ўтин”, “Эр – даладан, хотин – уйдан”, “Хотин – бўйин, эр – бош”, “Хотин – уй безакчиси, эр – уй кўмакчиси”, “Хотин – уйнинг зийнати, эр – меҳнати”, “Хотин яхши – эр яхши”.

Ҳадисларда аёл ва ота-она олдида гуноҳкор бўлиш қаттиқ қораланади: “Гуноҳнинг каттаси: Тангрига ширк келтирмоқ, ноҳақ қон тўкмоқлик, ота-онага оқ бўлмоқлик ва ёлғон гувоҳлик бермоқлик”, “Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳаққини емоқликни сизларга ҳаром қиламан”.

Қатор ҳадисларда оила аъзолари, яъни аҳли аёл ҳақида фикр юритилади: “Нафақа (*моддий ёрдам маъносида*) ва садақа беришда аввал ўзингдан бошла. Агар бирор нарса ортса, аҳли аёлингга бер. Яна бирор нарса ортиб қолса, қариндошларингга бер. Улардан ҳам ортса бошқаларга бер”, “Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳлу аёлига хушмуомалада бўлганларингиздир”, “Барча халқлар бамисоли Тангрининг аҳли аёлидир. Улардан Тангрига ёқимлироғи ўз аҳли аёлига фойдаси кўп тегадиганидир”, “Одамларнинг ёмони – ўз аҳли аёлига бахиллик ва қизғанчиқлик қиладиганидир”, “Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсизлар ва ўз қўл остиларингиздагиларга масъулдирсизлар. Подшоҳ ўз фуқароларига, эр ўз аҳли аёлига, хотин эрининг уйига,ходим ўз хўжаси молига, фарзанд ўз отаси мулкига масъулдир. Демак, ҳар бирингиз масъулдирсизлар”.

Қатор ўзбек халқ мақоллари оила аъзолари – фарзандлар, яъни ўғил ва қизларларга бағишланган: “Қизи борнинг бахти бор, ўғли борнинг тахти бор”, “Қўй қўзичоғи билан чиройли, хотин – чақалоғи билан”, “Ўғил – уйнинг булбули, қиз – уйнинг гули”, “Ўғил қанотли от бўлса, қиз қанотли қушдир”, “Ўғил-қиз яхши бўлса, ота-она хурсанд”, “Одам меваси – фарзанд”, “Фарзанд бахти – она тахти, фарзанд камоли – ота жамоли”.

Ўзбек халқ мақолларида ота-она ёки она ва болаларнинг ўзаро боғлиқлиги ифодаланган: “Давлатинг – ота-онанг, савлатинг – ўғил-қизинг”, “Болали хотин – гул хотин, боласиз хотин – тул хотин”, “Гунг боланинг гапини кар онаси тушунар”, “Она билан бола – гул билан лола”, “Она – дарахт, бола – мева”, “Гунг қизнинг тилини онаси тушунар”, “Ота-бола – бир боғ, бири – гул, бири – боғбон”.

Баъзи ҳадислар мунис онажонлар билан маслаҳат қилишга ва улар билан хушмуомалада бўлишга чақиради: “Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналар билан маслаҳатлашинглар”, “Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингни тавсия этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, холаларингдир. Бошқа дин аҳлларининг ҳар бири қўли ипга бормаган аёлга (*чеварлик ишларини бажара олмайдиган аёлга*) уйланса ҳам бир-бирларидан безор бўлиб ажралиб кетмайдилар”.

Шундай мақоллар борки, уларда қиз болаларга таъриф берилади ва уларнинг тарбияси алоҳида ўрин тутиши таъкидланади: “Қиз – қўноқ”, “Бўй қиз – учирма қуш”, “Қиз – меники, бахти – ўзганики”, “Қиз сақладинг – ўт сақладинг”, “Бир қизга етти қўшни – ота-она”, “Туз асрама, сув бўлар, қиз асрама, қув бўлар”, “Яхши қиз – уй обрўси”, “Хотиним қиз туғди деб ўпкалама, шернинг эркак-урғочиси баробар”, “Уй қизи – палахмон тоши”.

Ҳадис ҳаётда инсонлар учун холанинг ҳам ҳурмати бекиёслиги ҳақида таъкидлаб ўтади: “Хола ҳам ҳурмат бобида она билан баробардир”.

Ҳар қандай инсон учун сингил онадек мўътабардир. Бу мавзу қуйидаги мақолларда ўз ифодасини топган: “Онангни кафтингда тутсанг, синглингни бошингда тут”, “Онангни сиртда сақласанг, синглингни кафтда сақла”.

Мақолларда келин мавзуси ҳам ўрин олган: “Яхши келин – келин, ёмон келин – ўлим”, “Онали келин – қарқара, онасиз келин – тасқара”.

“Қайнота ҳам – ота, қайнона ҳам – она”, – деб таъкидлайди мақол.

Бир тематик гуруҳга бирлаштирилган юқоридаги ҳадис ва мақоллар ўзларининг мазмуни нуқтаи назаридан Алишер Навоийнинг қатор ибратли ҳикматларига ҳамоҳангдир. У ўзининг “Арбаъин” асарида Пайғамбар ҳадисларидан бирини моҳирона қўллаб, барчани лол қолдирган [15:105]:

*Оналарнинг оёғи остидадур,*
*Равзаи жаннату жинон боғи.*
*Равза боғин висолин истар эсанг,*
*Бўл онанинг оёғи туфроғи.*

“Шоирларнинг султони”, буюк муршид Алишер Навоийнинг таъкидлашича, “Жаннат боғу бўстонлари оналарнинг оёғи остидадир. Жаннат боғига киришни ҳоҳласанг, онанг оёғининг тупроғи бўл”.

Аёл ва у муборак зот билан чамбарчас боғлиқ бўлган инсонлар ҳақида фикр юритганимиз бежиз эмас, чунки “биз ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур – аёлини эъзозлаган эркак бахтли бўлади, аёлини ҳурмат қилган миллат кам бўлмайди” [16:231].

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, тарбия жараёнида ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини таъминлашда халқимизнинг маънавий анъаналарига, ҳикматли сўз, мақоллар ва ҳадисларнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик ва халқпарварлик моҳиятига эътибор қаратиш алоҳида ўрин тутади. Жамиятнинг барча қатламларини, айниқса, ёшлар ва уларнинг энг илғор қатлами бўлган талаба-ёшларни юксак маънавият ва маърифат соҳиби қилиб тарбиялашда минг йиллар давомида сақланиб келаётган мақол ва ҳадисларнинг ўрни каттадир.

Юқорида келтирилган ноёб маънавий меросларимиз – ҳадис ва мақоллардан тарбиявий восита сифатида унумли ва таъсирли фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Улар фақат яхшилик, эзгулик, бахт ва саодатга эришишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти. 1997.
2. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Тошент: “Ўзбекистон” нашриёти. 2004.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: Икки томлик. Т. I. / З.М.Маъруфов таҳрири остида. Москва. 1981.
4. Hikmatullaev H., Mansurov A. Axloq-odobga oid hadis namunalari. Toshkent: “Fan”. 1990. 1-bet (www.ziyouz.com kutubxonasi).
5. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. “Сунани Термизий”. Ҳадислар тўплами. VI жилдлик. I жилд. Тошкент: “Адолат”. 1999. 26-27 бетлар.
6. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: “Шарқ”. 1998.
7. O‘zbek xalq maqollari (Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov; Mas’ul muharir: Sh.Turdimov. Toshkent: “Sharq”. 2013. T.I. 5-bet.
8. Даль В.И. Пословицы русского народа. М.: Изд. Астрель, АСТ, 2000.
9. Ўзбек халқ мақоллари (2-томлик). Т. I. Тошкент: “Фан”. 1987. 368 б.; Т. II. 1988. 373 б.
10. Ўзбек халқ мақоллари (3-нашри) / Тўпловчилар: М.Афзалов, С.Иброҳимов ва С.Худойберганов. Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти. 1965. 176 б.
11. Ўзбек халқ мақоллари / Ёзиб олувчилар ва тўплаб нашрга тайёрловчилар: С.Худойберганов, М.Афзалов, С.Иброҳимов. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. 288 б.
12. Ўзбек халқ мақоллари (тўплам). / Тўпловчилар: Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусоқулов. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. 512 б.

13. Ўзбек халқ мақоллари. / Тузувчилар: Т.Мирзаев, А.Мусоқулов, Б.Саримсоқов. Маъсул муҳаррир: Ш.Турдимов. Тошкент: "Шарқ". 2003. 512 б.
14. O'zbek xalq maqollari. (Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov. Mas'ul muharrir: Sh. Turdimov. Toshkent: "Sharq". 2013. 512 b.
15. Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар / Нашрга тайёрловчилар А.Тиловов, И.Сайдуллаев. Тошкент: "Sano-standart". 2016.
16. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент: "O'zbekiston" НМИУ. 2015.

Азамат Примов (Урганч давлат университети)

## ШАРАФУДДИН АЛИ ЙАЗДИЙНИНГ «ЗАФАРНОМА» АСАРИНИНГ ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАСИДАГИ ОМОНИМ СЎЗЛАР ҲАҚИДА

**Аннотация.** *Ушбу мақолада Шарафуддин Али Йаздийнинг "Зафарнома" асарининг ўзбекча таржимасидаги омоним сўзлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Айрим ўринларда асар тилидаги омонимларнинг ҳозирги ўзбек тилига муносабати ҳам кўрсатиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *"Зафарнома" асари, омонимия, омонимлар, лексик омонимлар, сўзлар, шаклдошлик.*

**Аннотация.** *В данной статье говорится об омонимах и их своеобразных особенностях узбекского перевода произведения «Зафарнаме» Шарафиддина Али Езди. В некоторых местах указано на взаимоотношение омонимов языка произведения современному узбекскому языку*

**Ключевые слова:** *«Зафарнаме», омонимия, омонимы, лексические омонимы, слова, формативность.*

**Abstract.** *The article deals with the homonyms and their peculiarities in the translation from Persian into Uzbek of the work "Zafarnoma" by Sharafiddin Ali Yazdi. In some places, relationship of Persian homonyms in the work with the modern Uzbek language is enlightened.*

**Key words:** *the work "Zafarnoma", homonymy, homonyms, lexical homonyms, words, single form.*

Шарафуддин Али Йаздийнинг "Зафарнома" асарининг Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий томонидан 1519 йилда амалга оширилган ўзбекча таржимаси XVI аср бошлари эски ўзбек адабий тили ҳолатини ўзида тўлиқ мужассам этган муҳим манба ҳисобланади [1]. Ҳ.Дадабоев ушбу асар тадқиқига бағишланган мақоласида уни тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш муҳимлигини таъкидлайди [2:35-40].

Маълумки, омонимия бир тил доирасида белгиланади ва тил тараққиётининг маълум босқичларида қўлланган сўзлар ўзаро омоним ҳисобланади, яъни омоним деб ҳисобланаётган сўз маълум бир тараққиёт босқичида, бир хил даврда истеъмолда бўлиши керак. "Зафарнома" асарининг ўзбекча таржимасида ҳам омоним сўзлар кўпчиликни ташкил қилади. Асарда бир туркум доирасида омоним бўлиб, грамматик шаклларни қабул қиладиган омонимлар ҳам, турли сўз туркумлари доирасида бўлиб, фақат асос қисми нуқтаи назаридан омоним бўладиган сўзлар талайгина.

Товуш тизими жиҳатидан лексемага тенг келадиган сўз билан, лексемага грамматик шакллар қўшилганда ҳосил бўладиган шаклдошлик фақат нутқ ҳосиласи бўлгани учун уларни функционал-семантик омонимлар деб қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Масалан, *етти* саноқ сони ва *етмоқ* сўзининг асарда учрайдиган яқин ўтган замон қўшимчасини олган шакли (*етти*) шулар жумласидандир. Шунингдек, *емак* сўзи "овқат, егулик" маъносида (*Не **емак** ва не киймакдин ва от-улоғдин барчаға кераки муҳайё бўлғай* [1:294], шунингдек, *-моқ // -мак* қўшимчали ҳаракат номи шаклида (*Ғам **емак** фойда қилмас* [1:94] келади. Бундай сўзлар бадиий адабиётда тажнис санъатини яратишда ҳам қўлланаверади.

Асар тилида бир туркум доирасида омоним бўладиган омолексемалар кўпчиликни ташкил қилади. Бу омонимлар асосан нарса-буюм, унинг белгиси ҳамда ҳаракат-ҳолат билдирувчи сўзларга хос. Масалан, *бўлак* I – “парча”, “гуруҳ”: *Бодғисдин бир бўлак киши от келтуруб сотарлар эди ва қалин эл йиғилиб савдо қилурлар эдилар* [1:18]; *бўлак* II – “совға”: *Ҳожи Вазир отлиқ навкарини кўб **бўлак**лар билан ва отлар ва қатор хачирлару тевалар ва қумошдин беҳадд ҳазратқа йиборди. Ва ул йибаргон пешкашларнинг ичида бир бўз от бор эрди, оти Ханг Аглақ, олтун эгари билан* [1:73]. Асарда *бўлак-бўлак* такрорий сўзи кўп ишлатилган бўлиб у “бир гуруҳ одам”, “алоҳида-алоҳида” каби маъноларни ифодалайди.

*Боғ* I – туркий сўз бўлиб, “бирор нарсанинг тўдалаб боғланган ҳолати” маъносини ифодалайди: *...Ва ҳар бир отлиқ икки улуғ **боғ** шох олиб, отнинг икки ёиида боғласунким...* [1:34].

*Боғ* II – тожикча сўз бўлиб, “мевали дарахт кўп экиладиган ер майдони” маъносидадир: *Ва бир **боғ** ичида бир кўшики солди ва бу **боғ**нинг оти “**Боғ**и давоздаҳ бурж” бўлди* [1:86].

Ўлтурмоқ омоними “ўтирмоқ” ва “ўлдирмоқ” маъносидаги иккита сўздан иборат: *Меҳмонни юртиға келтуруб тушурти ва ўшул замон мажлис ораста қилиб **ўлтурди**лар* [1:22]; *Ва ўшул кеча ҳазрат соҳибқирон тун қайтиб Иом суйигача юриди ва анда душманлардин кўб кишини **ўлтурди*** [1:36].

*Сол* I – “ниманидир бирор нарсанинг ичига жойламоқ” маъносидаги бу сўз асар тилида “тушмоқ” семемасини ифодалаган: *Тун қайтиб Аму суйиға етиб, кечада қирқ киши била ўзини сувға **сол**иб, от билан кечтилар* [1:46]. Асарда бу сўз бир неча кўчма маъноларда қўлланган, шунингдек, *от солмоқ, қилич солмоқ, уруш солмоқ, сурон солмоқ* каби қўшма феълларни ҳосил қилишда ҳам қатнашган.

*Сол* II – “қурмоқ”, “яратмоқ” маъносини ифодалайди: *Ва ҳисору қалъа бино қилдурди ва кўшклару қасрлар **сол**дурди* [1:68]. Ҳозир ҳам Хоразм шеваларида “қурмоқ” маъносида солмоқ сўзи ишлатилади: Уй солди (Уй қурди). Жой солди (Жой қурди). Луғатларда солмоқ сўзининг бу маъноси берилмаган [3:545,546].

*Сол* III – кўмакчи феълли сўз қўшилмаси таркибида кўмакчи феъл вазифасини бажариб, ҳаракатнинг тўла бажарилишини билдиради: *...ўқ отқон кишини бир қилич била чопиб **сол**ди ва ўзга душманлар қочиб кеттилар* [1:103].

“Зафарнома”да ***кеч*** сўзи қуйидаги тарзда омоним бўлиб келган: I – “кечки пайт, кечқурун”: ***Кеч** бўлгон жиҳатидин қайттилар ва ул қалъани ўртада олиб тушилар* [1:99]; II – “белгиланган вақтдан анча кейин”: *Булар **кеч** қолган жиҳатидин ...ўн минг киши билан аларнинг кейнида йиборди* [1:98]; III – “бирин-кетин ўтмоқ, суюқлик ёки шу кабилардан ҳаракатланиб ўтмоқ”, “баҳридан ўтмоқ”, “кечирмоқ”: *“...бу ёзуқни афв қилдим, ва тақи сақолини оқи ҳурматидин **кеч**тим”* [1:72]; *Ва чин Кур суйидин **кеч**тилар* [1:278].

Асар тилида *ўлди* шаклидаги иккита сўз омоним бўлиб келган. Биринчиси, *бўлмоқ* феълининг эски ўзбек тилидаги варианти: *Адув эрдилар бир-бирига мудом, Хароб **ўлди** ул мамлакатлар тамом* [1:151]; иккинчиси, “ўлмоқ, вафот этмоқ” маъносидаги феъл: *Ва йайоғлари от аёғида қолиб, кўб киши **ўлди*** [1:260].

“Зафарнома”да *беркитмоқ* шаклидаги иккита сўз омоним бўлиб келади. I – “Ёпмоқ, тўсмоқ”: *Ва алар ҳисор ичида кириб дарвозаларни **беркитти**лар* [1:74]. II – “қамамоқ, зиндонга солмоқ, банди қилмоқ”: *Юсуф Сўфий элчини тутуб **беркитти*** [1:85]. Асарда *беркитмоқ* сўзининг ҳозирги ўзбек тилидаги “яширмоқ” маъноси учрамайди. *Йағоч* омоними: I –*“дарахт”, “ёғоч”: Ва боғ ичида ҳар турлук мевалиқ йағочлар тикдилар* [1:190]; *Беклар дедиларким, “Олтун табақ не ҳожат турур, **йағоч** табақ етар”* [1:87]. II – узунлик ўлчовини билдирувчи нумератив сўз: *Ва Қовун ариғиким, шаҳардин икки **йағоч** йироқ эрди, анда келиб, йасол тузуб турди* [1:74].

*Ён* (I – қуймоқ, II – қайтмоқ, III – ён тараф, томон) сўзи омонимлари ичида “қайтмоқ” маъносидаги феъл фаол ишлатилган: *Қазағанбек музаффар ва мансур черики билан **ён**ди.*

*Турур* омоними асарда асосан кесимлик шакли, яъни боғлама вазифасини бажариб, -*дир* қўшимчаси вазифасида жуда фаол ишлатилган: *Ва ул сув асру улуғ ва чуқур сув **турур***

[1:199]. Шунингдек, бу сўз кўмакчи феълли сўз қўшилмаси таркибида кўмакчи феъл сифатида келиб ҳаракатнинг давомийлигини ҳам ифодалайди: *... бекларким анда бориб* ***турур****лар* [1:243]. “Бирор жой-маконда истиқомат қилмоқ, яшамоқ” маъносидаги *турур* сўзи ҳам асарда мавжуд: *Ва ул суҳбатда Румдин келгон элчиларга ...дедиким, “Биз бу қиш мунда* ***турур****биз* [1:253].

*Туш* омоними: I – “қуёш қоқ тепага келган пайт”: *Ва* ***туш*** *маҳалида андин кўчуб, йарим кечагача юруб, Жайҳун суйиға йақин келиб* ***туш****ти* [1:220]; II – “уйқуда вужудга келадиган субъектив руҳий ҳодиса”: *Ул боргонда яна паришон* ***туш*** *кўруб, хотири бисёр мулул бўлди* [1:80]; III – “юқоридан, баланддан ёки бирор нарса устидан пастга томон ҳаракат қилмоқ”: *Ҳазрат оттин* ***туш****уб, бир дам осойиш қилди* [1:52].

*Пора* омоними: *I – “Бўлак, парча, кесилган”: Охир зафарпаноҳ черики аларға зафар била* ***пора*** *қилдилар* [1:211]; II – “тўда, тўп, гуруҳ”: *Ва Мусабекнинг бир* ***пора*** *кишиси анда эрди, ани тутуб беркиттилар* [1:52].

*Қари* омоними: I – “қари, кекса, заиф”: *“Анинг гуноҳини ўз караминг била бу* ***қари*** *қулунға бағишлағил ва ул нодонлиғидин ва йамон феълидин тавба қилди”* [1:69]; II – “қўл учидан тирсаккача бўлган ўлчов бирлиги; газ”: *Кеча бўлғунча ўн беш* ***қари*** *ерни қаздилар* [1:210].

*Кўр* омоними: II – “кўзи ожиз, кўр”: *... мисли қавми* ***кўр*** *буқа ва парлон ва йуркун ва калжиким, соҳибқирон черикидин қочиб ёзиларда саргашта ва ҳайрон юрур эрдилар...* [1:179]; II – “кўрмоқ, қарамоқ, назар ташламоқ”: *Ул ерда бир киши шер* ***кўр****уб, соҳибқиронға хабар келтурди* [1:160].

*Ол* сўзи: I – “қизил, қирмизи”: *...нишон битиб,* ***ол*** *тамға босиб, анга йибарди* [1:268]. II – “олмоқ” феъли: *...бу даъво билаким, мулкни* ***ол****ғай* [1:306].

“Зафарнома”нинг ўзбекча таржимасида кўч (I – кўч, юк; II – кўчмоқ, жой алмаштирмоқ), от (I – ҳайвон; исм, ном; II – отмоқ, улоқтирмоқ), қўй (I – ҳайвон; II – қўймоқ), бор ( I – мавжуд; II – бормоқ) ўт (I – дарахт, ўсимлик; II – ўтмоқ; III – олов, гулхан) каби омоним сўзлар ҳам кенг қўлланган.

“Зафарнома” асарининг эски ўзбек адабий тилидаги таржимаси лексикасидаги омоним сўзларни таҳлил қилиш натижасида тилимиз тараққиётининг турли даврларида эроний, араб ва бошқа тиллар билан ўзаро алоқада бўлгани натижасида, шунингдек, тилнинг ички ривожланиш қонуниятлари асосида омонимлар юзага келгани ва бундай сўзлар тилнинг услубий-эстетик имкониятларини намоён қилишда фаол иштирок этгани ҳақида хулосага келамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. (Сўз боши, табдил, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар: Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков) Тошкент: “Шарқ”. 1997. 384 б.
2. Дадабаев Х.А. Лексические особенности перевода на староузбекский язык «Зафар-наме» Шараф-ад-дина Али Йезди // Türkologiya. Baki. 2015. № 1. С. 35-40.
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: “Ўқитувчи”. 1984. Б.116;
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. 3-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2007.


Шоира Рахимова (Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали)

## “ДАВЛАТЁРБЕК” ДОСТОНИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

**Аннотация.** *Мақолада Хоразм воҳасидаги қиссахонлар ва бахшилар репертуарида яшаб келган “Давлатёрбек” тарихий достонининг версиялари ҳамда тадқиқотчилари, унинг пайдо бўлиши ва шаклланишида асос бўлган омиллар хусусида фикр юритилади.*

**Калит сўзлар:** *“Давлатёрбек”, Қўнғирот, достон, ўзбек, туркман, қорақалпоқ, версия, қиссахон, бахши.*

**Аннотация.** *В статье идёт речь о версиях исторической эпопеи "Давлатёрбек", находившихся в репертуарах сказателей и киссахонов (чтецы) Хорезмского оазиса и об исследователях данного эпоса, а также взгляды и мнения о зарождении и факторах повлиявших на формирование поэмы.*

**Ключевые слова**: *"Давлатёрбек" Кунград, эпос, узбек, туркмен, каракалпак, версия, сказатель.*

**Abstract.** *The article gives information about the versions of the historical epic "Davlatyorbek", which presented in the repertoires of the tales and national singers (bakhshi) of the Khorezm oasis and the researchers who studied it, as well as views and opinions about the origin and factors that influenced on the formation of the poem.*

**Key words:** *"Davlatyorbek", Kungrad, epic, Turkmen, Karakalpak, version, short story, bakhshi.*

Қиссахонлар ва бахшилар репертуарида яшаб келган "Давлатёрбек" тарихий достонининг версиялари бир қанча халқларда хусусан ўзбек, қорақалпоқ, туркман халқларида версиялари мавжуд бўлиб, турли олим ва тадқиқотчилар эпос ҳақида маълумот тўплаб келишган. Достоннинг қисқача мазмунини қайд қилиб, унинг пайдо бўлиши ва шаклланишида асос бўлган омиллар хусусида фикр юритар эканмиз, бир қанча манбаларда турлича фикрлар зикр этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқ достонининг кўп вариантлари саводхон шоирлар, бахшилар, котиблар томонидан қайта ишлангандир.

Таниқли туркман олими Б.А.Қарриев қиссахонлик анъаналарига ижобий баҳо бериб, шундай ёзади: "Қиссахонлар аудиторияси унчалик катта бўлмаса-да, қисса тинглашга бахшилар ҳам келишган. Саводсиз бахшилар қисса матнларини ёдлаб, уларни қайта ишлаб кенг аудиторияга ёйганлар" [1:128].

Достоннинг рўёбга чиқишида Қурбонали Маъруфий каби туркман шоирининг роли катта бўлган. Биз сўз юритмоқчи бўлган "Давлатёрбек" достонининг туркман версияси муаллифи Қурбонали Маъруфий XVIII асрда Хива ва Урганчда яшаб ижод қилган [2:202]. Туркман олимларининг кўрсатишларича Маъруфий Махтумқули, Ғойибий, Шобанда, Шайдойи каби шоирлар билан Хивадаги Шерғозихон мадрасасида бирга ўқиган. У шоир бўлиш билан бирга машҳур чавандоз ва сипоҳий бўлган. Достоннинг бош қаҳрамони Давлатёрбек ҳам Шерғозихон мадрасасида шоир билан бирга ўқиган ва ўз навбатида чавандоз, сипоҳий бўлган [3:9]. Маъруфий Давлатёрбек билан ўқишда ва турли жангларда бирга бўлган. Мазкур достонни ҳам ўз дўстининг жангавор ҳаётига бағишлаган бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда асар тарихий достон сифатида баҳоланади.

"Давлатёрбек" достонининг қорақалпоқ версиясида Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида халқ орасида пайдо бўлган ва унинг бош қаҳрамони шу ҳудудда XVIII асрда яшаб ўтган Давлатёрбек болғали уруғидан чиққан Эшмурот нойибнинг ўғли, тарихий шахс – чавандоз, сипоҳий ва шоир ҳақида маълумот бериб борилган. Дарҳақиқат, XVIII аср воқеаларини тасвирловчи тарихий асар бўлган "Фирдавс ул-иқбол"да Давлатёрбекнинг исми икки-уч ерда тилга олиб ўтилади: "Ва явмут билан Орол Қўнғирот истило топиб, мулк ихтиёри явмут қўлида бўлди ва Мискин меҳтарни Хонгалди иноқ Эшмурод Қўнғиротнинг ўғли Давлатёрбекка буюриб ўлтуртди ва Абдураҳмон меҳтарга вазоратни муфаввaз қилди" [4:65], деб ёзади "Фирдавс ул-иқбол" муаллифлари.

Достон қорақалпоқларда Муса бахши ва Нарбай бахшилар репертуарида куйлаб келинган бўлиб, асар "Амударё" журналида "Давлатёрбек" номи остида чоп этилган [5]. Бу асар 1930 йиллардаёқ ёзиб олинган [6:301].

Туркман ва қорақалпоқ олимларининг асарнинг пайдо бўлган минтақаси ҳақидаги фикрлари бир-бирига анча яқин. Бироқ, қорақалпоқ олимлари, хусусан Қ.М.Мақсетов "Давлатёрбек" достонини Қўнғирот ўзбеклари орасида шаклланганлигини алоҳида қайд қилади ва бу асарни Маъруфийга нисбат беришни нотўғри деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, достон Давлатёрбекнинг ўзи томонидан ижод қилинган, чунки Давлатёрбек сипоҳ

бўлиш билан бирга саводхон ва шоиртабиат киши бўлган. Бу фикрни исботлаш учун Қ.Мақсетов эпосдан анчагина далилларни излаб топади [7:91-94].

Бу достон Хоразм бахшиларининг оғзаки репертуарида учрамайди. Чунки достон ҳажм жиҳатидан жуда кўламдор бўлиб, асосан қиссахонлар томонидан ўқилган. Бизнинг фикримизча, “Давлатёрбек” достони дабдурустдан пайдо бўлмаган. Дастлаб ушбу тарихий шахс фаолияти ҳақида турли ривоятлар тўқилиб, эл орасида тарқалган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, тарихий шахс Эдиго ҳақида ҳам дастлаб кўпгина афсона ва ривоятлар тўқилиб, Маъруфий ўша сюжетлар асосида “Тулумхўжа” достонини ёзган. Ушбу достоннинг ким томонидан ёзилганлиги жуда мунозарали масаладир. Достоннинг туркман версияси ҳақида номзодлик диссертацияси ёзган Қ.Дурдиев асарни Маъруфий томонидан ёзилганлиги хусусида қатъий фикр билдиради [8].

Давлатёрбек ҳақида ўз эли бўлган Қўнғирот атрофларида ривоятлар, афсоналар пайдо бўлганлигига шубҳа қилмаса бўлади.

Қорақалпоқ олимларининг достон Қўнғиротда пайдо бўлган деган тахминлари ҳам ўша омиллар билан боғлиқдир. “Фирдавс ул-иқбол”даги қайдлар ҳам ушбу фикрга мос келади. Бундан ташқари, достоннинг муқаддимасидаги макон (экспозиция) Қўнғирот эли тарзида берилади.

Хуллас, достон Хоразм минтақасида пайдо бўлган ва оғзаки ривоятлар, афсоналардан эпос томон силжиган. Маъруфий уларни ижодий қайта ишлаб ўз асарини рўёбга чиқарган бўлиши мумкин. Шундан кейин асарнинг қўлёзма нусхалари пайдо бўлиб, қиссахонлар репертуарига ўтган. Бизнинг қўлимизда достоннинг иккита нусхаси мавжуд бўлиб, ҳажман 200 саҳифага яқин.

Шу нарса эътиборни тортадики, достон образлари орасида Маъруфий ҳам Давлатёрбекнинг пири сифатида иштирок этади. Достоннинг айрим воқеалари “Юсуф ва Аҳмад” достонидаги лавҳаларни эслатади. Давлатёрбекнинг ҳийла билан асир олиниши, унинг эроний шоирлар билан айтишувда енгиб чиқиши каби воқеалар фикримизга исбот бўла олади. Ушбу ифодалар достоннинг ҳақиқатан ҳам Хоразм тупроғида шаклланганини тўла исботлайди.

Достон ҳажман анча катта бўлиб, таркибида 2005 шеърий мисра ишлатилган. Шулардан 432 таси мураббаъ, биттаси мухаммасдир. Достонда анъанавий ифодалар, сажъ тузилмалари кўплаб учрайди: “Ой десанг-оғзи бор, кун десанг-кўзи бор, кулар юзли, ширин сўзли, булбул овозли, шунқорли-бозли, оғзи ғунча, лаби лаъл, кўзлари мастон, қошлари камон, сочи сиёҳ, қадди зебо, тишлари садаф, киприклари саф-саф, кучоқлари жаннат, ўзи хуш талъат, ободон бир қиз: Гулчаманнинг ушбу қиёфаси асардаги бадиий нутққа зеб бериб, унинг эстетик таъсирчанлигини янада юксалтиради.

Хуллас, “Давлатёрбек” достони Хоразмда XVIII асрда бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ўша даврда яшаб ўтган айрим тарихий шахслар иштирокида бадиий-тарихий фонда тасвирловчи асардир. Достонда эртакларга хос фантастик тасвирлар ҳам ўрин олган. Маъруфий дўсти Давлатёрбек билан бирга савашларда қатнашган. Шу сабабдан достонда унинг образи ҳам қатнашади.

Достоннинг оғзаки вариантларга кўчишида қорақалпоқ ва Орол ўзбекларига мансуб бахшиларнинг ҳиссаси жуда катта. Аммо достоннинг оғзаки вариантлари Хоразмнинг ички ҳудудларида яшовчи бахшилар репертуарига ўтиб улгурмаган.

